

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО  
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЦЕНТР ИННОВАЦИОННЫХ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**Эффективные технологии  
в экономическом и бизнес образовании:  
кейс-технология обучения**

**Часть 11**

**ТАШКЕНТ**

**Эффективные технологии в экономическом и бизнес образовании: кейс-технология обучения.** Сборник кейсов и педагогических технологий по их применению в учебном процессе. Часть –XI. Т.: Экономика, 2009. – 252 с.

**Редакционный совет проекта:**  
А.Ш. Бекмурадов, Л.В. Голиш, М.Э. Пулатов.

**Научный консультант – профессор Б.Ю. Ходиев**

Эта книга – первый в Республике Узбекистан сборник кейсов и педагогических технологий по их применению в учебном процессе.

Сборник состоит из несколько частей. Часть – XI включает 10 кейсов. Каждый кейс сопровождается: методическими указаниями для студентов магистратуры по организации индивидуального и коллективного анализа и решения практической ситуации, собственным вариантом решения кейса преподавателем-кейсологом, технологией обучения на учебном занятии.

Сборник адресован преподавателям экономических вузов. Он может быть также полезен преподавателям других вузов, профессиональных колледжей и лицеев, а также слушателям системы повышения квалификации и переподготовки педагогических кадров.

Печатается по решению Учебно-методического объединения «Педагогические технологии и их применение в учебном процессе» при Ташкентском Государственном экономическом университете.

**Рецензенты:**  
доктор педагогических наук, профессор Н.Н. Азизходжаев  
доктор биологических, профессор Х.К. Каршибаев  
доктор технических наук, профессор Б.Ш. Раджабов

**Составители:** Р.Хакимов, Г.Захидов

Экономика, 2009 г.

## **ВМЕСТО ПРЕДИСЛОВИЯ**

В условиях реформирования экономической системы Узбекистан перед высшим образованием стоит глобальная цель – обеспечить формирование у выпускников вузов такого уровня интеллектуальной и профессиональной культуры, социальной зрелости, который позволит им быть высококвалифицированными конкурентоспособными специалистами, способ адаптироваться к постоянно меняющейся внешней среде и брать на себя ответственность к принятие управленческого решения.

Для педагогического сообщества становится очевидным следующее: чрезвычайно важно определиться не только в отношении того, чему учить, но и как учить. В этой связи важен выбор приоритетов в области педагогических технологий. С учетом поставленных целей из всего многообразия современных технологий обучения нами выбраны кейс-стади.

Многие преподаватели, в том числе экономических дисциплин, утверждают, что они уже используют кейс-стади в практике обучения. Но учебные, проблемные или ситуативные задачи, составленные на основе реальных фактов из жизни институциональных систем или условных, искусственно сконструированных преподавателем в обучающих целям, ещё не являются кейсом, а решение задачи – кейс-технологией обучения.

Новая технология требует от преподавателя адекватных профессиональных педагогических умений и навыков. Уверены, что помочь в этом может оказать данный сборник кейс-технологий обучения, подготовленный и изданный в рамках одноименного образовательного проекта. Их разработка основывается на знаниях преподавателей-кейсологов в области технологизации обучения и правил разработки кейсов, умениях проектирования, планирования и реализации технологии кейс-стади.

Представленные в сборнике кейс-технологии обучения еще далеки от совершенства – преподаватели университета только в начали пути по освоению новой для них технологии обучения. Но процесс пошел – и это главное.

**Профессор Баходир Ходиев  
Ректор ТГЭУ, Научный консультант проекта**

## МУНДАРИЖА

	<b>ШОДМОНОВ Ш.Ш.</b> «Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуби » фанидан «Иқтисодиёт назарияси» фанидан маъруза ўтишнинг замонавий усуллари» мавзусида <i>Кейс «Иқтисодиёт назарияси» фанидан маъруза ўтишнинг замонавий усуллари»</i>	5
2.	<b>ЮСУПОВ Р.А.</b> «Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» фанидан «Товар, қиймат ва пул назариялари» мавзусида <i>Кейс «Товар, қиймат ва пул назариялари»</i>	40
3.	<b>ҒАФУРОВ У.В., БЕКҚУЛБЕКОВ Ф.М.</b> «Ўтиш даври иқтисодиёти назариясига» фанидан «Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели, концепция ва стратегияси» мавзусида <i>Кейс «Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти нимада»</i>	67
4.	<b>ИСРАИЛОВА Ш.Т.</b> «Тармоқ ва корхона иқтисодиёти назарияси» фанидан «Корхона (фирма) да ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, меҳнат унумдорлиги» мавзусида <i>Кейс «САҒБОН» хусусий корхонасида меҳнат унумдорлигини ошириши нимага боғлиқ?»</i>	89
5.	<b>ЗИЯЕВ Т.М., ИСРОИЛОВА Ш.Т.</b> «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанидан «Ижтимоий соҳада солиқ тизими» мавзусида <i>Кейс «Ижтимоий соҳани ривожлантиришида солиқ тизимининг аҳамияти нимада?»</i>	108
6.	<b>ЯХШИЕВА М.Т.</b> «Пулнинг неоклассик назарияси» фанидан «Пул назарияси» мавзусида <i>Кейс «Монетар сиёсатнинг қандай асосий йўналишилари мавжуд?»</i>	122
7.	<b>ДАДАБОЕВ К.А.</b> По учебной теме «Использование логистических методов в сфере коммерческой логистики» предмета «Коммерческая логистика» <i>Кейс «Эффективно ли использование информационных технологий для расширения, модернизации и развития складской логистики в России»</i>	140
8.	<b>ЎРМОНОВ Н.Т., АНВАРОВ Ў.А.</b> «Ўрта осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари» фанидан «Юсуф Хос Хожибининг иқтисодий қарашлари» мавзусида <i>Кейс «Юсуф Хос Хожибининг иқтисодий қарашлари ҳақида»</i>	163
9.	<b>ҒАФУРОВ У.В.</b> «Иқтисодиёт назарияси-2» фанидан «Монопол ҳукмронлик ва монополияга қарши сиёсат» мавзусида <i>Кейс «Табиий монополия субъектлари фаолиятини назорат қилиши усуллари»</i>	196
10.	<b>КЕНЖАЕВ Р.И.</b> «Иқтисодий тараққиёт назариялари» фанидан «Иқтисодий ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш» мавзусида <i>Кейс «Нима учун “Ўзқишилоқхўжаликмас” холдинг компаниясига “Иқтисодий ривожланиши омилларидан самарали фойдаланиши” дастури керак?»</i>	219

---

## **ШОДМОНОВ Ш. Ш.**

**«Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуби»  
фанидан «Иқтисодиёт назарияси» фанидан маъруза  
ўтишнинг замонавий усуллари» мавзусида**

## **КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «Иқтисодиёт назарияси» фанидан маъруза  
ўтишнинг замонавий усуллари»***

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуби”.

**Мавзунинг номи:** “Иқтисодиёт назарияси” фанидан маъruzaga таёргарлик кўриш услуби” мавзусига бағишланган кейс.

**Кейснинг мақсади:** Бўлажак педагогларда маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш, ўрганиш зарур бўлган мавзу учун энг қулай ва самарали услубни танлай олиш малакасини шакллантириш. Кутилаётган натижа: талабалар мавзунинг мазмунини таҳлил қиласидилар ва мураккаблик даражасига баҳо берадилар, фан бўйича ўқув дастурининг мазмуни билан танишган ҳолда таълим мақсадларини аниқлайдилар. Танлаб олинган услубларнинг имкониятларига баҳо берадилар. Дарс ўтилиши зарур бўлган гурухга берилган тавсиф билан танишиб чиқадилар. Ўрганилган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда услубни танлашга таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда энг қулай услубни танлайдилар ва унинг оптималлигини асослайдилар. Кейс тренинг тавсифига эга бўлганлигидан унинг мақсади талабаларда энг қулай услубни танлаш малакаси ва кўникмасини шакллантириш.

Кейсни муқаффақиятли ечиш учун талабалар қўйидаги натижаларга эришишлари лозим:

- мавзуни тавсифлаш ўзак қисмларини ажратиб олиш ва унинг асосида дарснинг аниқ мақсадларини ишлаб чиқиши;
- гуруҳ хусусиятларини аниқлаш ва гуруҳ характеристига мос келувчи услубни аниқлаш;
- услубларнинг имкониятларини аниқлаш;
- барча омилларни бирлаштирган ҳолда уларнинг барчаси учун ягона тўғри бўлган оптимал услубни танлаш ва унинг оптималлигини асослаб бериш зарур.

**Мазкур кейс институционал тизими** - сунъий яратилган вазият асосида ишлаб чиқилган.

**Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қўйидагилардан иборат:

1. Шодмонов Ш.Ш.,Faфуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Фан ва технология». 2005.

2. М.Каримова, Н.Тешабоева. Ўқитишнинг замонавий технологиялари. “Касб-хунар таълими” журнали, 2008 йил, 3-сон.

3. С.Бозорова. Маъруза турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. “Касб-хунар таълими” журнали, 2008 йил, 2-сон.

4. Ж.Ҳамидов. Касбий таълим жараёнода ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари. “Касб-хунар таълими” журнали, 2008 йил, 1-сон.

**Мазкур кейс кабинет тадқиқотлари** асосида тузилган сюжетли

тоифага киради. Кейс тузилмавий кўринишга эга бўлиб, топшириқларни алгоритмик кетма-кетликда бажаришга асосланади. Кейснинг обьекти ўқув гурухи хисобланади. Кейснинг ҳажми ўртача бўлиб, вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида муаммонинг оптимал ечимини топишга қаратилган.

**Дидактик мақсадига кўра кейс** - тренинг характерига эга. У оптимал услубни танлаш бўйича талабаларда малака ва қўникмани шакллантиришга қаратилган. Талабаларда таҳлил этиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида кейс муаммоси, топшириқлар, уларни бажариш алгоритми ва зарур ахборот изчилилк билан баён этилган.

**Кейснинг афзаликлариға қўйидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс-технология ўқитиш бўйича, талабалар ўзлари ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Холатий таҳлил варагаси” мавжуд.

Мазкур кейсдан “Иқтисодиёт назарияси”, “Иқтисодиёт назарияси фанини ўқитиш услуби”, “Иқтисодиёт назарияси-2”, “Иқтисодий фанларни ўқитиш услубиёти” ва “Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси” фаниларини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

## КИРИШ

**Долзарбилиги.** Ўқув жараёнини ташкил этиш, самарали натижага эришиш кўп жихатдан тўғри, оптимал услубни танлашга боғлиқ. Энг қулай ва юқори самара берувчи услубни танлашда профессор-ўқитувчи бир қанча омилларни ҳисобга олиши, уларни таҳлил қилиши ва шу таҳлил асосида маълум мавзуга ва вазиятга мос тушувчи услубни танлаш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчиларда ҳар бир дарс учун мос келувчи энг қулай услубни танлаш малакасини шакллантириш ўта муҳим масала. Чунки тўғри танланган услуг ўқув жараёнининг самарали бўлишига имкон яратади. Оптимал услубни танлаш учун бир қанча омилларни ўрганиш ва уларнинг барчаси учун тўғри келувчи энг қулай услубни танлаш малакасига эга бўлиш талаб этилади.

Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширмасдан туриб малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳал этиш мумкин эмас. Демак, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожини таъминлаб берувчи малакали мутахассислар тайёрлаш фаолиятида қатншувчи ҳар бир педагог ҳар бир вазият учун оптимал услубни танлай олиш малака ва кўнимасига эга бўлиши шарт. Бўлажак педагогларда юқорида қайд этилган малака ва кўнималарни шакллантириш мақсадида мазкур кейс ишлаб чиқилди. Кейс ечимини топиш жараёнида талаба услуг танлашда ахамиятга эга бўлган бир қанча омилларни ўрганиши, уларни таҳлил этиши, киёслаши ва ягона энг қулай услубни кўрсатиши ҳамда уни асослаб бериши талаб этилади.

Оптимал услубни танлаш жараёнида талаба мавзунинг характеристи, ўқув гурухининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши, дарснинг аниқ мақсадларини белгилаб олиши, услубларнинг имкониятларига тўғри баҳо бериши ва “ABB” технологияси асосида ўз фикрларини баён этиши лозим.

Кейс муаммосининг ечимини топиш жараёнида талабаларда қўйидаги хусусиятларни ривожлантириш ва **ўқув натижаларга эришиш мумкин:**

- мазкур мавзу бўйича билимни чукурлаштириш;
- индивидуал ва гурухларда муаммонинг ечимини таҳлил этиш ва қарор қабул қилиш кўнималарини шакллантириш;
- барча омилларни ҳисобга олган ҳолда конструктив фикр юритишга ўрганиш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўнималарини ривожлантириш;
- услуг имкониятларини аниқлаш;
- таълим мақсадларни аниқлаш;
- услуг танлаш жараёнида барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ягона оптимал ечимни топиш малакасини шакллантириш.

## ВАЗИЯТ

### МАЪРУЗА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълим жараёнида ўқув материали мазмунини оғзаки баён этиш, яъни маърузанинг алоҳида ўрни бор. Бироқ айрим педагог олимлар ўқув материалларини қуруқ назарий баён этишга танқидий нуқтаи-назардан қарайдилар. Уларнинг фикрича, маъруза жараёнида маърузачининг фикри жуда секин қабул қилинади, таълим оловчилар мустакил фикрламайди, улар нотиқнинг сўзларини механик равишда ёзиб оладилар. Дарслик ва қўлланмалар мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда маъруза гўё унчалик самара бермайдива индивидуал ўқитиш тамойилига мутлақо зиддир. Бироқ, педагогик амалиёт натижалари шуни кўрсатадики, маърузадан воз кечилса, таълимнинг илмийлик даражаси пасаяди, семестр давомида ўқув ишларининг изчиллиги ва мароми бузилади. Шу боис маъруза ўқитишнинг муҳим шакли ва усули сифатида доимо қўлланилиб келинган ва бундан кейин ҳам педагогик амалиётда қўлланилаверади. Маърузанинг юқорида таъкидлаб ўтилган айрим камчиликлари ўрганилаётган ўқув материалларини саралаш, ўқитишнинг самарали методикаларини танлаш ва уни бошқа мақбул усуллар билан биргалиқда қўллаш орқали бартараф этилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда маъруза жараёнида ҳам ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Улар қаторига муаммоли маъруза, маъруза-маслаҳат, маъруза-матбуот конференция, маъруза-икковлон, маъруза-сұхбат, маъруза-мунозара, маъруза-тадқиқот, маърузада тескари алоқа усулини қўллаш, визуал маърузалар киради.

Куйида уларнинг моҳияти ва ўзага хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиш:

**Муаммоли маъруза.** Анъанавий маърузада тушунтириш, иллюстрация, изохлаш, мисоллар келтиришдан фойдаланилса, муаммоли маърузада таҳлил, илмий изланиш, синтез усули асосий ўрин эгаллайди. Муаммоли маърузада муаммоли саволлар қўйилади, муаммоли вазиятлар яратилади ёки моделлаштирилади. Муаммоли вазият талабалардан фаол билиш фаолиятини талаб этади. У муаммоли саволларни қўйиш орқали яратилган зиддиятли вазиятдир.

Муаммоли савол ўзида диалектик зиддиятни мужассам этади ва ечими учун маълум билимларни қайта тиклашни эмас, балки фикрлашни, таққослашни, изланишни, янги билимларни эгаллашни ва амалий қўллашни талаб этади. “Муаммоли савол” ва “муаммоли масала” тушунчалари бир-биридан шартли равишда ажратилади. Муаммоли саволлар “масала” даражасигача ривожлантирилиши, масала эса саволларга “бўлиниши” мумкин. Муаммонинг мураккаблик даражаси

талабаларнинг тайёргарлигига, ўрганилаётган мавзуу ва бошқа ҳолатларга боғлиқ ҳолда танланади.

Муаммоли масалалар ечими ва муаммоли саволларга жавобни ўқитувчи талабалар кўмагига таянган ҳолда топади. Ўқитувчи муаммони ҳал этибгина қомасдан, уни ечиш мантиқини, методикасини кўрсатиб бериши, ақлий фаолият усулларини намойиш этиши, мураккаб ҳодисаларни билишнинг дидактик методини асослаши лозим. Албатта, бу кўп вақтни талаб этади. Шунинг учун олдиндан ўкув материалларини танлаши ва маъруза “сценарий”сини ишлаб чиқиши зарур.

Муаммоли маърузада талабалар нотиқ билан бирга “фикирлашиш” жараёнида иштирок этади ва охир-оқибат муаммоли масалаларни ечишда ҳаммуаллифга айланади. Муаммоли маъруза натижасида эгалланган билимлар, биринчидан, талабаларнинг маърифат маслагига айланади; иккинчидан, улар чукур ёдда сақланади, талабаларнинг билиш фаоллашади (таълимий самара), улар янги таълимий вазиятларга осон ўтади (ижодий фикрлашни ривожлантириш самараси); учинчидан, муаммоли масалаларни ечиш таълим олувчи заковатини ривожлантиради (ривожланиш самараси); тўртинчидан, уларнинг курсга қизиқишини ортиради ва касбий тайёргарлигини кучайтиради (психологик тайёрлаш самараси).

**Маъруза маслаҳат.** Машғулотнинг бу шакли амалий йўналишга эга мавзуларни ўрганишда қўл келади. Бундай маърузани ташкил этишнинг бир неча варианти мавжуд.

**1-вариант.** Машғулот кириш сўзи билан бошланади. Ўқитувчи талабалар диққатини қарататётган масаланинг амалий аҳамиятига жалб этилади. Кейин талабалар саволлар беришади. Асосий эътибор (ўкув вақтининг 50% и) саволлар жавобига қаратилади. Машғулот сўнггида ўқитувчи кичик мунозара ўtkазиб талабаларнинг эркин фикр алмашишини таъминлайди ва якуний хулоса чиқаради.

**2-вариант.** Машғулотдан бир неча кун олдин ўқитувчи талабалардан ёзма равища саволлар йиғиб олади. Машғулотнинг биринчи қисмида у маъруза қиласи, кейин ўз имкониятига қараб, талабаларнинг аввалдан ёзма равища берган саволларига жавоб қайтаради. Унинг иккинчи қисмида талабалар яна қўшимча саволлар беради, эркин фикр алмашади ва ўқитувчи машғулотга якун ясади.

**3-вариант.** Ўкув материаллари талабаларга машғулотдан олдин берилади. У услубий кўрсатма ёки йўриқнома характеристида бўлади. Талабалар ўкув материалларини аввалдан ўрганиб маърузачига саволлар тайёрлайди. Эркин фикр алмашиш шаклида ўтказилади ва саволларга жавоб топилади.

**4-вариант.** Машғулотнинг биринчи қисмида мавзуга ёки бирор илгор тажрибага оид кинофильм, видеофильм, диафильм қўрилади. Талабалар

унга оид материаллар, китоб, рисола, қўлланмаларни олдиндан олиши мумкин. Машғулотнинг иккинчи қисми савол-жавоб тарзида ўтказилади.

**5-вариант.** Машғулот жамоа маслаҳати сифатида ташкил этилади. Бунда фақат ўқитувчи эмас, балки соҳа мутахассислари ҳам иштирок этадилар. Машғулотда долзарб ва муҳим муаммолар қараб ўтилади. Маъруза-маслаҳат тарзида машғулот самарадорлиги талабалр бераётган саволларнинг мазмунига боғлиқ.

Дастурли маъруза-маслаҳат талабаларни муаммо муҳокамасида фаол иштирок этишга мажбур этади. У жамоа маслаҳатидан ўқитувчининг талабалар учун саволлар тузиши ва уларга таклиф этиши билан фарқланади. Тайёрланган саволларга дастлаб талабалар жавоб беришади, нотўғри жавоблар таҳлил этилади ва муҳокама қилинади. Ўқитувчи талабаларга қўшимча саволлар берилади ва нотўғри жавобларни изоҳлайди.

Дастурли маъруза-маслаҳат бирор муаммога бағишлиланган маъруза машғулотларидан кейин ташкил этилиши мумкин. Бунда талабалар олган билмларини тўғри қўллай олиш кўникмасини намоён этадилар.

Маъруза-маслаҳатнинг афзаллиги шундан иборатки, унда талабаларнинг амалий қизиқишларига қўпроқ эътибор қаратилади, ўқитиши жараёнини индивидуаллаштиради.

Маъруза шаклларидан бири маъруза-матбуот конференция ҳисобланади.

**Маъруза-матбуот конференция** талабалар билимидаги камчиликларни тўлдириш ва уларнинг тайёргарлиги даражасини ташхис этиш учун хизмат қиласи. Бундай маърузаларни ташкил этиш учун алоҳида методикалар ишлаб чиқилади. У қуидагича ўтказилади. Ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилиб талабалардан қаралаётган муаммо бўйича ёзма равишда саволлар беришларини сўрайди. 2-3 дақиқа давомида талабалар қизиқарли саволларини ёзма равишда ўқитувчига беришади. Ўқитувчи 3-5 дақиқа давомида саолларни мазмунига қараб саралайди ва маърузасини бошлайди. Маъruzadan мақсад қўйилган саволларга жавоб топишдир. Маъруза натижасида талабаларнинг фанга қизиқиши ва билимлари таҳлил қилинади.

**“Маъруза-икковлон”.** Бундай маърузани икки ёки ундан ортиқ ўйитувчи олдиндан тайёрланган сценарий асосида ўтказади. Ўқитувчилар муаммоли саволларга ўзларининг турли қарашларини баён этиб мунозарага киришишади. Мавзу бўйича мисолларга таяниб баҳслашади. Предмет бўйича “Маъруза-икковлон” бир ўкув фани ўқитувчилари иштирокида предметлараро “Маъруза-икковлон” турли фан ўқитувчилари иштирокида ўтказилади.

“Маъруза-икковлон”да педагог шерикларни танлаш, уларнинг психологик ва интеллектуал жиҳатдан бир-бирига мос келиши

лаёқатлилик даражасининг тенглиги, фанлараро алоқалардан унумли фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

**“Маъруза-сұхбат”.** Маърузанинг бу шакли бирмунча кенг тарқалған. Бунда диалог орқали талабалар ўқитувчи сұхбатига жалб этилади. Аудиторияда бериладиган алоҳида саволлар диспут, мунозара талабаларни фаоллаштириш воситалари ҳисобланади. Унинг бир неча шакли мавжуд: маъруза-мунозара, маъруза-тортишув, маъруза-семинар (номилог).

Бунда талабалар диққати мавзунинг муҳим саволларига жалб қилинади, аудиториянинг ўзига хослиги ҳисобга олиніб, ўқув материали мазмуни, уни баён қилиш суръати ва методи аникланади.

Талабаларнинг маъруза-сұхбатда фаол қатнашишини таъминловчи баъзи усуллар:

**1. Маърузани саволлар асосида ташкил этиши.** Ўқитувчи аудиториядаги талабаларга саволларни маърузани бошлашдан аввал беради. Бундан мақсад талабалар билимини текшириш эмас, балки қаралаётган муаммо бўйича уларнинг фикрларини билиш, савияси даражасини, ўқув материалларини қабул қилишга тайёргарлигини аниклашдан иборат.

Саволлар талабаларнинг барчасига ҳавола этилади. Улар ўз жойларидан туриб, навбат билан саволларга жавоб беришади. Саволлар оддий ёки муаммоли бўлиши мумкин. Талабалар берилган саволларга обдон ўйлаб, мустақил фикр юритиб, жавоб топадилар ва умумий хуносага келишади.

Муҳокама этилган муаммоларнинг аҳамияти ва муҳимлигини тушуниб олишади. Натижада уларнинг ўқув материалларига қизиқиши ва уни қабул қилиш даражаси ортади. Машғулот давомида ўқитувчи талабаларга берилган саволларнинг жавобсиз қолмаслигига эришиши зарур, акс ҳолда у сафсатабозлиқдек туюлиши мумкин ва улар фаол фикрламайдилар.

**2. Жамоавий тадқиқот.** Ўқитувчи талабаларга жараёнлар ва ҳодисалар қонуниятларини биргаликда тавсифлашни таклиф этади. Бунда уларнинг тажрибаси ва билимига таянилади. Таклифларни аниклаштирилиб бутун жамиоа ўз мулоҳазаларини назарий ифодалайди, тизимлаштиради.

**Маъруза-мунозара.** Ўқитувчи ўз саволларига талабаларнинг берган жавобларидан фойдаланиб, уларнинг эркин фикр алмашиши учун имкон туғдиради, натижада талабалар анча фаоллашади. Ўқитувчи талабалар жамоаси фикрини бошқариб мунозара пайтида йўл қўйилган хато ва камчиликларни изоҳлаб беради.

Мунозара учун саволлар тўғри танланса ва у мақсадга йўналтирилган ҳолда моҳирона ташкил этилса, маъруза жараёнида албатта самарага эришилади. Муҳокама учун саволлар талабаларнинг тайёргарлик

даражасига қараб, ҳал этиладиган дидактик масалаларга боғлиқ ҳолда танланади.

**Хатоли маъруза.** Унинг ўзига хос томони шундаки, ўқитувчи маърузани баён этиб, унда маълум хатолар борлигини айтади. Хатолар турли кўринишда бўлиши мумкин: мантиқий, маъновий, дунёқарашга оид, таъриф ва тушунчаларни нотўғри изоҳлаш ва ҳ.к. Ўқитувчи уларни алоҳида плакатга ёзди ва тескари томондан кўрсатади. Маъруза тугагач, ўқитувчи талабаларда ўз натижаларини плакатнинг олд қисмида тўғри баён этилган фикрлар билан таққослаш имконияти мавжудлигини эътироф этади. Талабалар маърузада йўл қўйилган, яъни “атайин режалаштирилган” барча хатоларни аниқлаши ва уларни дафтарига белгилаши шарт. Маъруза тугашидан 15-20 дақиқа олдин талабалар маъруза пайтида “йўл қўйилган” хатоларни аниқлаб, таҳлил этадилар ва тўғри жавобларини асослаб беришади. Махсус режалаштирилган хатоли маърузалар талабаларнинг билиш фаорлиятини фаоллаштиради (бунда ҳамма талаба ўзининг лаёқатли эканини кўрсатишга уринади), улар жавобларни тўғри ифодалашга ўрганадилар.

**Маъруза-тадқиқот.** Маъруза киришида муаммоли топшириклар шундай тақдим этиладики, натижада талабалар ўкув муаммоларини тўла англаб етадилар ва кейин уларни ўқитувчи билан биргаликда тадқиқ қиласидилар. Бу ерда асосий масала ижодий фикрлаш усули ва йўсинларини, фактик материалларни таҳлил этиш методикасини очиб бериш ҳисобланади. Бундай маърузаларда талабаларнинг билиш фаолияти бошқарилади. Талабаларнинг фактик материални узатиш ва тадқиқ қилиш методикаси, билиш ва тадқиқот усулларини эгаллашга ҳамда илмий изланишига ёрдам берилади. Машғулотда назорат саволлари, мантиқий ва амалий топшириклардан кенгроқ фойдаланилади. Талабаларда тадқиқотчилик кўнимаси такомиллаштирилади. Маърузада қайтар алоқа техникаси қўлланилади. Бундай маърузани ташкил этишда махсус жихозланган аудиториялардан фойдаланилади. Ҳар бир талабанинг шахсий ЭҲМ ўқитувчи компьютерига уланади. Талабаларнинг берилган саволларга жавоблари компьютер орқали олинади. Саволлар маъруза бўлимларини баён қилишнинг бошида ва охирида берилади. Агар талабалар саволларга тўғри жавоб беришса, ўқитувчи қисқача тезис баёни билан чекланади. Агар талабалар саволларга тўғри жавоб бера олишмаса, у маъруза ўқийди.

Назорат натижалари қониқарсиз бўлган ҳолларда ўқитувчи ўкув материалини баён этиш методикасини ўзгартиралиди.

**Визуал муъруза.** У ўқилмайди, балки кўрсатилади. Бунда асосий ўқитиши методи кўргазмали намойиш ҳисобланади. Кино, теле ва видеокадрлар, слайдлар, дискдаги ахборотлар блокини ўқитувчи шарҳлаб беради.

Юқорида баён этилган маъруза турлари таълим муассасасидаги шарт-шароитлар, ўқитишнинг мазмуни ва шакли, талабаларнинг билими ва тайёргарлик даражаси, қизиқиши ва маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда педагогик амалиётда кўлланилса, шубҳасиз, ўзининг дидактик самарасини беради.

**Муҳокама учун саволлар:**

1. Маълум мавзуни ўрганиш учун услубни танлаш жараёнида қандай омилларни ҳисобга олиш лозим?
2. Сиз қандай услубларни биласиз?
3. Намойиш услубига изоҳ беринг.
4. Муаммоли услубнинг ютуқлари нималардан иборат?
5. Ахборот дарснинг ижобий хусусиятлари нималардан иборат?
6. Дарс мақсадлари қандай белгиланади?
7. Нима учун аниқлаштирилган мақсадларни белгилаб олиш тавсия этилади?
8. Аниқлаштирилган мақсадларни белгилашда нималарга эътибор бериш лозим?

**ВАЗИФА**

Юқоридаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, маъруза жараёнидаги муаммоларни шакллантиринг ва таълим жараёнида ўқув материали мазмунини оғзаки баён этишни мукаммаллаштириш борасидаги замонавий усулларни ўрганиб чиқинг.

### **III. ТАЛАБА УЧУН УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР**

#### **“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН МАЪРУЗАГА ТАЁРГАРЛИК КҮРИШ УСЛУБИ” МАВЗУСИННИГ МАЗМУНИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ**

Маъруза ўқув жараёнининг шундай шаклларидан бирики, унинг натижаси самарали бўлиши тегишли шартлар бажарилиши керак. Шунинг учун ўқув жараёнида маърузанинг тутган ўрни, маърузанинг турлари, унинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, маърузага қўйиладиган асосий талаблар, ўқитувчининг асосий вазифалари, назария ва амалиётнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги, маърузанинг илмийлиги очиб берилади. Маърузага тайёргарлик кўришда статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш кўриб чиқилади.

Маърузани шундай ташкил қилиш керакки, у ижодий фикрлашнинг юзага келишига ёрдам берсин, талабаларнинг мустақил ишлашларига туртки бўлсин, уларда янги ахборотларни мустақил таҳлил қила билиш кўнилмаларини ҳосил қилишга, ундан зарур назарий ва амалий хулосалар чиқариш, ҳозирги замон ҳаётий муаммолари ечимини топа олишларига ёрдам берсин. Иқтисодиёт назариясини ўргатиш жараёни ижодий тавсифларга эга бўлиши учун ўқув жараёнининг турини шаклларига бўлган ёндошувлардаги бир томонламаликка барҳам бериш зарур. Ҳар қандай кафедра, ҳар қандай педагог мавзунинг ҳар бир банди ўқув жараёнининг турли кўринишларида олиб борилиши кераклиги ҳақида ўйлаб кўришлари керак: яъни улар маърузаларга шундай қарашлари мақсадга мувофиқки, семинар машғулотларида бутунлай мавзуни тўлалигича ўзлаштиришларининг асосий усули ўқув ва монографик адабиётлар устида мустақил ишлаш ҳисобланади. Курснинг ҳар бир мавзуси бўйича уни ўргатишнинг услугубий режасини ишлаб чиқиш услугубий жиҳатдан мухим. Бундай режада қандай саволларга, маърузаларда жавоб бериш керак, қайсиларини семинарларда очиб бериш кераклигини мавзу бўйича тавсия этилган доклад ва рефэратларнинг рўйхатини кўрсатиши керак. Режа бундан ташқари, талабаларга тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзларини назорат қилишлари учун саволлар рўйхатини ҳам ўз ичига олиши керак.

Шундай қилиб, талабаларнинг мустақил ишлашлари курснинг ҳар бир мавзусини ўрганишнинг асосий шакли ҳисобланади: маъруза ва семинар машғулотларини энг аввало, мана шу мустақил ишлашга йўналтириш, уни осонлаштириш, самаралироқ қилиш керак. Айнан шу вазифалар ўқув жараёни барча шаклларининг таркибий жиҳатдан бирлигини таъминлайдиган ягона услугубий режада ўз ифодасини ториши керак. Ўқув жараёнининг фаол шакли фақат семинар машғулотлариdir,

унда ўқитувчи аудиторияга фаол таъсир кўрсатади, талаба эса у ёки бу тушунчаларнинг шаклланиш жараёнига бевосита фаол тортилади.

Қабул қилишнинг фаоллиги бевосита маъruzada ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маъruzada ўқитувчи исталган услубий воситалар билан аудиторияни фаоллаштиришга, талабаларнинг билимларни ўзлаштиришга ижодий ёндошувларига, уларда тадқиқотчиликнинг бошланишига туртки бўлишига эришиши зарур.

Олий ўқув юртларида ўқитиладиган маъruzalarning барча турлитуман шаклларини ўзларининг бажарадиган вазифаларига кўра мавзули ва муаммоли маъruzalарга бўлиш мумкин.

Мавзули маъruzalар муаммоли маъruzalар сингари белгиланган ва шарҳловчи маъruzalарга бўлиниши ҳам мумкин.


Белгиланган маъruzalardan талabalarning mustakil iшлашларига устунлик берилади ва шу сабабли уларда mustakil ўқиши учун тавсия этилаётган адабиётлар бўйича услубий характердаги маслаҳатлар катта ўрин эгаллайди, барча мавзуни ўрганиш учун зарур бўлган дастлабки қоида берилади. Қандайdir муаммога бағишлиланган шарҳловчи маъruzalар кўйилган саволларни уларнинг мантиқий боғлиқлигига кўп ёки кам тизимга келтирилган ҳолда баён қиласди.

Белгиланган маъruzalар одатда кириш маъruzalari ҳисобланади яъни мазкур муаммони мазкур мавзуни ўрганиш учун остоинани ўзида ифодалайди. Моҳият жиҳатдан бундай туркумлаш белгиларига маъruzalarning барча аниқ турлари киради, улардан иқтисодиёт назариясини ўқитиш жараёнида фойдаланилади.

Шарҳловчи маъruzalар педагогик таъсир кўрсатишга кўпроқ мойил бўлади. Иқтисодиёт назариясидан давлат имтиҳони бор бўлган жойларда курсни ўргатишда кўпроқ жамловчи шарҳловчи маъruzalар ўқиласди. Маъruzalarni ўқитиш услубига кўра қуидаги турларга ажратиб кўрсатиш мумкин; кириш маъruzasi, шарҳловчи маъруза, маъруза-ахборот, муаммоли маъруза, визуал маъруза, бинар (2 кишилик) маъруза, аввалдан режаланган хатоли маъруза, маъруза - конференция, маъруза - маслаҳат.

## 1-чизма.

### Маърузалар шаклларининг кўриниши



1. Кириш маъузаси - фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Талабани ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўкув-услубий адабиётлар таҳдилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш каби педагогик вазифаларни амалга оширади.

2. Маъзуза ахборот - бу маъузанинг одатдаги тури бўлиб, ўкув маълумотларини баён қиласди ва тушунтиради.

3. Шархловчи маъзуза - баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Илмий билимларни тизимлаштиришни амалга оширади, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиб беради.

## 2-чизма

### Маърузаларнинг ўқитиши услугига кўра турлари.



4. Муаммоли маъруза - янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш каби педагогик вазифаларни бажаради.


5. Визуал маъруза - бу маърузани ўқиш визуал материалларни кўришда кенг ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Янги ўқув маълумотларини ТСО ва аудио видеотехника ёрдамида берилса, ўқув самарадорлиги янада ошади.

6. Бинар 2 кишилик - бу маъруза 2 ўқитувчининг ёки 2 та илмий мактаб намоёндасининг ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат. Янги ўқув маълумотларининг мазмуни иккиёклама фикр юритиш орқали ёритилади.

7. Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза - мазмуни ва услубиятида хатоларни излашга мўлжалланган бўлиб, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилиш талabalарни рағбатлантириш каби педагогик вазифалар амалга оширилади.

### З-чизма.

## Маърузаларнинг вазифалари



8. Маъруза конференция - Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизимида (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муамони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва чиқишиларга якун ясад, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қиласи. Шу тариқа янги ўқув маълумотларининг мазмuni ёритилади.

9. Маслаҳат маъруза - турли сценарийлар ёрдамида ўтиш мумкин. а) "Савол-жавоб" маърузачи бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб беради. б) "Савол-жавоб-дискуссия" изланишга имкон беради. Бундай маъруза ҳам янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

Маърузалар - бу талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли бўлиб, уни бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. У ҳаддан ташқари кўп омилли мақсадларга эга бўлади, улар бу мақсадларга юқори даражада эришиш учун маърузаларнинг барча вазифаларини аниқ ажратиб кўришни талаб қиласи.

Маълумки, иқтисодиёт назариясини ўрганиш ёш мутахассислар иқтисодий тафаккурининг шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беради, уларни ижтимоий ривожланиш қонунлари ва истиқболларини чуқурроқ идрок этишларига ёрдам беради, назарий масалаларни амалиёт билан боғлаш лаёқатини юзага келтиради. Иқтисодиёт назарияси бўйича маърузалар қуидаги талабларга жавоб бериш керак:

1. Маърузалар маълум йўналишга эга бўлиши керак, энг аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини, жамият ривожланишининг иқтисодий қонуниятларини кетма-кет ўрганиши зарур.

2. Маърузаларнинг ёшларда бизнинг турмуш тарзимизга хос бўлган замонавий маънавият ва аҳлоқ қоидаларини шакллантириш кучли омили сифатида тарбиявий таъсирининг ўсиши.

3. Бозор иқтисодиётига ўтиш назарияси ва амалиёти асосларини иқтисодиёт назариясининг янги долзарб масалаларини илмий жиҳатдан қўйиш ва ижодий ечиш билан бирга қўшишни таъминловчи илмийлик, назарий фактларнинг исботланиши ва мантиқи.

4. Маърузаларнинг ишончлиги ва далиллар билан асосланганлиги, жамият ривожланиши ҳозирги босқичи хусусиятларининг ҳар томонлама ҳисобга олиниши.

Маърузачиларнинг иқтисодиёт назарияси ўқитувчилари олдида турган асосий вазифалар:

1. Талабалар олдида иқтисодиёт фанининг назарий бойликларини очиб бериш.

2. Талабаларга классик иқтисодчилар назарий меросини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларини ва бошқа иқтисодчи олимларни чукурроқ ўрганишларида ёрдам бериш.

3. Талабаларга бошқа фанларни ўрганишда иқтисодёт назарияси бўйича олинган билимларини ижодий қўллашларида ёрдам бериш.

4. Бозор иқтисодиётига ўтишда ғоявий тўхтамга эга, ишончли мураккаб ижтимоий-иктисодий муаммоларга мослаша оладиган кишиларни тарбиялаш.

5. Талабаларни ватанга ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялаш.

Маърузачи асосий мақсадларга эришиш учун талабаларни иқтисодёт назарияси узоқ ва тинимсиз ўрганишга ундаши муҳим аҳамиятга эга. Маърузачи фаолиятини у ҳақиқатан ҳам фанга қизиқиши уйғотиш учун шундай ташкил этиши керакки талаба ўзи китобларни излашга, у ёки бу иқтисодий жараёнлар нима учун юзага келаётганлигини, уларнинг ижтимоий-иктисодий мазмуни нимадан иборат эканлигини мустақил тушунтириш ва тушунтира олишга эҳтиёж ва қизиқиши уйғотиш керак.

Шу билан боғлиқ равишда талабаларга тавсия этиладиган материални йиғиши манбалар тўплаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт назарияси бўйича маърузаларнинг йўналиши охир оқибатда билимлар тизими талабаларнинг шахсий ишончига айланишида намоён бўлади.

Маърузаларнинг ижтимоий-иктисодий йўналтирилганлиги тамойилини сақлаб ўқитувчи бозор иқтисодиётига ўтиш даврида дуч келаётган субъектив ва объектив қийинчиликларни бўрттирмай ёки камайтирмай кўрсатиб бера олиши керак, маърузаларнинг ижтимоий-иктисодий йўналганлигини унинг илмийлигидан ажратиш мумкин эмас. Маърузачи ҳар доим воқеликни объектив таҳлил қилишга иқтисодий ривожланиш объектив қонуниятларини англашга, хўжалик ҳаётидаги ҳодиса ва омиллар ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишларини таҳлил қила билишга таяниши керак.

Ўқитиши тажрибаси кўрсатадики, декларация ва шиорлар эмас, балки ишончли далиллар, воқеъликни чукур таҳлил этиши талабанинг онгига кучли таъсир кўрсатади. Билишнинг исталган соҳаси шу жумладан иқтисодиёт назарияси асосларининг пишиқлиги, далиллар шубҳасиз ишончлилиги, назарий ва амалий хulosаларнинг кетма-кетлиги билан кучлидир.

Маъruzachi талабаларнинг курс дастурида кўрсатилган дарслик ва монографиялар устида мустақил ишлашлари билан чекланиб қолмасдан, балки иқтисодий мавзулардаги мақолалар ёзишлари учун асосий услубий тавсияларни ҳам ўз ичиға олиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маъruzachi мавзу бўйича адабиётларни яхши билиши, уни танқидий баҳолаши, баъзи муаллифларнинг қарама-қарши фикрларини муҳокама қила олишлари керак.

Психологларнинг кузатишлари шундан гувоҳлик берадики, билиш жараёни фикрлар алмашишида, илмий баҳсларни ижодий излаш муҳитида амалга ошади ва ўқитувчи учун бундай муҳитни ўзининг дарсларида яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун маъruzalarда айниқса, ихтисослашган факультетларда мунозарали саволлар кўйиш, назарияда ҳали ечилмаган масалалар бўйича турли нуқтаи-назарларни баён қилишдан қочмаслик керак. Бу маъruzalarда турли нуқтаи-назарларни санаб ўтилади, деган фикрни келтириб чиқармайди. Маъruzачининг ўзи маълум нуқтаи-назарларга эга бўлиши, нима учун бу нуқтаи-назар тўғри-ю, бошқаси нотўғри эканлигини тушунтириб бериши ва бунга аудиторияни ишонтира олиши керак.

Маъruzанинг илмийлиги материални баён қилиш кетма-кетлиги, тушунарлилиги ва саволларни қўллаш аниқлигини кўзда тутади. Илмийлик ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнларини тарихий ва мантикий таҳлил этишда бирлик тамойилини сақлашни талаб қиласди, бунингиз уларни тушунтириш имкони бўлмайди. Маъruzalarга тайёргарлик кўришда унинг услубий асосини аник тасаввур этиш керак. Мазкур муаммоларга тегишли бўлган саволларни тушуна олиши керак. Фақат ана шундай шароитда мазкур мавзу бўйича мавжуд адабиётларни тўғри баҳолаш ва зарур фактik материални ажратиш мумкин бўлади. Агар ўқитувчи фактik материал билан етарли даражада қуролланмаган бўлса, у "ўткир саволлар"га ишончли далиллар билан жавоб бера олмайди, улардан қочишга ва четлаб ўтишга ҳаракат қиласди. Бу талабларнинг қониқмаслигини келтириб чиқаради, маъruzalarнинг исботланганлиги ва тарбиявий аҳамиятини тушириб юборади.

Назария ва амалиётнинг ўзаро таъсири ҳаддан ташқари мураккаб, турли-туман алоқалар билан белгиланади: ички, ташқи, бевосита ва билвосита, мавҳум ва мавҳум бўлмаган. Шу сабабли маъruzalarга тайёргарлик кўришда чукур жараёнларни таҳлил қила олиш, у ёки бу

ҳодисалар ривожланишининг асл қонуниятларини очиб бериш, узилган ва тегишли бўлмаган мисоллар тўплаш билан чекланиб қолмаслик керак.

Фактлар ва рақамлар иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва муаммоларнинг моҳиятини ёритишга ёрдам беради. Бироқ улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлгандагина шундай бўлади. Бу маърузаларга тайёргарлик кўриш жараёнида намоён бўлади. Иш учун маълум умумлаштириш, сабаб-оқибат боғланишлари, тенденцияни аниқлаш учун материал бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган рақамлар ва фактларнигина олишга тўғри келади.

Фактлар ўрганилаётган предметнинг мазмунини билиш учун асос бўлиб хизмат қиласи, шунинг учун зарур факт ва рақамларни йиғиш маъруза фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Бунда фактик материални юқори баҳолаш у ёки бу назарий ҳодисадан четлашиш ҳисобланмайди. Бундай четлашиш ўз ўрнида муҳим ва зарурдир. У ҳодиса ва жараёнларнинг ташқи жиҳатини эмас, балки уларнинг туб моҳиятини тушунтириши шубҳасиздир. Маърузага тайёрланаётган ҳар бир педагог фактлар юзасида қолиб кетмасликка ҳаракат қилиши кераклигини тушуниши лозим. Уларнинг паудо бўлиши сирини топишга ҳаракат қилиши, уларни бошқарувчи қонунларни излаши керак. Услубий адабиётлар, фактлар ва рақамлар ўз-ўзича маълум илмий ишлашни талаб қилувчи материал эканлигини таъкидлайди. Маъруза курсида фактик материал одатда натурал шаклларни эмас, буюмлар массасини эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларнинг абстракт тушунча ва категорияларини (қиймат, истеъмол қиймати, миллий даромад, иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари ва ҳоказоларни), яъни иқтисодий муносабатларни тавсифлайди. Фактик материал тўплаш қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Фактлар ва рақамлар ҳозирги замон хўжалик ҳаётининг алоҳида томонларини ва алоҳида ҳодисаларни тасаввур қилишга ёрдам бериши керак. Фактик материални йиғиш ҳодисани ўрганишга, унинг хусусиятларини аниқлаш уни аниқ вазиятда ва ривожланишда кўриб чиқишга қаратилиши керак.

2. Маълумотларни йиғишида фактлар хилма-хиллигига интилиш керак, чунки хилма-хиллик фойдалидир. Турли ўзаро алоқалар тизимини ўрганиш, тўлиқ солишириш учун зарур, бироқ шу билан бир вақтда у ёки бу ҳодисанинг моҳиятини тушунтиришга ёрдам бера олмайдиган ва ҳатто талабани чалкаштириб юборадиган тасодифий фактлардан четлаширишга тўғри келади.

3. Маърузага тайёргарлик кўришда вақт жиҳатдан энг сўнгги фактларни олиш керакки, улар мазкур даврга яқинроқ бўлган жараённи тавсифлай олсин.

4. Фақат ишончли, текшириб кўрилган, фактларни йиғишига тўғри келади, чунки улар шубҳа уйғотмаслиги керак.

5. Исталган маъruzада ёки бу назарий қоидани тасдиқлаш ва ёритиши учун фактик материалга зарур бўлгандан катта ўрин ажратмаслик керак. Агар назарий ва фактик материал ўртасида энг қулай нисбат бузилса, у ҳолда талаба фактларни чалкаштира бошлиши, маъruzада кўриб чиқилаётган назарий концепциянинг мазмуни тўғрисида нотўғри хулоса ва умумлаштиришлар келишига олиб келиши мумкин.

6. Маъruzада салбий фактларнинг тўғри изоҳланиши, уни юзага келтирувчи сабаблар ёритилиши ва уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилиши муҳим. Бунда маъruzачининг вазифаси салбий фактларни таҳлил қилишда уларни тизимга солиш эмас, балки тингловчилар томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиш йўлларини очиб беришдадир.

Фактик материал маълумотларни тирик мазмун, хаёт нафаси билан тўлдиради ва унинг баҳосиз аҳамияти ҳам ана шундадир. Умумий услуб нуқтаи-назаридан назарий ва фактик материалларнинг нисбати муаммоси маъruzада индуктив ва дедуктив усуслардан фойдаланиш муаммосидир. Дедуктив усул предметнинг умумийдан хусусийга томон баён қилинишини қўзда тутади, индуктив усул хусусийдан умумийга боради.

#### 4-чизма

#### Маъruzани баён қилиш усуслари



## **2. ЎҚУВ ГУРУХИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Биринчи курс “Иқтисодиёт назарияси” магистратура мутахасислигидаги магистрантлар сони 20 та, улардан учтаси қиз болалар. Гуруҳ аъзоларининг 85% аъло ва яхши ўзлаштириш кўрсаткичларига ҳамда кенг дунёқарашга эга. Гуруҳ жамоа сифатида шаклланиб бўлган ва бир-бирини жуда яхши тушунади. Гуруҳ талабалари иноқ ва ҳамкорликда ишлашни яхши кўради. Магистрантлар дарсдан бўш вактларда биргаликда маданий хордиқ чиқаришни яхши кўрадилар. Гуруҳга фаоллик, қизиқувчанлик, ижодкорлик хусусиятлари хос. Гуруҳ аъзоларининг хулқ – автори ва ўқишига бўлган муносабати профессор-ўқитувчиларни қаноатлантиради.

## **3. ЎҚУВ ХОНАСИНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ**

Ўқув хонаси ҳамкорликда кичик гурухларда фаолиятни ташкил этиш учун қулай ҳолатда жиҳозланган. Ўқув хонасида компьютер ва проектор каби техник воситалар мавжуд. Танланган мавзу бўйича слайдлар ва тарқатма материаллар ишлаб чиқилган.

## **4. МАГИСТРАНТЛАРГА БЕРИЛАДИГАН МУЛОҲАЗА**

### **УЧУН САВОЛЛАР**

1. “Услуб” тушунчасига қандай изоҳ бериш мумкин?
2. Маълум мавзуни ўрганиш учун услубни танлаш жараёнида қандай омилларни ҳисобга олиш лозим?
3. Сиз қандай услубларни биласиз?
4. Намойиш услугига изоҳ беринг.
5. Муаммоли услубнинг ютуқлари нималардан иборат?
6. Ахборот дарсининг ижобий хусусиятлари нималардан иборат?
7. Дарс мақсадлари қандай белгиланади?
8. Нима учун аниқлаштирилган мақсадларни белгилаб олиш тавсия этилади?
9. Аниқлаштирилган мақсадларни белгилашда нималарга эътибор бериш лозим?

### **1. Кейс муаммоси**

Келтирилган мавзу бўйича дарсни ташкил этишда самарали натижани таъминловчи энг оптималь услубни танлаш ва унинг оптималлигини асослаб бериш.

**Кейс вазияти:** Сиз академик лицей ёки колледжга ўқитувчи сифатида ишга қабул қилиндингиз, деб фараз қиласиз. “Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва услуби” мавзуси юзасидан маъруза дарсини

ташкил этишингиз керак. Мавзунинг матни берилган. Дарс биринчи босқич талабалари учун ташкил этилади. Ўқитувчиларнинг гурухга берган характеристикаси мавжуд. Ўқув хонасининг жиҳозланганлик даражаси ҳам маълум.

Сиздан “Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва услуби” мавзуси юзасидан маъруза дарсида самарали натижага эришиш учун қандай услугни қўллаш лозим деган саволга? - жавоб топиш ва айнан шу услугни берилган вазият учун энг оптималь эканлигини асослаб бериш талаб этилади. Бундай вазифани бажариш учун изчиллик билан кейс ечимини қидиринг ва вазифаларни бажаринг.

## **ЕЧИШ АЛГОРИТМИ:**



## **ВАЗИФАЛАР**

### **1. Мавзу матни билан ишлаш:**

- Мавзунинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилинг ва уни қисмларга ажратинг.
- Матннади илмий ахборотнинг сиқиқлиги ва мураккаблик даражасига баҳо беринг.
- Талабалар учун маълум ва номаълум бўлган ахборотларни белгиланг.
- Олдин ўрганилган мавзуларини аниқланг.

### **2. Ўтиладиган дарснинг мақсадларини аниқлаш:**

- Таълим стандарти ва намунавий дастурда кўрсатилган талаблар билан танишиб чиқинг.
- Дарснинг умумий мақсадини аниқланг.
- Дарснинг аниқ мақсадларини ишлаб чиқинг.
- Префессор-ўқитувчиларнинг вазифаларини белгиланг.

3. Талабалар грухи билан танишиш.

- Талабалар грухининг хусусиятлари аниқланг.
- Талабалар грухининг структураси қандай.
- Талабалар грухидаги психологик мухитни ўрганинг.
- Грухнинг умумий қизиқишларини аниқланг.

4. Услубни танланг.

- Тавсия этилаётган услублар билан танишинг.
- Услубларни таҳлил қилинг.
- Услубларнинг имкониятларини аниқланг ва жадвални тўлдиринг.

5. Натижаларни таҳлилий варақага тушириш.

- “ABB” технологияси билан танишинг.
- “ABB” технологиясининг жадвалига ўз фикрларингизни ёзинг ва танлаган услубнинг оптималлигини асослаб беринг.

**Вазиятнинг ечимини таҳлил қилиш жадвали**  
**“ABB”- алтерантив варианtlар ва имкониятлар.**

№	Алтернативлар	Вариантлар	Имкониятлар
1.	Информацион маъруза	А) Ҳикоя	
		Б) Тушунтириш	
2.	Муаммоли таълим	А) Баҳс-мунозара	
		Б) Муаммоли вазиятлар	
3.	Намойиш	А) Иллюстрация	
		Б) Видеоусул	

**Хулоса:**

### **Баҳолаш мезонлари**

T/р	1-мезон	2-мезон	3-мезон	4-мезон	Жами баллар
	Услублар имкониятларининг тўлиқ аниқланиши	Мавзуга берилган характеристика	Дарс мақсадларининг тўғри белгиланганлиги (қамрови)	Келтирилган омиллар бўйича “АВВ” жадвалини ҳар бир услубни изоҳлаш, асослаш асосида тўлдирилиши	
1					
2					
3					
n					

Талабаларга ҳар бир меъзон бўйича 25 балл тўплаш имкони берилади.

Яъни, максимал тўпланадиган умумий балл 100 га teng.

## **6. Талаба учун ўқув-услубий материаллар**

### **6.1. Услубий кўрсатмалар**

1. Бирор услубни танлаш учун авваламбор мавзунинг характеристини ўрганинг, унинг муаммоли элементларини ажратинг ва унинг мураккаблик даражасини аниқланг. Мавзунинг асосий ўзак қисмини ажратиб олинг ва тизимлаштиринг. Мавзу бўйича талабаларда мавжуд тасаввурлар ҳажми ҳақида фикр юритинг. Мавзунинг ўрганилганлик даражасига ва долзарблигига эътибор қаратинг.
2. Гурух ҳақидаги маълумотларни ўрганиш жараёнида талабаларнинг билим даражасига алоҳида эътибор беринг, қизиқишларини аниқланг, гурух характеристикиси билан чуқур танишиб чиқинг. Жамоада психологик мухит ва муносабатларни ўрганинг. Жамонинг ижодкорлик даражасига баҳо беринг.
3. Ўтиладиган дарснинг тарбиявий ва таълимий мақсадларини, педагог вазифаларини, ўқув натижаларини аниқланг. Бу борада мавзунинг ўзак қисмларини ва талаба нимани билиши, нимани бажара олиши талаб этилишига эътибор қаратинг.
4. Услубларнинг характеристикиси билан танишинг ва уларнинг имкониятларини аниқланг ҳамда мавзунинг характеристига мос келувчи услубни танланг ва уни асосланг.
5. Аудиториянинг техник усукуналар билан таъминланганлик даражасини ўрганинг ва услуб танлашда бу жиҳатларни ҳисобга олинг.

6. Барча омилларни таҳлил этган ҳолда АВВ техникасидан фойдаланган ҳолда муаммонинг ечимини тақдим этинг.
7. “АВВ” технологияси (Алтернативы, варианти, возможности), яъни алтернативалар, вариантлар ва имкониятларни аниқлаш асосида мавжуд ҳолат учун энг оптимал ечимни топиш жараёнида қўлланилади. Унинг имкониятлар устунчасига танланган ечимнинг мавжуд ҳолат учун қай даражада тўғри келиши таҳлил этилади ва энг қулай ечим асослаб берилади.

## **6.2. Таълим бериш усулларини танлаш**

Таълим бериш усулларини танлаш ва қўллашда қўйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳимdir:


1. Мақсадлаштириш: (1) таълим мақсади, (2) педагогик вазифалар, (3) ўқув фаолияти натижалари.
2. Ўқув ахборотлар мазмунининг ҳажми ва уларнинг мураккаблиги; бу предметнинг қанчалик мураккаблиги, ўқув предметининг ва танланган мавзунинг мақсади, ўзига хос хусусияти.
3. Ўқув ахборотларини эгаллашда таълим усулларининг имкониятлари.
4. Ўқув натижаларига эришишда эътибор қаратинг: Г.Майер бўйича, таълим олувчи маълумотни қабул қилгандан кейинги 72 соат (3 сутка) ўтгандан сўнг тингловчи хотирасида аудио қабул қилиш (эшитиш) бўйича тахминан 10 фоиз ахборот қолади; визуал (кўрганида) – 20 фоиз; аудиовизуал (эшитиш ва кўриш) – 50 фоиз; аудиовизуал қабул қилиш ва муҳокамада - 70 фоиз; аудиовизуал қабул қилиш, таҳлил ва имконият даражасида амалий бажариш асосида – 90 фоиз ахборот қолади.
5. Таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари: тайёргарлик даражаси, умумўқув кўникмаларининг шаклланиши, фаоллик, қизиқиши (мотивацияланган), ёши, ишга лаёқатлиги, шахсий имконият ва қобилиятлари.
6. Сарфланадиган вақт: (1) бутун ўқув курсида ўқув дастурларни олиб бориш учун ажратилган вақт, уларнинг алоҳида мавзулари шу қадар чегараланган бўлиши мумкинки, кўп вақт оладиган усулдан фойдаланиш фақатгина зарурий жойлардагина ишлатиши мақсадга мувофиқdir. (2) вақт, тайёргарликка ва уни жорий қилиш учун сарфланган куч нуқтаи назарга кўра асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, бундай усуллардан фойдаланишни режалаштиришда ўзимиздан сўрашимиз керак, фаолиятни ташкиллаштиришнинг қўйидаги йўлларини амалга оширишда зарурий тайёргарлик учун вақт ва куч етадими?
7. Таълим шароитлари: айрим усулларни амалга ошириш учун ўзига хос алоҳида шароитлар талаб қилинади: ТТВ, компьютер, маҳсус компьютер дастурлари, магнит доска, маҳсус жиҳозланган хона ва бошқалар. Агар маҳсус ўқув-моддий шароитлар талаб қилинган усуллардан фойдаланиш

режалаштирилган бўлса, унда уларнинг мавжудлигини таъминлаб бериш зарур.

8. Жамоада, профессор-ўқитувчи билан таълим оловчилар ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари (ҳамкорлик, бўйсенишга асосланган).

9. Талабалар сони: агар улар унчалик кўп бўлмасалар, унда таълимнинг фаол усусларидан фойдаланган ҳолда таълимни интенсив қилиш мумкин.

10. Профессор-ўқитувчининг компетентлилиги (билимдонлиги, пухта билимга эгалиги) ва унинг шахсий сифатлари: афзал кўрган усуслардан фойдаланишни ва уларни қўллай олишни билишлари, мос шахсий сифатларга эга бўлишлари керак бўлади.



### 6.3. Ўқув натижаларини аниқлаш

Ўқув натижаларини аниқлаш жараёнида мавзунинг ўзагига эътибор қаратинг, таъриф ва асосий тушунчаларни таҳлил қилиш, талабаларда зарурий билим, малака ва кўникмани шакллантиришни мақсад қилиб олиш лозим.

## IV. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ

### Услубларга характеристика бериш намунаси

#### 1. Ахборот дарси

№	Информацион маъruzанинг имкониятлари, ютуқлари	Информацион маъruzанинг камчиликлари
1	Қисқа вақт ичидаги ахборотни талабаларга етказиш мумкин	Талабалар пассив ҳолатда мавзууни ўзлаштиради
2	Педагогнинг тизимли ва изчил фаолиятини таъминлайди	Қисман таниш мавзуларни ўрганиш жуда зерикарли бўлади
3	Кўп сонли талабалар билан бир вақтда ишлаш имконини беради	Самарадорлик даражаси паст
4	Иқтисодий жиҳатдан кам маблағ талаб этади	Педагог ва талаба орасида мулоқат суст
5		Талабаларда ижодий фикрни ривожлантирилади
6		Ижодкорликни хуш кўрувчи талабаларни зериктиради

#### 2. Муаммоли таълим усули

№	Муаммоли таълим имкониятлари, ютуқлари	Муаммоли таълим камчиликлари
1	Муаммоли таълим талабанинг фаол иштирокини таъминлайди.	Талабалар сонининг чекланган бўлишини ва уларда маҳсус тайёргарлик бўлишини талаб этади
2	Талабада фикрлаш жараёнларини, ижодий фикрни ривожлантиради	Фақат қисман маълум бўлган муаммоли мавзуларда қўллаш мумкин
3	Мавзууни пухта эгаллашга замин яратади.	Кўп вақт талаб этади
4	Қисман таниш бўлган мавзуларни ўрганишда қулай	Барча талабаларни муҳокамага тортиш кийин
5	Талабаларда қизиқиш уйғотади, ўз фикрини баён этиш ва бошқаларни тинглаш малакасини шакллантиради	Профессор-ўқитувчилардан катта тайёргарликни талаб этади.
6	Ижодкорликни хуш кўрувчи талабаларга бу услуга асосида дарсни ташкил этиш яхши самара беради	

### 3. Намойиш усули

№	Намойиш имкониятлари, ютуқлари	Намойиш камчиликлари
1	Кўргазамали материаллардан фойдаланиш образли тафаккурни ишга туширади ва яхши ўзлаштиришга асос бўлади	Талаба пассив ҳолатни эгаллайди
2	Мавзуни ўзлаштиришни осонлаштиради	Намойиш этиш учун алоҳида қулай аудиториялар талаб этилади
3	Профессор-ўқитувчи учун қулайликлар туғилади	Мулоқотни сусайтиради

### “ABB”- алтерантива, вариантлар ва имкониятлар.

№	Алтернативлар	Вариантлар	Имкониятлар
1	Информацион маъруза	A) Ҳикоя	1. Мавзунинг характеристи тарихий воқеликка эга эмас, у бугунги кун муаммолари ва талаблари билан боғлиқ. Мавзу талабаларга қисман таниш. 2. Дарсдан мақсад - тушунча ҳосил қилишга қаратилмаган, гурух сусткаш характеристерга эга эмас. 3. Берилган вазиятда ҳикоя услубининг имкониятлари етарли даражада самарали натижани кафолатлай олмайди чунки, муаммоларни ечимини топиш талаб этилади. (талабаларнинг қобилиятлари ва ижодий имкониятлари ривожлантирилмайди). Ҳикоя услубини қўллаш мақсадга мувофик эмас.
		Б) Тушунтириш	1. Мавзу талабалар учун бутунлай янги ва мураккаб эмас. Мавзу асосан ахлоқий тарбия жараёнидаги мавжуд муаммоларнинг таҳлилига қаратилган. 2. Талабалар гурухининг характеристикасида ижодий қобилиятнинг ривожланганлиги қайд этилган. Тушунтириш услуги эса талабаларни сусткаш ҳолда мавзуни ўзлаштиришга давъат этади. 3. Дарс мақсади – тушунча ҳосил қилишга қаратилмаган.
2	Муаммоли таълим	А) Баҳс-мунозара	1. Мавзу талабалар учун янги эмас ва ахлоқийлик ҳақида ҳар бир талабанинг ўз дунёкараши шаклланган. 2. Гурух аъзолари ижодкор характеристерга эга эканлигини ҳисобга олсак, баҳс-мунозара услугидан фойдаланиш дарс жараёнида талабаларнинг фаол иштироқини таъминлайди. 3. Дарснинг мақсади ахлоқий тарбия жараёни, бугунги кунда бу борада вужудга келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида билимга эга бўлиш ва ўз устида мустақил

			<p>иш олиб бориш малакасини шакллантиришдир. Баҳс-мунозара услуби билимларни кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, аммо ўз устида ишлаш малака ва кўникмаларни шакллантира олмайди.</p>
		Б) Муаммоли вазиятлар	<p>1. Мавзу талабаларга таниш ва улар ахлоқийликка оид муаммоли вазиятларни ечишга жуда қизиқадилар. 2. Гурӯҳ характери муаммоли вазиятларни ечимини топишга мос. 3. Муаммоли вазиятларнинг ечими ахлоқий тарбияга оид малакани шаклланишига ва ўз-ўзини тарбиялашга ёрдам беради. Демак, ўкув натижаларига мос тушади.</p> <p>Муаммоли таълим ижодкор талабалар учун мўлжалланган ҳамда билимларни чуқур эгаллашга ва амалий кўникмаларни шакллантиришга, таҳлил қилиш, хулоса қилиш қобилиятларини ривожлантиришга имкон яратади.</p>
3	Намойиш	А)Иллюстрация	<p>1. Мавзу характерига кўра иллюстрация материалига эга, аммо бу услубни асосий услугуб сифатида танлаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки иллюстратив материал кичик ҳажмда. 2. Гурӯҳга ижодий ёndoшув имконини бермайди. 3. Дарснинг ўкув натижаларига тўғри келмайди.</p>
		Б)Видео-усул	<p>1. Ўкув хонаси техник воситалар билан жиҳозланган бўлишига қарамасдан бу услуб талабаларнинг пассив фаолиятини тақазо этади. 2. Пассив фаолият эса ижодкор талабаларда қизикиш ўйғотмайди. 3. Ўкув натижалари эса ўрганилаётган мавзу бўйича бугунги кунда вужудга келаётган муаммоларни ўрганишни ва уларнинг ечимини топишни талаб этади. Шунинг учун бу услубни ҳам асосий услугуб сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.</p>
<p><b>Хулоса:</b> “Иқтисодиёт назарияси” фанидан маъruzага таёргарлик кўриш услуби” мавзусига бағишланган дарсни муаммоли вазиятлар асосида ташкил этиш лозим. Мазкур вазият учун муаммоли вазиятлар услуби асосий услугуб сифатида қабул қилиниши лозим ва у энг оптималь услугуб бўлиб ҳисобланади. Бу услугуб ўрганилган барча омиллар учун мос келади.</p>			

## V.“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИДАН МАЪРУЗАГА ТАЁРГАРЛИК КЎРИШ УСЛУБИ” МАВЗУСИДАГИ КЕЙС- ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОДЕЛИ

Вақти: 2 соат	Талабалар сони 20 та
Дарс шакли	Малакани шакллантиришга қаратилган семинар
Семинар режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейс билан танишув.</li> <li>2. Мавзу мазмунининг таҳлили.</li> <li>3. Гуруҳ тавсифи билан танишиш.</li> <li>4. Услубларнинг имкониятларига баҳо бериш.</li> <li>5. Аниқ мақсадларни белгилаш.</li> <li>6. Муаммонинг ечимини топиш ва уни асослаш.</li> </ol>
Таълимий мақсад:	Бўлажак педагогларда маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўкув жараёнини ташкил этиш, ўрганиш лозим бўлган мавзу учун энг қулай ва самарали услубни танлай олиш малакасини шакллантириш.
Профессор- ўқитувчиларнинг вазифалари:	<p>Уқув натижалари</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мавзунинг мазмунини тахлил қиласи ва унинг мураккаблик даражасини аниқлайди.</li> <li>• Гуруҳ тавсифи билан танишган ҳолда таълимий мақсадларни аниқлайди.</li> <li>• Таълимий мақсадларни олинган услубларнинг имкониятларига баҳо беради.</li> <li>• Дарснинг таълимий мақсадларини ишлаб чиқади.</li> </ul> <p>• Берилган барча омилларни ҳисобга олган ҳолда танланган мавзу учун энг мос тушувчи услубни белгилайди.</p>
Таълим услуги	Кейс-стади услуги
Таълим воситалари	УУМ, доска, кейс, ахборот материаллари
Таълим шакли	Фронтал ва индивидуал
Шарт-шароитлар	Қулай синф хонаси
Мониторинг	Оғзаки жавоб, мустақил таҳлил ва вазият ечимини топиш

## ҮҚУВ МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти
1-босқич кириш (10 дақықа)	<p>Мавзуни эълон қиласи, мақсад ва вазифаларни ёритади ва ўқув натижалари билан таништиради. (1 – илова).</p> <p>Ишлаш лозим бўлган кейснинг педагогик фаолиятидаги аҳамиятини ёритади. ( 2 – илова)</p> <p>Семинарни ташкил этувчи босқичлар кетма-кетлиги билан талабаларни таништиради.</p> <p>Талабаларга кейс материалыни тарқатади.</p>	Эшитадилар ва илова билан танишадилар.
2- босқич Асосий қисм ( 60 дақықа)	<p>2.1. Талабалар дикқатини муаммога, уни ечиш учун бажариш лозим бўлган вазифаларга ва ҳаракатлар кетма-кетлигига жалб этади.</p> <p>2.2. Аввал индивидуал ҳолда кейс билан танишишни ташкил этади, сўнгра талабаларни кичик гурӯҳларга ажратади ва ҳар бир гурӯҳ учун спикер тайинлади.</p> <p>Талабаларга ҳар бир танланган услубнинг имкониятларини жадвал асосида таҳлил қилиш вазифасини юклайди ( 3-илова)</p> <p>Гурӯҳ ичидаги муаммони таҳлил этишини ташкил этади.</p> <p>Таҳлилий варақни тўлдирадилар “ABB” технологияси асосида (4-илова)</p> <p>2.3. Тақдимотнинг бошланишини эълон қиласи.</p> <p>2.4. Муаммонинг ечимини тақдимотга тайёрлашнинг талабларини ва баҳолаш меъзонларини эълон қиласи. (5 – илова)</p> <p>2.5. Тақдимотдан сўнг саволлар асосида баҳс-мунозарани ташкил</p>	<p>Эшитадилар ва тушунмаганларини аниқлайдилар.</p> <p>Индивидуал ҳолда матн билан танишгач, кичик гурӯҳларда ишлайдилар.</p> <p>Муаммони ечимини топадилар ва ечим вариантларини таҳлил қиласидилар.</p> <p>(Таҳлилий варақада кўрсатадилар)</p> <p>2.3. Тақдимот қиласидилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар ва бошқа гурӯҳларнинг муаммо ечими бўйича берган жавобларини таҳлил қиласидилар.</p>

	этади. (6-илова)	2.4. Тақдимотга баҳо берадилар.
3-босқич. Якунлаш, таҳлил ва баҳолаш (15 дақиқа)	<p>3.1. Тақдимот даврида илгари сурилган ечимларни таҳлил қиласи ва умумлаштиради.</p> <p>3.2. Гурухларнинг ишини ва ҳар бир талабанинг фаолиятини алоҳида баҳолайди.</p> <p>3.3. Кейсни ечиш жараёнида қандай қийинчиликларга учраганликларини ва бундан буён қайси йўналишда талабалар ўз устида ишлашлари ва касбий тайёргарлик кўришлари юзасидан маслаҳатлар беради.</p>	Эшитадилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

### 1-илова

#### Ўқув мақсадлари ва натижалари

Ўқув мақсадлари: Бўлажак иқтисодчиларда маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш, ўрганиш зарур бўлган мавзу учун энг қулай ва самарали услубни танлай олиш малакасини шакллантириш.

Ўқув натижалари: Мавзунинг мазмунини таҳлил қиласи ва ўқув мақсадларини аниқлайди. Гурух тавсифи билан танишган ҳолда мос тушувчи услубни танлашга ўрганади. Танлаб олинган услубларнинг имкониятларига баҳо беради. Ўқорида айтиб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда энг қулай оптималь услубни танлайди ва асослайди.

### 2-илова

#### Мазкур кейснинг аҳамияти

Ўқув жараёнини ташкил этиш, самарали натижага эришиш кўп жиҳатдан тўғри, оптималь услубни танлашга боғлиқ. Энг қулай ва юқори самара берувчи услубни танлашда профессор-ўқитувчи бир қанча омилларни ҳисобга олиши, уларни таҳлил қилиши ва шу таҳлил асосида маълум вазиятга мос тушувчи услубни танлаш малакасига эга бўлиши талаб этилади. Бўлажак ўқитувчиларда ҳар бир дарс учун мос келувчи энг қулай услубни танлаш малакасини шакллантириш ўта мухим масала. Чунки тўғри танланган услуб ўқув жараёнини самарали бўлишига асос яратиади.

### **З-илова**

#### **Услубларга характеристика бериш жадвали**

##### **1. Ахборот дарси**

№	Информацион маъruzанинг имкониятлари, ютуқлари	Информацион маъruzанинг камчиликлари
1		
2		
N		


##### **2. Муаммоли таълим усули**

№	Муаммоли таълим имкониятлари, ютуқлари	Муаммоли таълим камчиликлари
1		
2		
n		

##### **3. Намойиш усули**

№	Намойиш имкониятлари, ютуқлари	Намойиш камчиликлари
1		
2		
n		

## УСЛУБЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ



#### **4-илова**

##### **Вазиятни ечимини таҳлил этиш жадвали.**

“АВВ”- алтернатива варианtlар ва имкониятлар.

№	Алтернативалар	Вариантлар	Имкониятлар
1	Информацион маъруза	А) Ҳикоя	
		Б) Тушунтириш	
2	Муаммоли таълим	А) Баҳс-мунозара	
		Б) Муаммоли вазиятлар	
3	Намойиш	А) Иллюстрация	
		Б) Видеоусул	
<b>Хулоса:</b>			

Ушбу технология кичик модулли универсал технологиялар қаторига киради. У талабалардан вужудга келган вазиятни чуқур ўрганишни, таҳлил қилишни, қиёслаш, мазкур вазият имкониятларига мос келувчи варианти танлаш ҳамда ана шу танланган варианти асослаш каби фаолият турларини талаб этади. Алтернатив ва варианtlар қанчалик мукаммал бўлмасин мавжуд вазият учун мос келмаса, фаолият самарасиз бўлиб қолаверади.

#### **5- илова**

##### **Баҳолаш мезонлари**

T/p	1-мезон	2-мезон	3-мезон	4-мезон	Жами баллар
	Услубларни имкониятларини тўлиқ аниqlаниши	Мавзуга берилган характеристика	Дарс мақсадларини тўғри белгиланганлиги (қамрови)	Келтирилган омиллар бўйича “АВВ” жадвалини ҳар бир услубни изоҳлаш асосида тўлдирилиши	
1					
2					
3					
n					

Талабаларга ҳар бир мезон бўйича 25 балл тўплаш имкони берилади.  
Яъни максимал тўпланадиган умумий балл 100 га teng.

## **6-илова**

### **Саволлар:**

1. Мавзунинг характеристига қайси услугуб тўғри келади?
2. Ўқув дарсининг мақсадалрини белгилашда нималарга аҳамият бердингиз?
3. Талабалар гурӯхининг характеристига қайси услугуб мос келади?
4. Барча омилларни хисобга олган ҳолда сиз қайси услугуб асосида дарсни ташкил этган бўлар эдингиз?

---

**ЮСУПОВ Р.А.**

**«Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва  
амалиёти» фанидан «Товар, қиймат ва пул  
назариялари» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «Товар, қиймат ва пул назариялари»***

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти”.

**1. Мавзунинг номи:** “Товар, қиймат ва пул назариялари” мавзусида тайёрланган кейс. Фойдаланувчилар: 1-курс магистратура тингловчилари ва ушбу мавзу билан қизиқувчи бошқа талабалар.

**2. Кейснинг мақсади:** Талабаларда мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва товар айирбошлашда умумий эквивалент ролини бажарувчи пул ҳақидаги назарий билимларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш.

**3. Ўқув фаолиятидан кутилаётган натижалар:** мавзу бўйича талабалар билимини чуқурлаштириш, айирбошлаш муносабатларининг эволюциясини ўргангандан ҳолда товар ва пул ҳақидаги билимларни янада чуқурлаштириш ҳамда берилган муаммоларни ечиш.

**4. Кейсни муваффақиятли бажариш учун талаба қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:** товар ишлаб чиқаришнинг натурал ишлаб чиқаришдан фарқини билиши, товар ишлаб чиқариш зиддиятларини қандай ҳал қилишни, товар хусусиятларини, пул ҳақидаги турли хил назариялар талқинини, пулнинг вазифаларини, қийматнинг пул шаклини билиши лозим.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг назарий таҳлили асосида ишлаб чиқилган.**

**Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи** қўйидагилардан иборат:

5. Шодмонов Ш., Романовский Г.М. Пул назарияси: Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007.

6. Шодмонов Ш.Ш., Faurov У.В. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Фан ва технология». 2005.

7. Қ.Рофиев. Пул-кредит сиёсати ва банк тизими ривожланиш омиллари. “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2007 йил 11 ноябрь.

8. Н.Жумаев, Э.Хошимов. Миллий валюта тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари. “Бозор, пул ва кредит” журнали, 2007 йил 6 июнь.

**6. Мазкур кейс** кабинетли ва сюжетсиз категориялар туркумига киради. Вазият электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларининг юзага келиши, уларнинг хусусиятлари ва вазифаларини таҳлил қилиш асосида тузилган. У тузилмавий ва ўрта ҳажмдаги кейс-стади ҳисобланади.

**7. Дидактик мақсадларга кўра** кейс-тренинг ўқув машғулоти давомида ўқув мавзуси бўйича малака ва қўнималарни қайта ишлашга мўлжалланган. Шу муносабат билан кейсда муаммо танланган ва шакллантирилган масала ва уни ечиш алгоритми берилган, амалий

вазиятларни ҳал қилишнинг назарий жиҳатларини очиб берувчи кўшимча маълумотлар киритилган.

**Кейснинг афзаликлариға қўйидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс-технология ўқитиши бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи «Вазиятни таҳдил қилиш ва қарорлар қабул қилиш варағи» мавжуд.

**8. Ушбу кейсдан** «Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти», «Пул назарияси», «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодиёт назарияси 2», «Банк иши» фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

## **КИРИШ**

“Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти” фани бўйича тайёрланган кейс технология магистратура талабаларининг билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Инсоният тарихий тараққиётининг кўпгина босқичларида ижтимоий-иқтисодий шаклларнинг айрим турлари узоқ вақт мавжуд бўлади. Масалан, ибтидоий жамоа тузими емирилаётган шароитдаёқ вужудга келган товар айирбошлиш бир ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиб, бир неча минг йиллардан бери амал қилиб, ривожланиб келмоқда.

Шу билан бирга бирон-бир ижтимоий-иқтисодий шаклнинг турли тарихий давр шароитидаги мазмуни, ўрни, роли ва ижтимоий оқибатлари кўп жиҳатдан турлича бўлади. Лекин уларнинг умумий, энг хусусиятли белгилари сақланиб қолади. Кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий хўжаликни ташкил этишнинг иккита умумий иқтисодий шакли ажралиб туради. Умумий иқтисодий шаклларнинг тарихан биринчиси натурал ишлаб чиқариш ва иккинчиси товар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Маълум тарихий даврларга келиб товар муносабатлари жамият иқтисодиётининг барча томонларини кенг ва чуқур қамраб олади.

Мазкур кейс товар хўжалигининг ва умуман айирбошлиш вужудга келиши ва амал қилинишининг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда шарт-шароитлари, натурал ва товар хўжаликларининг бир-биридан фарқи, товар ва унинг хусусиятлари, товар қийматининг микдори, уни аниқлашга бўлган ёндошувлар, пул ҳақидаги турли хил назариялар, пулнинг мазмуни, электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари фаолияти каби масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

**Кейс технологияда ўқитишининг асосий мақсади** – мамлакатимизда электрон тўловлар хизматининг ривожланиш йўналишларини таҳлили, муаммолар ва ривожланиш стратегиясини белгилаш, электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, умумлаштириш, илмий таҳлил этиш асосида, бу жараёнларнинг аҳамияти ва ҳозирги даврида талқинини беришдан иборат.

**Кейсда масаланинг ечими орқали қуийдаги натижаларга эришиш мумкин:**

- мазкур мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш;
- индивидуал ва гурухларда муаммонинг ечими таҳлилини ва қарор қабул қилиш кўникмаларини ишлаб чиқиш;
- мантиқий фикр юритишни жонлантириш;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўқув маълумотларни ўрганиш даражасини текшириш;

- электрон тўловлар тизимининг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва уларнинг турларини аниқлаш;
- электрон тўловларнинг ўзига хос афзалликларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш.

**Кейс технологияда ўқитишнинг асосий вазифалари:**

- товар, қиймат ва пул тўғрисидаги назарияларни ўрганиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, улардан ҳам илмий ҳам амалий хуносалар чиқариш, таклифлар бера олиш;
- илмий назарияларни таҳлил этиш асосида, асосий иқтисодий категорияларга берилган таъриф, уларнинг ўша давр ва ҳозирги замон учун аҳамиятини очиб бериш;
- иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган илмий назарияларнинг моҳиятини ва уларнинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссасини яхши англаш;
- электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларининг аҳамияти ва мазмунини яхши билиш;
- электрон тўлов тизимларини ҳозирги даврдаги аҳамиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш талаб этилади.

**Кейс технологияда ўқитишнинг моҳияти.** Талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси, касбий ва шахсий хусусиятлари бўйича қуидагиларни ҳисобга олиш талаб этилади:

- тизимли ёндошув: жараённинг мантиқийлиги, унинг бўлакларининг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги;
- амалий ёндошув: шахсада иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш;
- талаба фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солиш;
- диалогик ёндошув: таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимотини кучайтириш;
- ҳамкорликдаги таълим: ўқитувчи ва талаба муносабатида фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда аниқлаш;
- муаммоли ёндошув: таълим жараёнини муаммони намойиш қилиш асосида талаба билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш, илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш, уларни ҳал қилишдаги диалектик тафаккурни ривожлантириш.

**Кейс технологияда ўқитишнинг босқичлилиги:**

**I босқич - якка тартибда аудиториядан ташқари ишлаш босқичи:**

- Кейс материаллари билан танишиш;
- Баён этилган вазият билан танишиш;
- Муаммони шакллантириш;

- Муаммони ечиш йўлларини лойиҳалаш;

**II босқич - жамоавий ишлаш босқичи:**

- Вазиятни гурухда муҳокама қилиш;
- Шахсий тасаввурларни таққослаш;
- Муаммони жамоавий шакллантириш;
- Муаммога жамоавий ечим топиш.

## ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВЛАР ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН БАНК ТИЗИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига асосланган ҳолда, истеъмолчиларга товар ҳамда хизматлар учун мобил ва тезкор тўловлар қулайлиги шартларини яратиш, нобанк нақд пул айланмасини қисқартириш мақсадида «MOBLISS» чакана электрон тўлов тизими ўзбекистон бозорига кириб келмоқда.

«MOBLISS» тўлов тизимининг асосий мақсади GPRS хизматига уланган GSM ёки CDMA стандартлари доирасида ишловчи уяли телефон ёки глобал интернетдан фойдаланувчи истеъмолчилар талабларини қондирувчи қулай ва хавфсиз интернет тўлов тизими тузишдан иборатdir. Ҳозирги кунда у асосан қуйидаги хизмат турларини қўрсатиб келмоқда:

- уяли телефон операторлари, провайдерлар, пуллик телевидение хизматлари учун пул ўтказмалари амалга ошириш;
- магазин, ресторан, кафе ва ёқилги қуйиш шохобчаларида тезкор тўловлари амалга ошириш;
- интернет-магазиндан турли маҳсулотлар сотиб олиш;
- журнал ва газеталарга интернет алоқаси ёрдамида обуна бўлиш;
- бир электрон ҳамёндан бошқа ҳамёнга совфа сифатида пўл ўтказиш;
- амалга оширилган тўловлар хақида батафсил ҳисбот бериш;
- мунтазам амалга ошириладиган тўловларни автоматлаштириш.

Бу хизматлардан фойдаланиш учун қуйидаги имкониятлар мавжуд:

- мобил телефон ёрдамида электрон ҳамённи бошқариш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш (WAP/GPRS ва WAP/GSM ёрдамида);
- интернет глобал тўри ёрдамида ҳамённи бошқариш;
- “Mobliss” тизимидан фойдаланаётган шохобча терминаллари ёрдамида пул тўлаш;
- оила аъзолари, дўстлар ва ҳамкаслар учун тўлов амалга ошириш.

Кундалик ҳаётимизда “Электрон ҳамён” тушунчаси кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Унинг қулайлиги Интернет тармоғига уланган ҳар қандай воситадан бошқариш имконининг мавжудлиги ва тўловнинг тезкорлик билан амалга оширилишидадир. Шу билан бирга электрон ҳамёндаги пул маблағлари фойдаланувчининг ўзигагина тегишли бўлиб, у

юқори хавфсизликка әгадир. «MOBLISS» тизими орқали электрон ҳамённи жуда осон очиш мумкин.

Шу билан "MOBLISS" электрон тўлов тизими билан ҳамкорлик қилувчи интернет-магазинлар, телефон операторлари, ресторан, кафе, ёқилғи қуиши шоҳобчалари, газета ва журналлардан хариди қилиш ёки ҳизматидан фойдаланиш учун тўловларни ҳам амалга ошириш имкониятига мавжуд. Ушбу электрон тўлов тизимининг ўзига хос афзалликларини қуийдагиларда алоҳида кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

### **Универсал хизмат**

Ўз ҳисобингизни қуннинг исталган вақтида ва мамлакатимизнинг исталган бурчагидан туриб тўлдириш имкони. Бунда сизнинг хизматингизда электрон ҳамёningизни тўлдириш учун қуийдаги усувлар мавжуд:

- «MOBLISS» тўлов тизими дилерлари;
- «FAST PAY» тўлов тизими дилерлари;
- Республика банк тармоғи ёрдамида;
- Республика банклари пластик карточкалари ёрдамида;
- «VISA» пластик карточлари ёрдамида.

### **Тезкорлик**

Сиз қаерда бўлишингиздан қатъий назар «MOBLISS» электрон тўлов тизими ҳисоб-китобларнинг ҳеч қандай тўхталишларсиз бир неча сония ичида амалга оширилади.

24/7 тартибида ишловчи тезкор қўллаб-қувватлаш хизмати воситасида ушбу тўлов тизими ҳақида ҳар қандай саволга жавоб топишингиз мумкин.

### **Ҳаммабоп**

«MOBLISS» тизими билан ишлаш жуда ҳам қулай, чунки бунинг учун маҳсус дастур таъминоти ўрнатиш, саноқсиз сертификатлар тўлдириш ёки яна бир қанча оворагарчиликлар шарт эмас. "Mobliss" электрон тўлов тизимидан рўйхатдан ўтиш ва электрон ҳамён очиш ўн дақиқага ҳам бормайди. Қолган ишларни эса техниканинг измига қўйиб бериш мумкин. Ўзингизнинг илк электрон ҳамёningизни яратганингиздан сўнг тўловларни амалга оширишда "Mobliss" электрон тўлов тизимининг оддийлиги ва қулайлигига ишончингиз комил бўлади. Чунки ҳисоб рақамингизга пул тушган заҳоти сиз компьютерингиздан ёки мобил телефонингиздан бир қанча товар ва хизматларни сотиб олиш имконига эга бўласиз.

### **Ҳаракатчанлик**

Ўз электрон ҳамёningизни Интернетга уланган ҳар қандай компьютердан ёки GPRS тизимига уланган мобил телефонингиздан бошқаришингиз мумкин.

### **Хавфсизлик**

Мижозлар маблағини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида, "Mobliss" электрон тўлов хизмати жаҳон талабларига жавоб берувчи хавфсизлик

тизими асосида фаолият кўрсатади. Тизим рухсат этилмаган турли фойдаланувчиларнинг фаолиятини тўлик чеклайди.

**Сир тутилиши.** “Mobliss” электрон тўлов тизимининг бош қоидаси – мижоз ҳақидаги маълумотларнинг сир тутилишдир. Mobliss уз мижозлари пулларини тўлик сақлаш учун хизмат қиласди. Бу - ҳар қандай шароитда ҳам тизим фойдаланувчилари ҳақидаги маълумотларнинг, шунингдек барча пул ўтказмалари ҳақидаги ахборотнинг сир сақланиши демакдир. Янги технологияларнинг қундалик ҳаётимизда кўллашдан пировард мақсад истеъмолчиларнинг талабларини қондириш, уларга қулайлик яратиш ва бу билан уларга озгина бўлса-да, ёрдам беришдир. «MOBLISS» тўлов тизими ушбу мақсад йўлида сизларга хизмат кўрсатишдан доимо мамнундир.

Бугунги дунёда пул жўнатмалари мамлакат иқтисодиётининг юксалишида ва аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Аслида, пул жўнатмалари глобаллашув жараёнининг бир дебочаси бўлиб, кўпроқ ривожланган мамлакатлардан иқтисодиёти энди тараққий этаётган давлатларга жўнатилади. Бундан ташқари, пул жўнатмалари мамлакатлар молия бозорининг ривожланишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда эса пул жўнатмалари банк тизимининг янги хизмат турларидан бири ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, бу хизмат туридан фойдаланаётган юртдошларимизнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Турли манбаларга кўра, ҳозирда пул жўнатмалари салмоғи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5-10 фоизини ташкил этиб, бу мамлакат иқтисодиётининг жадал ўсишига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Пул жўнатмалари ҳажмининг таҳлили юртимиздан хорижга пул жўнатиш ва аксинча хориждан мамлакатимизга киритилаётган пул маблағларининг йилдан-йилга жадал ўсаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олинган маълумотга кўра, мамлакатимизга киритилган маблағ миқдори 2002 йилда 225 млн. АҚШ долларини, 2007 йилда 1,25 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Бунда йиллик ўртacha ўсиш суръати тахминан қирқ тўққиз фоизни ташкил этаётганини қўришимиз мумкин.

Юртимиздан хорижга жўнатилган пул миқдори Ўзбекистонга киритилган пул миқдорига нисбатан ўсиш суръати икки баробар секинроқ амалга ошмоқда. 2002 йилда мамлакатимиздан хорижга 86 млн. АҚШ доллари юборилган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 100 млн. долларга, 2007 йилга келиб жўнатилган пул миқдори 126 млн. долларга етган. Бунда йиллик ўртacha ўсиш суръати 26 фоизни ташкил қилмоқда. 2002-2007 йиллар мобайнида Ўзбекистонга пул жўнатмалари тизими

орқали жисмоний шахслар томонидан киритилган маблағлар ҳажми йилига ўрта ҳисобда 1,5 баробардан ўсиб борган.

Жаҳон амалиётининг тасдиқлашича, бозордаги эркин йўл ва рақобат муҳити пул жўнатмалари соҳасининг жадал ривожланишида ва сарф-харажатларнинг камроқ бўлишида муҳим омил бўлди. Бундан ташқари, пул жўнатмалари турли аҳоли қатлами учун қўшимча даромад манбаларидан унумли фойдаланиш, халқлар турмуш даражасининг кўтарилиши ва молия воситачиларининг фаоллашувига туртки бўлмоқда. Маълумки, Ўзбекистонда халқаро пул жўнатмалари тизими бўйича хизматларни тижорат банклари таклиф этмоқда. Айрим молия муассасаларимизда пул жўнатмалари тизимининг 5 дан зиёд тури ҳам жорий этилгани қувонарли ҳол албатта. Бу ўз навбатида аҳоли учун ўз истагига қараб, қулай ва бирмунча арzonроқ пул жўнатмасидан фойдаланиш имконини беради.

Бугунги кунда пулни уч йўл билан – халқаро пул жўнатмалари тизими ("Western Union", "MoneyGram", "Contact", "Anelik", "Migom", "Blizko" ва бошқалар.), Халқаро "SWIFT" одатий банк айланмалари тизими ҳамда почта хизмати орқали жўнатиш мумкин бўлсада, лекин улар орасида халқаро пул жўнатмалари тизими энг оммалашган ва ривожланган хизмат тури ҳисобланади.

Маълумки бозорга янги хизмат ёки маҳсулотнинг кириб келиши анча катта бошланғич харажатларни талаф этади. Унинг ривожланиши билан харажатлар ортиб бориб, ушбу хизмат тури рақобатбардош бўлиб боради. 2002 йилда мамлакатимизда бор йўғи учта пул жўнатиш тизими - "Western Union", "MoneyGram" (АҚШ) ва "Contact" (Россия) мавжуд бўлиб, ўша вақтда уларнинг ўртacha комиссion баҳоси ўтказилаётган пул миқдорининг 10 фоизи атрофида бўлган бўлса, 2007 йил охирларига келиб пул жўнатмалари тизими сони 12 тага, уларнинг ўртacha комиссion баҳоси 2-4 фоизгача тушишига эришилган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда пул айланмаларининг ҳажми сезиларли равишда ўсан. Экспертларнинг фикрича, бунда истеъмол товарларини харид қилишда пул амалиётларига катта урғу берилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда пул жўнатмалари инфратузилмаси жадал шаклланаётган бўлиб, аҳолининг ушбу хизмат туридан унумли фойдаланиши йўлида пул жўнатиш соҳасига ихтисослашган шоҳобчалар сони мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Лекин ҳали ушбу соҳада фойдаланиш мумкин бўлган талай имкониятлар мавжуд бўлиб, ундан айни пайтда юртимизда кенг ривожланиб бораётган кредит уюшмалари оқилона фойдаланишга уринишмоқда. Бу йўлда эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Кредит уюшмалари ассоциацияси томонидан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, пул ўтказмалари тизими мамлакатимиз учун янги ҳисобланиб, иқтисодиётнинг эркинлиги, шунингдек ишчи кучлар оқимининг ортиши билан юзага келади. Охирги йилларда пул жўнатмалари динамикаси нисбатан анча жадал суръатда ривожланиб бораётганлиги, нафакат жорий даврдаги пул тушуми, балки чет эл тажрибасини ортираётган юртдошларимизнинг, келажақда тараққиётимиз учун инвестиция – яни иш малакаларини ортираётганидан далолатдир.

Хозирги кунда Ўзбекистон пул жўнатмалари бозорида 12 та иштирокчи фаолият олиб бормоқда (1-жадвал (иловада)). Ушбу пул ўтказмалари ичida Республикамизда илк иштирокчи Western Union ни оладиган бўлсак, у 2000 йилларнинг бошларида Республикамизга кириб келган бўлиб, унинг комиссion тарифлари дунёning барча мамлакатларига бир хил қилиб белгиланган эди. 2005 йилнинг бошларига келиб эса МДҲ мамлакатлари бўйлаб хизмат тўловлари суммаси қарийб 50-55 фоизга камайтирилди. Бунинг асосий сабаби Собиқ Иттифоқ мамлакатлари ҳудудида пул ўтказмалари хизмати бўйича янги бир қанча иштирокчиларнинг бозорга кириб келишини айтиб ўтишимиз мумкин. Кириб келган иштирокчиларнинг комиссion тўловлар тарифи Western Union тизимиға қараганда сезиларли даражада фарқланиши ушбу тизимда рақобатнинг янада ортиб бориши учун замин яратди. Масалан, Contact тизимининг комиссion тўлови ҳар қандай сумманинг 3% микдорида қилиб белгиланган. Юқоридаги жадвалдаги асосий учта тизим (Western Union, Money Gram, Coinstar) дунёning аксарият мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, қолган 4 таси (Contact, Blizko, Анелиқ, Быстрая почта) ҳамдўстлик мамлакатлари ичидагина фаолият кўрсатишади. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг комиссion тўловлари сезиларли даражада паст эканини кўришимиз мумкин. Масалан, 500 АҚШ долларини Россия давлатидан Ўзбекистонга ўтказишнинг энг арzon комиссion тўлови Быстрая почта ва Blizko тизимларига тегишли бўлиб, умумий сумманинг 1,6-2% микдорига teng. Айни шу кўрсаткич Western Union да 4,8% (24\$), Coinstar да 3,6% (18\$), Money Gram да эса 6,4% (32\$) ни ташкил этади. Маълумки, ҳар қандай хизмат турининг сифати, унинг тезкорлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Бу борада пул жўнатмаларининг энг биринчи тизими бўлган Western Union да тезлик бирламчи масала ҳисобланиб, пулни юборувчи шахс жўнатгандан кейин 3-10 дақиқада олиши мумкин. Ушбу кўрсаткичлар Money Gram учун 1-2 соат, Contact учун 1 соат, Blizko учун 12 соатни ташкил қилади. Комиссion тўлови энг қуий бўлган Быстрая почта тизимининг пул ўтказиш операцияси эса қарийб 2 кечакундузга teng.

Пул жўнатмалари бўйича Ўзбекистоннинг 18 та тижорат банклари таҳлил қилинганда шу аён бўлдики, ушбу тизимнинг энг кенг тарқалгани Western Union экан (3-жадвал (иловада)). Money Gram тизимининг жадал ривожланиб кетмаганига асосий сабаб эса унинг Ҳамдўстлик

мамлакатлари учун белгиланган комиссион тўловлари қолганларига нисбатан юқори эканлигидир. Лекин ушбу тизимнинг афзаллик томони шундаки, ундан дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатлари билан пул жўнатмалари операциясини амалга ошириш мумкин.

Пул жўнатмаларининг иқтисодиётдаги ижобий ўрни шундан иборатки, у бир томонлама хизмат тури ҳисобланиб, келажакда у бирор мажбуриятни юкламайди (ташқи қарзни тўлаш каби). Шу сабабдан ҳам, пул жўнатмалари хусусий характер касб этишига қарамасдан, чет эл банклари кредит линиялари ёки хатто тўғридан тўғри инвестициялардан ҳам ишонччилоқ молиявий манба ҳисобланади. Бундан ташқари, пул жўнатмалари аҳолининг кам таъминланган қатламидаги ижтимоий кескинликни пасайтириши билан бирга, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда молиявий воситачиликнинг кенгайишига кўмак беради.

Биргина Western Union (2002 йилнинг 21 январидан ишлаб келмоқда)ни оладиган бўлсак, у 2002 йилда монопол характерга эга бўлган бўлса (пул ўтказмаларининг 95%и), 2007 йил якунларига кўра унинг ҳиссаси 39 % га тушиб кетди. Ушбу бозордаги рақобат унга қилинадиган харажатларнинг кескин камайишига сабаб бўлди. 2007 йил якунларига кўра, иштирокчилар сони 12 тага етиб, комиссион тўловнинг ўртacha нархи умумий ўтказманинг 2-4% ини ташкил этди. Шу билан бирга «Global Economic Prospects 2007» нинг маълумотларига кўра, халқаро пул жўнатмаларининг аксарият “коридорлар”и бўйича тўлов етарлича паст бўлиб, бир ўтказма учун тахминан 1,8 АҚШ долларини ташкил этади.

Хозирда, "Contact" халқаро пул жўнатиш тизими бўйича ҳам Ўзбекистоннинг 12 та тижорат банки – Халқ банки, “Ўзсаноатқурилишбанк”, Миллий банк, “Ипотека” банк, “Ҳамкорбанк”, “Капиталбанк”, “Савдогарбанк”, “Алп Жамол банк” ҳамда “Туронбанк”да хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, ушбу хизмат учун мамлатимизнинг 174 та шаҳрида 615 дан зиёд шаҳобча ташкил этилган. Агар 2005 йили мавжуд бўлган шоҳобчалар сонига назар ташласак, улар 200 та эканига ва бунда ўсиш кўрсаткичи 3 баробарга юксалганига гувоҳ бўламиз. Яна бир эътиборни тортадиган маълумот шуки, 2007 йилда "Contact" тизими орқали 1,3 млн. дан зиёд юртимиз фуқароси фойдаланган.

Умуман, ушбу бозор фойдадорлиги нормаси республикамида ҳали анча юқори ва келгуси йилларда яна иштирокчиларнинг рақобат бозорига кириб келиши учун замин яратиб беради. Албатта, пул жўнатмалари тизимида рақобат кураши Ўзбекистонда пул жўнатмалар бозоридаги комиссион нархларнинг янада пасайишига асосий сабаб бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда пул ўтказма тизимлари фаолиятининг такомиллашуви билан ушбу хизматнинг янада ривожланиши ва пировардида иқтисодиётимизга янада кўпроқ валюта маблағларининг келиб тушишига замин яратади. Бу эса кундан-кунга ривожланиб бораётган Республикализ учун ҳаво ва сувдек

зарур бўлган молиявий дастакнинг мустаҳкам бўғинини юзага келтирувчи асосий воситадир.

### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Электрон тўловлар тизимининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Электрон тўловлар хизматларидан фойдаланиш учун қандай имкониятлар мавжуд?
3. Электрон тўлов тизимининг ўзига хос афзалликларини санаб беринг.
4. Бугунги кунда пул жўнатмалари мамлакат иқтисодиётининг юксалишида ва аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти қандай?
5. Ҳозирги кунда Ўзбекистон пул жўнатмалари бозорида нечта иштирокчи фаолият олиб бормоқда?

### **ВАЗИФА**

Юқоридаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларидағи муаммони шакллантиринг ва электрон пул жўнатмалари муносабатларини мукаммаллаштириш борасидаги таклифларни беринг.

### **III. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**Муаммо:** қандай қилиб Ўзбекистонда электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштиришга эришиш мумкин ва миллий иқтисодиётни ривожланишда унинг ролини ошириш мумкин.

#### **Масалалар:**

1. Электрон тўловларнинг юзага келиши сабаблари ва уларнинг миллий иқтисодиёт ривожидаги аҳамиятини таҳлил қилинг.
2. Ҳозирги замон банк тизимларининг афзалликларини санаб ўтинг ва хуносалар чиқаринг.
3. Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари ҳақидаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилиб, уларга таъриф беринг.
4. Ҳозирги замон банк тизимларига қўйилаётган асосий талаблар хусусиятини тушунтириб беринг, бу борада юзага келаётган муаммоларни аниқланг ва уларнинг ечими бўйича таклифлар беринг.

### **Ечиш алгоритми**

**1. “Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларининг ривожланиши таҳлили ва уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги амал қилиши қўрсаткичлари” жадвалини тўлдиринг.**

**Баҳолаш мезонлари** – қисқача, вазиятни баҳолашнинг матндан олинган қисмларидан фойдаланиш.

№	Таҳлил йўналиши	Таҳлил натижалари
1.	Ривожланиш даврлари	
2.	Маълум вақт давомида ривожланмасликнинг асосий сабаблари	
3.	Инқирозли вазиятдан чиқишининг ўзига хос хусусиятлари	
4.	Электрон тўловлар бозорини ўстириш бўйича чора-тадбирлар	
5.	Бу даврдаги асосий натижалар	
6.	Электрон тўловлар бозорини ривожлантириш бўйича эришилган натижалар	
7.	Бу даврдаги асосий натижалар	
8.	Электрон тўловлар бозори ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар	
9.	Замонавий стратегик устувор вазифалар	
10.	Электрон тўловлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳал қилиш зарур бўлган масалалар	
11.	Ҳозирги замон банк тизимини ривожлантириш масалалари	
12.	тизимларининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари тавсифи	

2. “Ўзбекистонда ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш йўллари” жадвалини тўлдиринг (баҳолаш мезонларини шакллантиринг, вазият бўйича аниқ маълумотлар келтиринг ва хулосалар чиқаринг).

**Баҳолаш мезонлари** – қисқача, вазиятни баҳолашнинг матндан олинган қисмларидан фойдаланиш.

№	Баҳолаш мезонлари	Вазият бўйича аниқ маълумотлар
1.		
2.		
3.		

Хулоса	
--------	--

**3. “Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш шароитлари” жадвалини тўлдиринг.**

**Баҳолаш мезонлари** – қисқача, вазиятни баҳолашнинг матндан олинган қисмларидан фойдаланиш.

Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш шароитлари	Умумий тавсифи: холати, динамикаси, хусусиятлари
1. Молиявий барқарорлаштириш	
1.1. Инфляция индекслари	
1.2. Давлат бюджет камомади	
1.3. Пул эмиссияси даражаси ва миллий валюта девальвацияси	
2. Инвестицион фаолликнинг ўсиши	
2.1. ЯИМ ҳажмида инвестиция ва жамғарма ҳиссасининг ўсиши	
2.2. Аҳоли маблағлари ва банк кредитлари ўсиши йўналишида инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибининг ўзгариши	
3. Иқтисодиёт эркинлиги ва интеграциялашуви даражаси	
3.1. ЯИМ ҳажмида ташқи савдонинг ҳиссаси	
4. Макроиқтисодий самарадорликнинг ортиши	
4.1. Давлат томонидан тартибга солиниш даражаси	

**4. “Ўзбекистонда ҳозирги замон банк тизимлари  
такомиллаштириш борасида юзага келаётган муаммолар”  
жадвалини тўлдиринг, муаммоларни ҳал қилиш йўллари бўйича  
таклифлар беринг.**

**Баҳолаш мезонлари** – қисқача, вазиятни баҳолашнинг матндан олинган қисмларидан фойдаланиш.

**Муаммолар**

**Ечиш йўллари**

Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма тезис шаклида расмийлаштиринг.

**Ёзма ишга қўйиладиган талаблар:**

1. Иш А4 форматли қоғознинг бир тарафига тезис шаклида ёзилган бўлиши шарт (Зта варакдан кам бўлмаган ҳолда).
2. ишнинг расмийлаштирилиши:
  - биринчи бетнинг юқори ўнг томонида талабанинг фамилияси, исми-шарифи ва гуруҳи ёзилади;
  - варакнинг шрта қисмida кейснинг номи ёзилади;
  - давомидан тезис шаклида кейс билан ишлаш натижалари ёзилади.

**Кейс билан ишлашнинг баҳолаш мезонлари  
(аудиториядан ташқари ва аудитория мустақил ишлари)**

**Аудиториядан ташқари мустақил ёзма ишни баҳолаш мезонлари  
ва кўрсаткичлари**

Талабанин г Ф.И.Ш.	Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балларда)				
	1. Ҳозир- ги замон банк тизими холатин и таҳлил қилиш (макс. 6 балл.)	2. Банк тизими ривожланиш и жараёнини аниқлаш (макс. 4 балл.)	3. Банк тизими ривожлантиришнин г устувор йўналишларини аниқлаш (макс. 10 балл.)	4. Ҳозирги замон банк тизимини такомиллаштири ш бўйича аниқ таклиф ва ечимлар бериш (макс. 10 балл.)	Жам и (макс . 20 балл)
1.					
2.					
3.					

**Аудитория ишларида баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Иштирок- чиларнинг Ф.И.Ш.	Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балларда)				
	1. Бахс жараёнида фикрларнинг мантиқийлиги, асослилиги ва (макс. 1 балл.)	2. Муам- монинг ечими бўйича муқобил таклифлар (макс. 1 балл.)	3. Хулоса- ларни аниқ шакллантириш (макс. 0,5 балл.)	4. Бахс жараёнидаги фаоллиги (макс. 0,5 балл.)	Жами (макс. 3 балл)
1.					
2.					
3.					

#### 4.4. ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

##### **Семинар машғулотида кейс-технологиядан фойдаланиш**

<b>Мавзу</b>	<b>Товар, қиймат ва пул назариялари</b>
Талабалар сони: 25 нафаргача	Вақти – 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кейс-стади усулини қўллаган ҳолда билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар
Ўқув машғулоти таркибий тузилиши	<p>1. Ўқув машғулотига кириш.</p> <p>2. Блиц-сўровдан фойдаланган ҳолда билимларни фаоллаштириш.</p> <p>3. Гурухларда ишлаш, тақдимот тайёрлаш.</p> <p>4. Тақдимотлар, кейсни жамоа бўлиб муҳокама қилиш.</p> <p>5. Якунлаш. Талабалар фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.</p>
Ўқув машғулоти мақсади:	товар, қиймат ва пул назарияларини ўрганиш; электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш; ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш даражасини баҳолаш.
Ўқитувчининг вазифалари:	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- товар, қиймат ва пул назариялари тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш;</li> <li>- электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари кўрсаткичларини тўғри белгилаш;</li> <li>- ўрганилаётган иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, алгоритмлар тузиш;</li> <li>- электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларига таъсир кўрсатувчи омиллар тизимини аниқлаш;</li> <li>- ҳозирги замон банк тизимлари амал қилиши даражасини баҳолаш.</li> </ul>
- мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;	
- кейс билан мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;	
- ўқув билимларини тизимга солиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш;	
- ўз нуқтаи назарини асослаш ва ҳимоя қилиш, мунозарада иштирок этиш маданияти, ўзаро фикр алмашиш кўникмаларини ривожлантириш.	

<i>Ўқитиши усули</i>	Кейс-стади, мунозара
<i>Ўқитиши воситаси</i>	Кейс, услугбий кўрсатмалар
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Якка тартибда, жамоа бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиши шароитлари</i>	Одатдаги аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, блиц-сўров, балл орқали баҳолаш

### Семинарнинг технологик картаси

<b>Ишни бажариш босқичлари</b>	<b>Фаолиятнинг мазмуни</b>	
	<b>ўқитувчи</b>	<b>талабалар</b>
Тайёргарлик босқичи	<p>Талабаларга якка тартибда танишиб чиқиш ва ҳал этиш учун кейс материаларини тарқатади.</p> <p>Кейснинг аҳамияти ва унинг иқтисодий билимларнинг ривожланишига таъсирини тушунтиради.</p> <p>Мазкур семинарда иш тартиби билан таништиради.</p>	Танишадилар.
1-bosqich. Ўқув машғулотига кириш (15 мин)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади, вазифалари ва ўқув фаолиятининг режалаштирилган натижаларини сўзлаб беради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади:</p> <p>1. товар, қиймат ва пул тўғрисида қандай назарияларни биласиз?</p> <p>2. электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини шакллантириш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?</p>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-bosqich. Асосий қисм (50 мин)	<p>2.1. Эътиборни кейсда қўйилган муаммо, ундаги топшириқларга қаратади.</p> <p>2.2. Ўқувчиларни гуруҳларга ажратади. Топшириқ беради: Ўзбекистондаги электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари ривожланиши натижаларини баҳолаш. Тақдимотга тайёрланиш.</p> <p>2.3. Кейс бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш</p>	<p>2.1. Саволлар берадилар,</p> <p>аниқлаштирадилар.</p> <p>2.2. Гуруҳларда ишлайдилар.</p> <p>2.3. Биргаликдаги ишларининг тақдимотини</p>

	натижаларини биргалиқда мұхокама қилишни ташкил этади. 2.4. Мунозара давомида қўшимча саволлар беради (1-илова). 2.5. Тақдим этилган ечимларнинг ўзаро баҳоланишини ташкил этади.	намойиш этадилар. 2.4. Саволларга жавоб берадилар. 2.5. Баҳолайдилар.
3-босқич. Якунлаш, таҳлил ва баҳолаш (15 мин)	3.1. Натижаларни умумлаштиради. 3.2. Тавсия этилган ечимларни изоҳлайди. 3.3. Мунозара иштирокчилари ишларини баҳолайди. 3.4. Кейснинг аҳамияти ҳамда унинг келгусидаги касбий фаолиятга таъсирини яна бир бор таъқидлайди.	3.1. Тинглайдилар. 3.2. Тинглайдилар. 3.3. Тинглайдилар. 3.4. Ўз фикрларини билдирадилар.

## 1-илова

### Қўшимча саволлар ва топшириқлар:

- Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларида интернет қандай роль ўйнайди?
- Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларига мисоллар келтиринг.
- Ҳозирги замон банк тизимлари ва электрон тўловларнинг алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини очиб беринг.
- Иқтисодий тадқиқотларда банк тизимларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
- Электрон тўловлар ривожланишини таъминлашда қандай усуслардан фойдаланиш мумкин?

## 5. КЕЙСНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВАРИАНТИ

### *Кейснинг муаммоси ҳақида*

Асосий муаммо электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари ривожланишини жараёнини аниқлаш; бу борадаги асосий қўрсаткичларни таҳлил қилиш; келажакда банк тизимларида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Миллий иқтисодиётда электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари ривожланишини таъминлашда қўйидаги қийинчиликларга дуч келиш мумкин:

- электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларининг тўғри ишлаб чиқилмаганлиги;

- ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш йўлиниң тўғри танланмаганлиги;
- электрон тўловларни такомиллаштириш алгоритмининг тўғри белгиланмаганлиги;
- электрон тўловлар ҳолати кўрсаткичларининг тўғри танланмаганлиги.

*Муаммони ҳал этиши даражалари:*

Ушбу муаммолар қўйидаги даражаларда ҳал этилиши мумкин:

- республика;
- худудларо;
- худуд ичида.

*Муаммони ҳал этиши йўллари:*

Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқсан ҳолда, банк тизими инфратузилмаси қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилиши зарур:

- ҳозирги замон банк тизимлари ривожланишини давлат томонидан ҳар тарафлама кўллаб-қувватлаш;
- электрон тўловлар субъектларини имкон қадар истеъмолчиларга қулайлигини таъминлаш;
- банк тизим инфратузилмаси субъектларининг қулайликлари ҳақида истеъмолчилар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимлари инфратузилмасини ривожлантириш табақалашган ҳолда ёндашувни талаб қиласди.

### **Саволлар, топшириқлар ва уларга жавоблар**

#### **1. “Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларининг ривожланиши таҳлили ва уларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги амал қилиши кўрсаткичлари” жадвалини тўлдиринг.**

№	Таҳлил йўналиши	Таҳлил натижалари
1.	Ривожланиш даврлари	Утган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб ахборот технологиялари, телекоммуникациялар гуркираб ривожланиши ҳамда интернет товарлар ва хизматларни сотиш канали сифатида фаол қарор топиб бориши натижасида электрон тўловлар бозоридаги вазият тубдан ўзгара бошлади.
2.	Маълум вакт давомида ривожланмасликнинг асосий сабаблари	Молиявий фирибгарликларнинг ғоят кўпайиб кетиши, бир қатор лойиҳалар омадсизликка учраши ва кўпгина бошқа сабаблар электрон тўловлар бозорининг маълум вакт давомида бир ерда депсиниб қолишига ва бу бозордан кўпгина ўйинчилар чиқиб

		кетишига олиб келди.
3.	Инқирозли вазиятдан чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари	Ҳозир харидорлар хизмат кўрсатиши каналлари сифатида банкоматлардан, <b>POS</b> -терминаллардан, интернет, уяли телефонлар, шахсий чўнтақ компьютерларидан, тўлов воситалари сифатида эса пластик карточкалар, электрон чеклар, электрон нақд пуллар, смарт-карточкалар ва бошқалардан фойдаланишлари мумкин.
4.	Электрон тўловлар бозорини ўстириш бўйича чора-тадбирлар	Электрон бозорлар тўловининг ҳозирги холати ва ривожланиш истиқболлари бўйича чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш.
5.	Бу даврдаги асосий натижалар	1. Электрон терминал қурилмалар ва электрон тўлов каналлари спектри сўнгти вақтларда анча кенгайди ва бундан буён ҳам кенгайиб бораверади. 2. Банклар электрон терминал қурилмалардан фойдаланган ҳолда кўрсатадиган хизматлар сафи анча кенгайди.
6.	Электрон тўловлар бозорини ривожлантириш бўйича эришилган натижалар	Ўзаро ҳамкорлик қилиш зарур бўлган тўлов тизимларининг турлари ва сони жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.
7.	Бу даврдаги асосий натижалар	Мижозлар электрон терминал қурилмалардан фойдаланган ҳолда хилма-хил банк ва хизматлари ва бошқа хизматларни олишга ҳаракат қилмоқдалар, чунки бу қулай бўлиши билан бирга, қиммат ҳам эмас (кўпинча умуман бепул бўлади).
8.	Электрон тўловлар бозори ривожланишига тўскинлик қилувчи муаммолар	Молиявий фирибгарликларнинг фоят кўпайиб кетиши, бир катор лойиҳалар омадсизликка учраши ва кўпгина бошқа сабаблар.
9.	Замонавий стратегик устувор вазифалар	1. Электрон терминал қурилмалар ва электрон тўлов каналлари спектри сўнгти вақтларда анча кенгайди ва бундан буён ҳам кенгайиб бораверади. 2. Банклар электрон терминал қурилмалардан фойдаланган ҳолда кўрсатадиган хизматлар сафи анча кенгайди.
10.	Электрон тўловлар бозорини ривожлантириш бўйича ҳал қилиш зарур бўлган масалалар	Электрон бозорлар тўловининг ҳозирги холати ва ривожланиш истиқболлари бўйича чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш.
11.	Ҳозирги замон банк тизимини	Ҳозир харидорлар хизмат кўрсатиши каналлари сифатида банкоматлардан,

	ривожлантириш масалалари	<b>POS</b> -терминаллардан, интернет, уяли телефонлар, шахсий чўнтақ компьютерларидан, тўлов воситалари сифатида эса пластик карточкалар, электрон чеклар, электрон нақд пуллар, смарт-карточкалар ва бошқалардан фойдаланишлари мумкин.
12.	тизимларининг асосий ривожланиш кўрсаткичлари тавсифи	<p>Шубҳасиз, электрон тўловлар – ахборот технологияларида тараққиёт маҳсулидир. Лекин, ўз навбатида, электрон тўловлар ушбу тараққиётнинг харакатлантирувчи кучларидан бири бўлиб, ахборот технологиялари олдига тобора янгидан-янги талабларни қўймокда.</p> <p>Ушбу талаблар кўп қиррали бўлиб, коммуникация воситалари ва ҳисоблаш техникасини ривожлантириш зарурлиги ҳам, янги, янада мукаммал алгоритмлар ва криptoҳимоя воситалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш ҳам мана шу талаблар жумласидандир.</p>

## 2. Ўзбекистонда ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш йўллари

№	Баҳолаш мезонлари	Вазият бўйича аниқ маълумотлар
1.	ФТТ натижалари асосида электрон тўловлардан фойдаланишининг интенсив йўлларини танлаш	<p>Маълумки, электрон тўловлар ўтган асрнинг 60-70-йилларида пайдо бўлган. Ўшанда банклар пул маблағларини электрон усулда жўнатиш учун телекоммуникация тармоқларидан муваффакиятли фойдалана бошладилар, дастлабки электрон терминал қурилмалар – POS – терминаллар ва банкоматлар ҳам ўша вақтда пайдо бўлган. Турган гапки, электрон тўловлар тарихи уларнинг харакатлантирувчи кучига айланган банк карточкалари билан чамбарчас боғлиқдир. 1980 йилга келибоқ, 73 миллион дона <b>Visa</b> ҳамда 55 миллион дона <b>Masterd Card</b> карточкалари чиқарилган эди.</p> <p>XX асрнинг 80-йил охирлари 90-йиллари бошларида магнит тасмали карточка, аслини олганда, бирдан-бир электрон тўлов воситаси эди. Банкларнинг электрон операциялари эса асосан банкоматлардан ва банк оффисларидан нақд пул олиш, савдо-сервис корхоналарида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш, банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва банк мижозлари бўлган юридик шахсларга масофадан туриб хизмат қўрсатиш билан чекланар эди.</p>
2.	Миллий иқтисодиётда таркибий	Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб ахборот технологиялари, телекоммуникациялар гуркираб ривожланиши ҳамда интернет товарлар ва

	ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳозирги замон банк тизимларига мослиги	хизматларни сотиш канали сифатида фаол қарор топиб бориши натижасида электрон тўловлар бозоридаги вазият тубдан ўзгара бошлади.
		1993 йилда Голландиянинг CWI(Centrum voor Wiskunde en informatica) тадқиқот институти криптография бўлимининг бошлиғи Дэвид Чаум (David Chaum) “электрон пуллар” фоясини амалга ошириш учун мутлақо янги технологияни – <b>eCash</b> тизимини таклиф қилди. Бу тизимнинг амал қилиш принципидан ҳозирги вақтда кўпгина электрон тўлов тизимларида фойдаланилмоқда. 1994 йилда АҚШда интернет орқали <b>eCash</b> технологиясидан фойдаланган ҳолда биринчи харид амалга оширилди. Ўтган аср 90-йилларнинг иккинчи ярмига келганда эса дунёда юзлаб электрон тўлов тизимлари мавжуд эди. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу бозордаги ўйин қоидаларига риоя қиласкермади. Молиявий фирибгарликларнинг фоят кўпайиб кетиши, бир қатор лойихалар омадсизликка учраши ва кўпгина бошқа сабаблар электрон тўловлар бозорининг маълум вақт давомида бир ерда депсиниб қолишига ва бу бозордан кўпгина ўйинчилар чиқиб кетишига олиб келди. Натижада, интернет-тижоратнинг авж нуқтаси 2000 йил охирларида ёқ Фарбдаги бир қатор интернет-дўйконлар ва тўлов тизимларининг ёпилганлиги ёки ходимлари сони қисқартирилганлиги ҳакидаги нохуш хабарлар оқими билан алмашди.
3.	Электрон тўловлар соҳасидаги ўсишнинг жамият талабларига мос ва келиши ижтимоий-иқтисодий нисбатларга мослиги	<p>Мижозларга электрон хизмат кўрсатиш йўллари ва электрон тўлов воситалари шундокқина кўз ўнгимизда ривожланиб бормоқда. Ҳозир харидорлар хизмат кўрсатиш каналлари сифатида банкоматлардан, POS-терминаллардан, интернет, уяли телефонлар, шахсий чўнтақ компьютерларидан, тўлов воситалари сифатида эса пластик карточкалар, электрон чеклар, электрон нақд пуллар, смарт-карточкалар ва бошқалардан фойдаланишлари мумкин. Яқин йиллар ичida янги ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш каналлари ва электрон тўлов воситалари: интерактив телевидение, унча қиммат бўлмаган товарлар ҳакини тўлаш учун микропуллар (<i>microcash</i>) ва ҳоказолар пайдо бўлиб, улардан фаол фойдаланилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.</p> <p>Банк бўлимлари борган сари кўпроқ молиявий “супермаркетлар”ни эслатмоқда. Улар интернетга симсиз кириш имконини берадиган тармоқ билан “қопланган” макон шаклига кириб бормоқда. Бу маконда интернет-салонлар, экспресс-пошта бўлимлари, оффис ва нусха кўчириш марказлари, ҳатто қаҳвахоналар ҳам бўлиши мумкин. Бўлимлар ташқарисида ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча қулийликлар – хилма-хил банкоматлар, инфодўйкончалар, шошилинч алоқа терминаллари ва бошқалар жойлашади. Банк ходимлари эса мижозга фоят мураккаб молиявий маҳсулотларни таклиф қилишга диққат-эътиборни қаратадилар.</p>

## **Хуроса**

Узбекистонда электрон тўловлар ва шакланаётган банк тизимлари ҳозирги замон жаҳон талабларига мос келади.

### **3. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш шароитлари.**

<b>Электрон тўловлар ва ҳозирги замон банк тизимларини такомиллаштириш шароитлари</b>	<b>Умумий тавсифи: ҳолати, динамикаси, хусусиятлари</b>
<b>1. Молиявий барқарорлаштириш</b>	
1.1. Инфляция индекслари	2007 йилда инфляция даражаси тасдиқланган параметрлар доирасида сақланган ҳолда 6,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда жорий йил учун кўзда тутилган инфляция кўрсаткичлари доирасидан чиқмаган ҳолда, ўртача иш хақи миқдорини камида 1,5 баробар оширишни таъминлаш учун тегишли манбаларни излаб топиш муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда.
1.2. Давлат бюджет камомади	Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз профицит билан бажарилди. Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг кўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилаётгани принципиал аҳамиятга эгадир.
1.3. Пул эмиссияси даражаси ва миллий валюта девальвацияси	Ўзбекистонда 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортиб, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу, ўз навбатида, йил якунлари бўйича ташки савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришиш ва олтин-валюта захираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди. 2008 ва ундан кейинги йилларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда 2006 йили ташкил этилган ва бугунги кунда 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларига, эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин тутади.
<b>2. Инвестицион фаолликнинг ўсиши</b>	
2.1. ЯИМ ҳажмида инвестиция ва жамғарма ҳиссасининг ўсиши	2007 йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 23 фоизга ортида ва 4,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги маблағни ташкил этди. Бу эса ўтган йиллар мобайнида эришилган энг юқори кўрсаткичdir. Шуниси диққатга сазоворки, жами инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари

	қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди. Жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялари, айникса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоқли ўринни эгаллади. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортиб, 1 миллиард долларни ташкил этди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар эканини таъкидлаш лозим.
2.2. Аҳоли маблағлари ва банк кредитлари ўсиши йўналишида инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибининг ўзгариши	Ўтган йили аҳоли даромадларини ошириш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилди. Яқин уч йилда иш хақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди. 2007 йилнинг декабрида ўртacha ойлик иш хақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олганда, 210 АҚШ доллари миқдорига тенг бўлди. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда молиявий ресурсларни бошқариш соҳаларида стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили қарийб 330 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитлар ва 46 миллион долларлик грантлар жалб этилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш учун тақдим этилган кредитлар бир йилда 36 фоизга, тадбиркорлар ва хусусий шахсларга берилган микрокредитлар миқдори эса 70 фоизга купайди.

### **3. Иқтисодиёт эркинлиги ва интеграциялашуви даражаси**

3.1. ЯИМ ҳажмида ташки савдонинг хиссаси	Ўзбекистонда 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати 40,7 фоизга ортиб, импортга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди. Бу, ўз навбатида, йил якупнлари бўйича ташки савдо айланмасида 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда ижобий сальдога эришиш ва олтин-валюта заҳираларимизни 1,5 баробар кўпайтириш имконини берди. Ташки савдо юкларини ташиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, янги транспорт йўлакларини очиш, республикамиз транзит салоҳиятини кескин кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда республикамиз ташки савдо айланмасининг учдан бир кисми хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар хиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда молиявий ресурсларни бошқариш соҳаларида стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили қарийб 330 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитлар ва 46 миллион долларлик грантлар жалб этилди.
--	---

#### **4. Макроиктисодий самарадорликнинг ортиши**

4.1. Давлат томонидан солиниш тартибга даражаси	<p>Маълумки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банкмолия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инженеринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Ўтган йил давомида банк фаолияти, аудиторлик ва суғурта компаниялари бўйича қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бу амалий чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаёттган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этиш лозим. Бунинг натижасида 27 та суғурта компанияси ўз низом жамғармалари миқдорини белгиланган талаблар даражасига етказди ва уларнинг ялпи ҳажми 2007 йилда 1,5 баробар кўпайди.</p>
---	---

#### **4. Ўзбекистонда ҳозирги замон банк тизимлари тақомиллаштириш борасида юзага келаётган муаммолар.**

Муаммолар	Ечиш йўллари
<p>Ҳозирги кунда Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби баъзи вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети хисобидан таъминланаётгани, биринчи навбатда, мазкур худудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман, инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.</p>	<p>Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгadir исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз худудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир. 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик хукуқини химоя қилиш борасидаги қонунчиликни мустаҳкамлаш, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.</p>

## ИЛОВА

1-жадвал

### Ҳозирги кунда Ўзбекистон пул жўнатмалари бозоридаги иштирокчилар фаолияти маълумоти

Ўтказма миқдори (АКШ долларида)	Western Union		Coinstar *	Contact	Blizko	Anelik	Money Gram	Быстрая почта	
	Ҳамдўстлик мамлакатлари*	бошқа хорижий мамлакатлари **		Дунё бўйича	Ҳамдўстлик мамлакатлари	Ҳамдўстлик мамлакатлари		Дунё бўйича	Ҳамдўстлик мамлакатлари
100 ёки ундан кам	6	15		3	1.00-3.00	2	1.00-3.00	12	1.00-2.00
100.01-200.00	9	22		6	3.01-6.00	4	3.01-6.00	20-24	2.01-4.00
200.01-300.00	14	27		10	6.01-9.00	6	6.01-9.00	24	4.01-6.00
300.01-400.00	19	33		14	9.01-12.00	8	9.01-12.00	24	6.01-8.00
400.01-500.00	24	38		18	12.01-15.00	10	12.01-15.00	32	8.01-10.00
500.01-750.00	29	48		25	15.01-22.50	12-16	15.01-22.50	32-40	10.01-15.00
750.01-1250.00	37	60		30	22.51-37.50	16-25	22.51-37.50	40-75	15.01-25.00
1250.01-1750.00	53	80		40	37.51-52.50	30-35	37.51-52.50	75	25.01-35.00
1750.01-2250.00	69	95		55	52.51- 67.50	40-50	52.51-67.50	75-100	35.01-50.00
2250.01-2750.00	89	110		75	67.51-82.50	50-60	67.51-82.50	100-150	50.01-55.00
2750.01-3000.01	99	120		85	82.51-90.00	60	82.51-90.00	150	55.01-60.00
3000.01-3500.00	109	140		95	90.01- 105.00	70	90.01- 105.00	150	60.01-70.00

\* - МДХ мамлакатлари учун алоҳида ишлаб чиқилган тарифлар

\*\* - Ҳамдўстлик мамлакатларидан бошқа мамлакатлар учун белгиланган тарифлар

2 жадвал

### Ўзбекистон пул жўнатмалари бозоридаги иштирокчиларнинг пул ўтказиш тезлиги ҳақида маълумот

	Western Union	Coinstar *	Contact	Blizko	Anelik	Money Gram	Быстрая почта
Ўткази ш тезлиги	3-10 мин	1 соат	1 соат	12 соат	12-24 соат	1-2 соат	1-2 сутка

3-жадвал

Пул жўнатмаси тизимларининг Ўзбекистон тижорат банкларидағи хизмати\*.

№	Банкнинг номи	Western Union	Coinstar*	Contact	Blizko	Анелик	Money Gram	Быстрая почта
1.	ЎзР ТИФмиллий банки							
2.	Халқ банки							
3.	"Асака" ДАТБ							
4.	"Ипотека-банк" АТИБ							
5.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ							
6.	"Пахта Банк" АТБ							
7.	"Фаллабанк" РАТБ							
8.	Турон банк АТБ							
9.	"Микрокредитбанк" АТБ							
10.	"Алоқабанк" АТБ							
11.	"Ипак Йўли" АИТБ							
12.	"Ҳамкорбанк" АТБ							
13.	"Капитал банк" АТБ							
14.	"Трастбанк" ХОАББ							
15.	"Алп Жамол Банк"							
16.	"Универсал Банк" ХОАТБ							
17.	"Кредит-Стандарт"							
18.	"Равнақ-Банк"							

\* Маълумотлар асосан тижорат банклари сайтларидағи маълумотлар ва телефон қўнгириклари асосида тузилди.

---

**ҒАФУРОВ У.В., БЕКҚУЛБЕКОВ Ф.М.**

**«Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси» фанидан  
«Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели,  
концепция ва стратегияси» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «Ўзбекистонда миллий тараққиёт  
босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамияти  
нимада»***

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фанинг номи:** «Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси».

**Мавзунинг номи:** «Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели, концепция ва стратегияси» мавзусига мосланган кейс.

**Кейснинг мақсади:** бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича билим ва қўникмалар ҳосил қилиш; мамлакатимиз миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамиятини ўрганиш; турли босқичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мантиқий кетма-кетликни аниқлаш; бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилаш.

Тақдим этилган кейснинг ечими талабларга қуидаги **ўкув натижаларини** олиш имконини беради:

- бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг зарурлигини асослаш;
- ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжудлиги;
- миллий тараққиёт даврини турли босқичларга ажратишнинг аҳамияти ва мезонлари;
- миллий тараққиёт босқичларида эришилган натижаларни баҳолаш кўрсаткичлари;
- миллий тараққиёт босқичлари учун белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилганлик даражасини баҳолаш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини ажратиш.

Кейснинг муваффақиятли ҳал этилиши учун талаба билиши лозим бўлган **билим ва қўникмалар:**

*Талаба билиши лозим:*

- бозор муносабатларига ўтиш даври ва унинг турли босқичлари;
- ўтиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тизими;
- миллий тараққиёт даврини турли босқичларга ажратиш кўрсаткич ва мезонлари;
- миллий тараққиёт ҳар бир муайян босқичининг ўзига хос хусусиятлари.

*Талаба бажара олиши лозим:*

- ўтиш даври учун тааллуқли бўлган муаммоларни ажратади олиш;
- миллий тараққиёт босқичларини ажратиш бўйича ғояларни илгари сурини;
- ахборотларни танқидий баҳолаш ва қайта ишлаш;
- мавжуд маълумотлар асосида турли босқичларни ўзаро таққослаш ишларини амалга ошириш.

*Талаба қуидагиларга эга бўлиши лозим:*

- ўзаро фикр алмашув қобилияти;
- мунозараларда иштирок этиш қўникмаси;
- гурӯҳ бўлиб ишлаш қўникмаси.

### **Ахборот олиш манбалари:**

1. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

2. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август, №173.

3. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси. – Халқ сўзи, 2005 йил 19 январь, №13.

4. Бекқулбеков Ф. Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси (ўқув қўлланма). – Т., «Фан ва технология», 2007.

5. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Фан ва технология». 2005.

6. Абалкин Л.И. Курс переходной экономики. – М.: ФинСтатИнформ, 1997.

7. Герасименко Н. Теория переходной экономики. М. ТЕИС, 1997.

8. Чепурин М.Н., Киселева Е.А. Основы теории переходной экономики. – Киров, 1996.

9. Радаев В.В., Бузгалин В.В. Экономика переходного периода. – М.: МГУ, 1995.

### **Кейснинг типологик белгиларига кўра тавсифи**

Мазкур кейс кабинетда ҳал этиладиган, сюжетсиз кейслар тоифасига киради. Ундаги ҳолат ўтмишдан ҳозирги даврга томон ҳаракатда баён этилган. Бу ташкилий-институционал, тренинг аҳамиятидаги кейс ҳисобланади. У ўртача ҳажмда бўлиб, маҳсус таркибий тузилмага эга. Ўқув машқлари савол ва топшириқлар кўринишида намоён этилган.

Дидактик мақсадларига кўра кейс муаммо, ечим ёки концепцияни ифодаловчи, таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатувчи кейслар тоифасига киради.

Мазкур кейсдан «Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси» фанидан маҳсус семинар машғулотларида, шунингдек, «Иқтисодиёт назарияси», «Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» фанларидан қўшимча амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳар томонлама асослаб берилган ўзига хос тараққиёт йўлини танлади. Бу йўлни ишлаб чиқишида кўплаб жаҳон халқарининг тараққиёт тажрибалари билан бир қаторда ўзбек халқининг буюк тарихий мероси, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзи, унинг яратувчанлик, бунёдкорлик қобилиятлари, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар ва бошқа кўплаб омиллар ҳисобга олинди ҳамда улар асосида «ўзбек модели»нинг қуидаги беш асосий тамойили белгилаб берилди: иктиносидиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги роли; ислоҳотларни амалга оширишда қонуннинг устуворлигини таъминлаш; аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш; бозор иктиносидиётига босқичма-босқич ўтиш.

Шунингдек, Президентимиз ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади – бозор иктиносидиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойdevorини шакллантириш доирасида қуидаги муайян стратегик мақсадларни ҳам белгилаб берди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидиётини босқичма-босқич шакллантириш;
- кўп укладли иктиносидиётни яратиш;
- корхоналар ва фуқароларга кенг иктиносидий эркинликлар бериш, иктиносидиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулларини бартараф этиш, иктиносидий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;
- иктиносидиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иктиносидий тизимига қўшилиб бориш;
- кишиларда янгича иктиносидий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.<sup>1</sup>

Мамлакатимизнинг ўз мустақиллиги йўлида босган ҳар бир қадами, эришган ҳар бир ютуғи бу миллий тараққиёт модели, оқилона сиёсат ҳамда юрт равнақи йўлидаги тинимсиз меҳнат ва саъй-харакатлари натижасидир. Бу мураккаб жараённи ҳар томонлама ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш, ундаги ҳар бир воқеа-ҳодисаларни изчил тизимга солиш орқали мантиқий хуласа ва якунлар чиқариш –

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иктиносидий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995, 18-б.

миллий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканлигини баҳолаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва демократик жамият қуришда олдимизда турган ва амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар ҳамда уларнинг аҳамиятини чуқур ҳис этишда, мазкур вазифаларга жамиятимиз ҳар бир аъзосининг онгли муносабати ва масъулият туйғусини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Айниқса, миллий тараққиёт даврининг мантиқан ва мазмунан фарқланувчи алоҳида босқичларга ажратиб ўрганиш муҳим ҳисобланади.

**Мазкур кейснинг асосий мақсади** – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича билим ва кўнгилмалар ҳосил қилиш; мамлакатимиз миллий тараққиёт босқичларининг мазмуни, вазифалари ва аҳамиятини ўрганиш; турли босқичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва мантиқий кетма-кетликни аниқлаш; бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилашдан иборат.

**Ўқув фаолиятидан кутилаётган натижалар:** бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг зарурлигини асослаш; ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжудлиги; миллий тараққиёт даврини турли босқичларга ажратишнинг аҳамияти ва мезонлари; миллий тараққиёт босқичларида эришилган натижаларни баҳолаш кўрсаткичлари; миллий тараққиёт босқичлари учун белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилганлик даражасини баҳолаш.

**Кейснинг муваффақиятли ҳал этилиши учун** бозор муносабатларига ўтиш даври ва унинг турли босқичлари; ўтиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар тизими; миллий тараққиёт даврини турли босқичларга ажратиш кўрсаткич ва мезонлари; миллий тараққиёт ҳар бир муайян босқичининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида билимларга эга бўлиш тақозо этилади.

## **ВАЗИЯТ**

### **1. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **1.1. «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Марказлашган маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишда мақсад бир хил бўлса-да, турли мамлакатлар турли йўлларни танлашлари мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишнинг революцион ва эволюцион йўллари мавжуд. Польша, Чехословакия, Россия ва бошқа айрим мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион йўлини, бирданига катта тўнтаришлар қилиш йўлини танладилар.

Ўзбекистонда эса ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда аста-секинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланди.

«Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз Республика нинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудхиш меросига барҳам беришга асосланади»<sup>2</sup>, деб ёзади мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий-йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган:

- иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш;
- ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;
- бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланиши, қонунлар устунлигининг таъминланиши;
- бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш.
- бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, 101-102-бетлар.

## **1.2. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ТАМОЙИЛИНИНГ МАЗМУНИ**

Бозор муносабатларига ўтишда юқорида қайд этилган тамойилларнинг ҳаммаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли хуқуқий негизни, бозор инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вакт керак бўлади.

Бундан ташқари, бозор муносабатларига ўтиш фақатгина иқтисодиёт соҳаларини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлган барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, майший ва бошқа соҳаларни ҳам тубдан ўзгартиришни тақозо қиласди. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим ва афзал эканлигини кўрсатади.

## **1.3. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ, УЛАРНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ фарқлаш, бу босқичларнинг ҳар бири учун аниқ мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қиласди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида **бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида** қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- Республиkanинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини хисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш<sup>3</sup>.

Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

- ўтиш жараёнининг хуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-хуқуқий негизини мустаҳкамлаш;
- маҳаллий саноат, савдо, майший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 19-бет.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва устун йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

**Иккинчи босқичда** инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилади. Шу мақсаддан келиб чиқиб И.А.Каримов мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни кўрсатиб берди:

- давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш<sup>4</sup>.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилди.

#### **1.4. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганлариdek, ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир»<sup>5</sup>. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;
- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулқдорлар синфини шакллантириш;
- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай хуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998. 332-333-бетлар.

<sup>5</sup> Қаранг: И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000, 15-бет.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимиға кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;
- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

## **2. ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИНИНГ**

### **МАЗМУНИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ**

Ҳар қандай даражадаги ислоҳот мавжуд тартиб, шарт-шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг эски – нотўғри асосга қурилган, истиқболсиз тизимидан бутунлай янги – ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтилиши эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Шунга кўра, жамият аъзолари томонидан мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, уларда фаол иштирок этиш учун уларнинг «ҳаёт фалсафаси» ҳам ўзгариши лозим. Бу эса ислоҳот жараёнларининг секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади. Қолаверса, тараққиётнинг юқори босқичларига эришиш учун ислоҳотларнинг маълум қўйи даражаси навбатдаги юқори, мураккаб даражаси учун маҳсус шарт-шароит, заминни тайёрлаши лозим.

Шунга кўра, Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг ўзига хос моделидаги муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ҳисобланади.

Ана шу моделдаги «босқичма-босқич» тамойилининг реал ҳаётдаги аҳамияти шунда бўлдики, уни амалиётда қўллаш, бир томондан, ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишда мамлакатимизнинг имконияти ва халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни янги юзага келган шарт-шароитларга «мослаштириб бориш» орқали ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш; иккинчидан, ўтиш даврида давлат ва бошқарув тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг дунёқараши ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда уни демократик асосда шакллантириш; учинчидан, «босқичма-босқич» тамойилининг қўлланилиши мамлакатимизда бошқа бир қатор мамлакатлар ўз бошидан кечирган ички социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг олдини олиш; тўртинчидан, мамлакатда мавжуд бўлган муаммолар комплекси ичидан биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган асосийларини белгилаб

олиш, уларни ҳал қилиш учун барча кучларни йўналтириш имкониятларини берди.<sup>6</sup>

Ислоҳотларнинг дастлабки босқичи тоталитар тузумдан замонавий бозор муносабатларига ўтишга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг бошланғич даврини ўз ичига олиб, унда асосий эътибор маъмурӣ-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгис, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг асослари шакллантирилди.

Навбатдаги босқич инвестиция фаолиятини кучайтириш, чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш даври ҳисобланади. Унда асосан хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютанинг қадрини яна ҳам мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш каби вазифалар ҳал этилди.

Умуман олганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши ҳам амалга оширилган чора-тадбирларнинг босқиччилиги билан тавсифланади. Жумладан, мулкий муносабатларни ислоҳ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўйича босқичма-босқич амалга оширилди. Агарар соҳадаги ислоҳотлар эса маъмурӣ-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб колган давлат хўжаликларини дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра ширкат хўжаликларига айлантириш, кейинчалик муайян шарт-шароитлар, замин тайёрлангандан сўнг, уларни фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантиришдан иборат бўлди. Нарх ислоҳоти ҳам нархларни эркинлаштиришнинг бир неча босқичларини ўз ичига олди: дастлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги ҳалқ истеъмоли моллари нархи эркинлаштирилиб, аҳолининг кундалиқ эҳтиёжида муҳим ўрин тутувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси давлат томонидан белгилаб қўйилди. Кейинчалик, миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг барқарорлашиши билан деярли барча товарлар нархлари эркинлаштирилди.

Янги XXI асрнинг бошларига келиб, Президентимиз И.А. Каримов мамлакатимиздаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ҳалқ турмуш

<sup>6</sup> Отамуратов С. Ҳозирги босқичда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг долзарб вазифалари / «Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2005 йил 19-20 май. ТКТИ. – Т., 2005, 9-б.

даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз худудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди.

2007 йилнинг 30 августида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиланган қўшма мажлисидаги маъruzасида Республиказнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимида турган вазифаларнинг маъномоҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлишини таъкидлаб ўтди. Бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллашини билдири.



### **1-чизма. Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали эришилган натижалар**

Жумладан, дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эгалиги эътироф этилди. Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ долзарб ва муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди.

Белгиланган вазифаларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши натижасида ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш борасида бир қатор салмоқли ва аҳамиятли натижалар қўлга киритилди (1-чизма).

Иккинчи босқич 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб номланди. Ушбу даврда қуидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилди ҳамда муҳим вазифалар амалга оширилди:

Натижада, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим натижалар кўлга киритилди.



## **2-чизма. Миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичининг муҳим дастурий вазифалари**

Миллий тараққиётимиз йўлида босиб ўтилган тарихий довон мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларининг ҳаётга кириб келиши учун ҳар томонлама мустаҳкам замин тайёрлади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир.<sup>7</sup>

Энг муҳими, ҳали миллий тараққиётимиз иккинчи даврининг ўз мантиқий якунига етмаганлиги, балки мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги босқичи изчил давом этаётганидир.

<sup>7</sup> Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август, №173, 3-б.

Президентимиз ўз маъруzasида ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифаларини белгилаб берди (2-чизма).

Бундан кўринадики, миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равища амалга оширилади.

### **III. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**Муаммо:** бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилаш.

**Топшириқлар:**

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг алоҳида босқичлари мақсад ва вазифаларини кўрсатинг ва ўзаро такқосланг.
2. Миллий тараққиёт босқичлари бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларидан қайси жиҳатларига кўра фарқланишини изоҳланг.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларини баҳолашда умумий ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган кўрсаткич ва мезонлар тизимини шакллантиринг.

#### **III.1. ҲАЛ ЭТИШ АЛГОРИТМИ**

**1. «Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг биринчи босқичида амалга оширилган вазифалар» ҳолати таҳлили жадвалини тўлдиринг.**

**Баҳолаш мезонлари** – қисқа ва аниқлик, ҳолат баёни матнидаги баъзи ўринлардан фойдаланиш.

<i>№</i>	<i>Асосий йўналишлар</i>	<i>Амалга оширилган вазифалар</i>
1.	Давлат ва жамият қурилиши	
2.	Жаҳон майдонига чиқиш	
3.	Хукуқий асосларни таъминлаш	
4.	Маъмурий ва институционал ислоҳотлар	
5.	Хукуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлаш	
6.	Миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш	
7.	Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш	

8.	Бозор институтларини шакллантириш	
9.	Молия-банк тизимини шакллантириш	
10.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	

**2. Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг иккинчи босқичида амалга оширилган вазифалар таҳлили жадвалини тўлдиринг.**

<i>№</i>	<i>Асосий йўналишилар</i>	<i>Амалга оширилган вазифалар</i>
1.	Давлат ва жамият курилиши	
2.	Ҳуқуқий асосларни таъминлаш	
3.	Маъмурий ва институционал ислоҳотлар	
4.	Ҳуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлаш	

**3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини ўзаро таққосланг.**

<i>№</i>	<i>Мезонлар</i>	<i>Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари</i>	<i>Миллий тараққиёт босқичлари</i>
1.	Умумий жиҳатлари:		
	- даврийлиги		
	- мақсади		
	- вазифалари ва ҳ.к.		
2.	Узаро фарқли жиҳатлари		
	- даврийлиги		
	- мақсади		
	- вазифалари ва ҳ.к.		

## **III.2. ТАЛАБАЛАРНИНГ КЕЙС-СТАДИ БИЛАН МУСТАҚИЛ ИШЛАШИ БҮЙИЧА КҮРСАТМА**

<b>Ишни бажариш босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишув	Дастлаб кейс билан танишиб чиқинг. Ўқиши давомида ҳолатни дархол таҳлил қилишга уринманг.
2. Келтирилган ҳолат билан танишув	Ахборотни яна бир бора диққат билан ўқиб чиқинг. Ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган ўринларни белгилаб олинг. Ҳолатни баён этишда қўлланилган далилларни санаб ўтинг.
3. Асосий муаммони асослаш, шакллантириш ва очиб бериш	Асосий муаммо нимадан иборат?
4. Ҳолатни диагностика ва таҳлил қилиш	Муаммо қандай даражада ҳал этилишини аниқланг. Саволга жавоб беринг: муаммони мазкур шароитда ҳал этиш мумкинми?
5. Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини танлаш ва асослаш	Муаммони ҳал этиш йўлларини кўрсатинг ва асосланг.

Кейс билан ишлаш натижаларини тезис шаклида ёзма ҳолда ифодаланг.

### **Ёзма иш талаблари**

1. Иш тезис шаклида А4 стандарт ўлчамдаги қофознинг бир томонида ёзилган бўлиши керак (3 бетдан ошмаслиги лозим).
2. Ишни расмийлаштириш:
  - биринчи бетнинг юқоридан ўнг томонида талабанинг исми-шарифи, фамилияси ва гурух рақами ёзилган бўлиши керак;
  - қуйида ўртадан кейс мавзусининг номи ёзилади;
  - давомидан кейс билан ишлаш натижалари тезис шаклида баён этилади.

**III. КЕЙС БИЛАН ИШЛАШНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ  
(АУДИТОРИЯДАГИ ВА АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ  
МУСТАҚИЛ ИШ)**

**Аудиториядан ташқари мустақил ёзма ишни баҳолаш  
кўрсаткич ва мезонлари**

Талабанинг Ф.И.Ш.	Баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари (балларда)			
	1. Асосий муаммо шакллантирил- ган, таҳлил қилинган ва очиб берилган (max. 6)	2. Муаммони ҳал этиш даражалари белгиланган (max.4)	3. Муаммони ҳал этиш йўллари аниқланган ва асослаб берилган (max.10)	Жами (max. – 20)
1.				
2.				
3.				
4.				

**Аудитория иши (мунозара)ни баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари**

Иштирокчи-ларнинг Ф.И.Ш.	Баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари (балларда)				
	Мунозарада ўз фикарларини баён етишнинг изчиллиги, мантиқийлиги, аниқлиги, далиллар билан асосланганлиги (max.1)	Муаммони ҳал этиш бўйича муқобил йўлларнинг таклиф етилиши (max. 1)	Хулосалар- нинг аниқ шаклланти рилганлиги (max. 0,5)	Мунозара жараёнидаг и фаоллик (max. 0,5)	Жами: (max. – 3,0)
1.					
2.					
3.					
4.					

## **IV. КЕЙСНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВАРИАНТИ**

### *Кейснинг муаммоси ҳақида*

Асосий муаммо Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилашдан иборат.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилашда қўйидаги қийинчиликларга дуч келиш мумкин:

- бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларини белгиловчи мезон ва кўрсаткичларнинг аниқ ишлаб чиқилмаганлиги;
- миллий тараққиёт босқичларини белгиловчи мезон ва кўрсаткичларни ўзаро таққослаш учун етарли эмаслиги;
- миллий тараққиёт кейинги босқичларининг ҳали якунланмаганлиги;
- ушбу босқичларни ўзаро таққослаш кўрсаткичларининг тўғри танланмаганлиги;
- баъзи бир жиҳатларни таққослашда статистик маълумотларнинг етарли эмаслиги.

### *Муаммони ҳал этиший йўллари:*

- бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларини белгиловчи мезон ва кўрсаткичларни янада такомиллаштириш, айниқса микдорий кўрсаткичлар ҳисобига кенгайтириш;
- миллий тараққиёт босқичларини белгиловчи мезон ва кўрсаткичларнинг аниқлик даражасини ошириш;
- миллий тараққиёт кейинги босқичларида амалга оширилган вазифалар ва қўлга киритилган натижаларни кенг таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини белгилашда статистик маълумотлардан кенг ва самарали фойдаланиш.

## Саволлар, топшириқлар ва уларга жавоблар

### 1. Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг биринчи босқичида амалга оширилган вазифалар таҳлили

<i>№</i>	<i>Асосий йўналишилар</i>	<i>Амалга оширилган вазифалар</i>
1.	Давлат ва жамият қурилиши	Эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш
		Давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимиға барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этиш;
2.	Жаҳон майдонига чиқиши	Сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиҳдий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш
		Ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш ва ҳ.к.
3.	Хуқуқий асосларни таъминлаш	Асосий қомус – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш
4.	Маъмурий ва институционал ислоҳотлар	Туб маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатищ, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилиш – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институтини жорий этиш. Маҳаллий ўзини-ӯзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш
5.	Хуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлаш	Судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан конун устуворлиги ва инсон хукуклари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш
6.	Миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш	Қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиласиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқaro террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизимини шакллантириш
		Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларни шакллантириш
7.	Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш	Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигига эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш

8.	Бозор институтларини шакллантириш	Бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат мухитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмини ишга тушириш
9.	Молия-банк тизимини шакллантириш	Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиши
10.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	Кучли ижтимоий сиёsat юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишининг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш

## **2. Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг иккинчи босқичида амалга оширилган вазифалар таҳлили**

<i>№</i>	<i>Асосий йўналишлар</i>	<i>Амалга оширилган вазифалар</i>
1.	Давлат ва жамият курилиши	Ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш
2.	Хуқуқий асосларни таъминлаш	Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси икки палатали парламентга айлантирилиши
3.	Маъмурий ва институционал ислохотлар	Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, аввалимбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши
4.	Хуқуқ-тартибот тизимини мустаҳкамлаш	Суд-хуқуқ тизимини хуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чукур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ қилиниши ва ҳ.к.

## V. ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### **Семинар машғулотида кейс-технологиядан фойдаланиш**

Мавзу	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш ва илмий прогнозлашнинг роли
Талабалар сони: 25 нафаргача	Вақти – 2 соат
Ўқув машғулоти шакли	Кейс-стади усулини қўллаган ҳолда билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар
Ўқув машғулоти таркибий тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқув машғулотига кириш.</li> <li>2. Блиц-сўровдан фойдаланган ҳолда билимларни фаоллаштириш.</li> <li>3. Гурухларда ишлаш, тақдимот тайёрлаш.</li> <li>4. Тақдимотлар, кейсни жамоа бўлиб муҳокама қилиш.</li> <li>5. Якунлаш. Талабалр фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.</li> </ol>
Ўқув машғулоти мақсади:	иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни илмий прогнозлаш усул ва воситаларини ўрганиш; кичик бизнес инфратузилмаси ривожланишини илмий прогнозлаш; илмий прогнозларнинг тўғри амалга оширилганлигини баҳолаш.
Ўқитувчининг вазифалари:	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бозор муносабатларига босқичмабосқич ўтишнинг зарурлигини асослаш;</li> <li>- ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжудлиги;</li> <li>- миллий тараққиёт даврини турли босқичларга ажратишнинг аҳамияти ва мезонлари;</li> <li>- миллий тараққиёт босқичларида эришилган натижаларни баҳолаш кўрсаткичлари;</li> <li>- миллий тараққиёт босқичлари учун белгиланган мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилганлик даражасини баҳолаш;</li> <li>- бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари ва миллий тараққиёт босқичларининг умумий ва ўзаро фарқли жихатларини ажратиш.</li> </ul>
- мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш чуқурлаштириш;	
- кейс билан мустақил ишлаш кўниммаларини ҳосил қилиш;	
- ўқув билимларини тизимга солиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш кўниммаларини шакллантириш;	
- ўз нуқтаи назарини асослаш ва ҳимоя қилиш, мунозарада иштирок этиш маданияти, ўзаро фикр алмашиш кўниммаларини	

ривожлантириш.	
Ўқитиши усули	Кейс-стади, мунозара
Ўқитиши воситаси	Кейс, услугбий кўрсатмалар
Ўқитиши шакллари	Якка тартибда, жамоа бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш
Ўқитиши шароитлари	Одатдаги аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, блиц-сўров, балл орқали баҳолаш

### Семинарнинг технологик картаси

Ишни бажариш босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	талабалар
Тайёргарлик босқичи	<p>Талабаларга якка тартибда танишиб чиқиш ва ҳал этиш учун кейс материалларини тарқатади.</p> <p>Кейснинг аҳамияти ва унинг иқтисодий билимларнинг ривожланишига таъсирини тушунтиради.</p> <p>Мазкур семинарда иш тартиби билан таништиради.</p>	Танишадилар.
1-bosqich. Ўқув машғулотига кириш (15 мин)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади, вазифалари ва ўқув фаолиятининг режалаштирилган натижаларини сўзлаб беради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётiga ўтишнинг қандай босқичлари мавжуд?</li> <li>2. Миллий тараққиёт босқичлари бозор иқтисодиётiga ўтиш босқичларидан қайси жиҳатларига кўра фарқланади?</li> </ol>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-bosqich. Асосий қисм (50 мин)	<p>2.1. Эътиборни кейсда қўйилган муаммо, ундаги топшириқларга қаратади.</p> <p>2.2. Ўқувчиларни гурухларга ажратади. Топшириқ беради: Ўзбекистонда миллий тараққиёт босқичларининг бозор иқтисодиётiga ўтиш босқичлари билан умумий ва ўзаро фарқли жиҳатларини баҳолаш. Тақдимотга тайёрланиш.</p>	<p>2.1. Саволлар берадилар,</p> <p>2.2. Гурухларда ишлайдилар.</p> <p>2.3. Биргаликдаги ишларининг тақдимотини</p>

	<p>2.3. Кейс бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш натижаларини биргаликда мухокама қилишни ташкил этади.</p> <p>2.4. Мунозара давомида қўшимча саволлар беради (1-илова).</p> <p>2.5. Тақдим этилган ечимларнинг ўзаро баҳоланишини ташкил этади.</p>	<p>намойиш этадилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.5. Баҳолайдилар.</p>
3-босқич. Якунлаш, таҳлил ва баҳолаш (15 мин)	<p>3.1. Натижаларни умумлаштиради.</p> <p>3.2. Тавсия этилган ечимларни изоҳлайди.</p> <p>3.3. Мунозара иштирокчилари ишларини баҳолайди.</p> <p>3.4. Кейснинг аҳамияти ҳамда унинг келгусидаги қасбий фаолиятга таъсирини яна бир бор таъкидлайди.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар.</p> <p>3.2. Тинглайдилар.</p> <p>3.3. Тинглайдилар.</p> <p>3.4. Ўз фикрларини билдирадилар.</p>

## 1-илова

### Қўшимча саволлар ва топшириқлар:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари) ни таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.

2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?

3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.

4. Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилди? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. Бозор муносабатларига ўтища иқтисодий ислоҳотлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.

6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.

7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.

8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикаизда иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

---

---

## **ИСРАИЛОВА Ш.Т.**

**«Тармоқ ва корхона иқтисодиёти назарияси»  
фанидан «Корхона (фирма) да ходимлар меҳнатига  
ҳақ тўлашни ташкил этиш, меҳнат унумдорлиги»  
мавзусида**

## **КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «САҒБОН» хусусий корхонасида меҳнат  
унумдорлигини ошириш нимага боғлиқ?»***

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Тармоқ ва корхона иқтисодиёти назарияси”.

**Мавзунинг номи:** Корхона (фирма) да ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, меҳнат унумдорлиги” мавзусига мосланган кейс.

Фойдаланувчилар: 1- курс магистратура талабалари.

**2 Берилган кейснинг мақсади:** Талабаларда мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш, корхоналарда ёш мутахассис ходимларга қўшимча иш ҳақи тайинлаш мезонларини таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш;

Кутилаётган натижалар: мавзу бўйича талабалар билимини чуқурлаштириш, корхона фаолиятини ўрганган ҳолда, билимни чуқурлаштириш, мутахассиларни, ишчиларни лавозимларга тайинлаш, мутахассисларни ўзаро рақобатларининг таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейсни муваффақиятли ечиш учун талабалар **қўйидаги натижаларга** эришишлари лозим: иш ҳақи нимага асосланган ҳолда белгиланиши, номинал иш ҳақи ишчининг хаёт фарофонлигига таъсири, тариф тизимини, тариф сеткасини ўрганиш, тариф ставкаси белгиланиши нимага асосланганлигини, меҳнат муносабатлари ўрганиш;

**Кейсни муваффақиятли бажариш учун талаба қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:** иш ҳақини тартибга солиб турувчи меъёрий хужжатларни билиши, иш ҳақи шаклларининг қанақанги турлари борлигини, энг кам иш ҳақи миқдори қанчалигини, иш ҳақини ҳисоблашда нималарга эътибор бериш кераклигини, иш ҳақини оширишда касаба уюшмаларининг роли, бозор муносабатлари шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилишда тариф тизимининг аҳамияти,корхона фаолиятида меҳнат муносабатларини тўғри ташкил қилишни аҳамияти.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг** реал фаолият асосида ишлаб чиқилган ҳисобланади .

**5. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қўйидагилардан иборат:**

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон Республикаси
- <http://www.press-service.uz>. – Ўз.Р Президенти матбуот марказининг ахборот сайти.
- <http://www.stat.uz>. - Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитасининг сайти.
- Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини 2007 йил 16 ноябрдан ошириш тўғрисида”ги ПФ – 3931- сонли Фармонига

мувофиқ ноябр ойи учун мансаб маошлари миқдорини хисоб-китоб қилиш борасидаги 2007 йил 31 октябрдаги 11/3041 – сонли тушунтириш хати ҳамда ягона таъриф сеткаси бўйича таъриф ставкаларининг миқдори, корхонадаги ёш мутахассислар меҳнат фаолияти, энг кам иш ҳақи бўйича маълумот, таъриф тизими асосида.

**Мазкур кейс кабинетли тадқиқотлари** асосида сюжетли тоифага киради. Ҳолат корхонанинг таҳлилий қўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: Корхона тўғрисидаги маълумотларга асосланади. У тузилмавий ва ўрта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

**Дидактик мақсадларга кўра** кейс – ҳолатни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Баъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

**Кейснинг афзалликлари га қўйидагилар киради:** Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиши бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи “Ҳолатий таҳлил варақаси” мавжуд.

Ушбу кейс – Магистрлик дастурига киритилган барча иқтисодий фанлар, айниқса “Тармоқ ва корхона иқтисодиёти назарияси”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Бухгалтерия хисоби” фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида барча мамлакатлар каби аҳолини турмуш даражасини яхшилаш хаёт фаровонликларини ошириш мақсадида иш ҳақини ошириш, меҳнат шароитларини қулай ҳолатга келтириш ва такомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

“Сағбон хусусий корхонасида меҳнат унумдорлигини ошириш нимага боғлиқ?” номли кейсда худди шу вазият келтирилган бўлиб, талабалар томонидан уни хал этиш, ечиш кўникмаларини ҳосил қилишга каратилгандир.

Мазкур кейсда ушбу корхонадаги ходимларнинг маошларини ошириш ва бошқа лавозимларга кўтариш бўйича муаммоларни ҳал этиш стратегияси ишлаб чиқиш, ҳамда уларнинг ечишига ёрдам беради.

Кейсда масаланинг ечими орқали қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- иш ҳақи терминига тўғри таъриф бера олади;
- номинал ва реал иш ҳақларини бир биридан фарқини билади ва реал иш ҳақи миқдорини аниқлай оладилар;
- таъриф тизимини, таъриф сеткасини, таъриф разрядларини билиб олади;
- иш ҳақини ҳисоблаш усулларини билиб оладилар;
- иш ҳақини тўғри ҳисобланганлиги текшира оладилар;
- меҳнат шартномаси, меҳнатни рағбатлантириш ва жавобгарлик, ижтимоий имтиёзлар, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат низолари тўғрисидаги умумий қоидаларни биладилар.

### **Корхонада меҳнат унумдорлигини оширишда малакали мутахассислар ўрни ва аҳамияти.**

Корхонанинг ходимларни бошқариш бўйича менеджер бўлиб ҳисобланасиз. Корхонада икки йил аввал сиз турли таълим муассасаларини битирган бир гуруҳ ходимларни ишга қабул қилгансиз. Бугун мажлисда барча бўлим бошлиқлари билан сухбатлашиб улар тўғрисида қисқача маълумот олдингиз.

Тизимни таҳлил қилиш бўйича Нозлия Раимова корхона ичida малака оширишдан ўтган ва шу соҳада ўз ишини давом эттиromoқчи. Бундай гуруҳ таҳлилчisi (аналитик) учун у ўртacha кўрсаткичга эга. Агар ўртacha даража билан, яъни унинг эътиборлилиги ва тезлиги 80% ни ташкил этади. У ўзининг бўлимида энг секин ишлайди, лекин, корхонада

таҳлилчилар етишмайди. Ишчи кучи бозорида эса улар, таҳлилчилар кам ва таҳлилчиларни ўртacha ойлиги жуда ошиб кетган.

Маркетинг бўлимида таъминот бўлимида Мохина Азимова ёрдамчи бўлиб ишлайди. Унинг талабчанлиги баъзиларга ёқмайди, лекин кўпчилик уни ўз олдига конструктив (аниқ мақсадга йўналтирилган) мақсадларни қўйган очик кўнгили, тиниб-тинчимас, келишган ёш инсон сифатида билади. У нимани таклиф қиласа ҳам бирламчи мазмунга эга. Бироқ, у ўз сўровномаларини ҳаммага эълон қилмасликка мойилроқ, шунинг учун унинг қарорлари қойилмақом бўлиб ҳисобланмайди. У жуда эътиборли.

Таъминот бўлими ёрдамчиси Сарвар Хамраев. У жуда босик, келишган ва мулохазали йигит. Хар қандай лойиҳа устида жуда маъсулият билан ишлайди ва ҳаммасини эринмасдан бирма-бир тарозга қўйиб чиқади. У сўзсиз ишончга лойиқ. У ажойиб ёрдамчи. Иш жараёнига янгиликларни тадбиқ қилиб ўз ташаббусини кўрсатди. Йиллик режанинг бажарилиши текширилганда 100% бажарганлиги аниqlанди. Бироқ сиз уни янада юқорироқ лавозмларга кўтарилиши учун ётарлича қобилият ва билимга эга эканлигини ҳал этишингиз керак.

Шуҳрат Расулов корхонанинг жуда хавфли цехларидан бирига жавоб беради. Бу цехда ишловчи эркаклар қўпол ва кўп гапирмайдиганлар хилидан. Улар юқори қўшимча ҳақ олаётганлари учунгина ушбу цехда ишлайдилар. Дониёр ўз ишини таъминот бўлимда ишловчи ўртоқлари билан солиштирганда унинг иши анчагина оғирроқ эканлигини билади ва раҳбарият буни ҳисобга олишларига умид қиласди. У яхши натижаларга эришди. Лекин, цех жамоаси уни яна икки ёки уч йил шу лавозимда ишлашини ҳоҳлайдилар.

Собит Асомов инженер-электрик. Технология, шунингдек, назорат тизими бўйича мутахассис. У фирма ичида малака оширишдан ўтган, унинг технологияни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва малакаси жуда ҳам ахамиятли бўлиб ҳисобланади. У жуда ҳам харакатчан лекин афсуски инсонларга, уларни бошқаришга бўлган қизиқиши паст, бу эса раҳбарият ва цехнинг норозилигига сабаб бўлади. “У инсонларни бошқара олиш қобилиятига эгами?” деган масалани ҳал этиш керак.

Илҳом Пардаев Инженер. У жуда қобилиятли йигит. Тўрт ойдан буён бу цехда бўлими бошлигининг ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Бу бўлимда у биринчи бўлиб олий маълумотга эга эканлиги бўйича диплом олган, бу эса дипломга эга бўлмаган янада малакалироқ ҳамкасларига ёқмайди. Улардан ўтиб кетганлиги учун уни “Оқ қарға” дейишади. Шунингдек Искандар ҳам улар билан ҳар доим ҳам келишиб кетавермайди, бу эса унга қийинчилик туғдиради. Бунга қарамай у ўз ўрнини бўш қолдирмади, аксинча ўзининг довюраклиги ва қаттиятлиги туфайли секин-аста муассасининг раҳбарлари доирасига кириб боряпти.

Жасур Ризаев техник тадқиқотлар бўлимида ишлайди. Унинг ҳамкаслари ҳам худди шундай маълумотли, уни яхши қабул қилишди.

Жасур – ўз соҳасида жуда ҳам қойилмақом мутахассис ва унинг жамоавий ишга қўшаётган ҳиссаси жуда ҳам катта. Фарход ўз мавқеидан қониқади ва шу сабабли у юқори мансабларга интилмайдиганга ўхшайди.

Бир йилдирки Ботир Алимов сотиш бўйича худудий назоратчи (инспектор) бўлиб ишлайди. У ўн тўртта сотувчига раҳбарлик қиласди. Унга бўйсунувчилар анча катта ва малакалидирлар ва у уларнинг кўз олдиларида яхши иш юритувчи сифатида намоён бўлиш учун анча қийинчиликларни босиб ўтди. Унинг меҳнати натижалари раҳбарият томонидан маъқулланди. Унинг қўл остидагилар эса унинг малакасини етишмаслиги яхши назарий билимга эгалиги билан қопланади деб ҳисоблайдилар. Бу эса алоҳида мижозлар билан баъзи холатларда ўзаро муносабатларни яхшилашга ёрдам беради.

Тизимни таҳлил қилиш бўйича корхона ичида Фарида Усмонова малака оширишдан ўтган ва шу соҳада ўз ишини давом эттирмоқчи. Бундай гурух таҳлилчиси (аналитик) учун у ўртача кўрсаткичга эга. Агар ўртача даражা билан, яъни унинг эътиборлилиги ва тезлиги 80% ни ташкил этади. У ўзининг бўлимида энг секин ишлайди, лекин, корхонада таҳлилчилар етишмайди. Ишчи кучи бозорида эса улар, таҳлилчилар кам ва таҳлилчиларни ўртача ойлиги жуда ошиб кетган.

Бошқарув бўлимида Малика Сатторова бухгалтер бўлиб ишлайди ва бухгалтерия таҳлили бўйича имтиҳон топширишга тайёргарлик кўряпти. Жамоа унга хайрихохлик билдириб, бўш вақт ажратиб беряпти. Бир йилдан кейин унда иккита диплом бўлади. Ҳозирда унинг натижалари яхши эмас ва ишлашга бўлган хохиш маълум даражада пасайган, лекин, ўзига юклатилган йиллик режани тўлиқ бажариб келади. Молиявий масалалар бўйича бошлиқ билан гаплашганда унинг отаси уч ой аввал оламдан ўтганлиги ва онаси, синглиси унинг қарамоғида қолганликлари маълум бўлди. Унда ҳозир молиявий қийинчиликлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш цехига Феруза Ибрагимова жавоб беради. У яхши натижаларга эришган. Уни бунга қобилияти борга ўхшайди. У ўзи ҳақида “Мен бу ерда каръера учун ишлайман, бу лавозимда узоқ қолиш ниятим йўқ”- дейди, ички тартиб-қоида жуда ҳам қатъий амал қиласди. Фарида ўзининг бошлиғига янада юқорироқ лавозимни эгалламоқчи эканлиги ҳақида мурожат қилди.

### **Кейс бўйича саволлар ва топшириқ:**

1. Ишга қабул қилинган вақтда барча ёш мутахассисларга таъриф сеткасини 12-разряди бўйича бир ҳил маош белгиланган. Бир йилдан кейин иш ҳақи 5% оширилди (инфляцияни ҳисобга олмаган ҳолда). Ҳозир иш ҳақини кўриб чиқиши навбатдаги вақти келди. Эдни сиз тўлиқ мустақиллик сиёсатига эътибор қаратиб, уларни ишга бўлган қизиқишиларини ортирган ҳолда ҳар бирларига қўшимча ойлик

белгилашингиз керак. Сизнинг ихтиёргизда барча ёш мутахассислар учун, умумий иш ҳақи фондининг 5,5% миқдоридаги маблағ мавжуд.

2. Шунингдек сиз уларни эришган натижаларини, ўзларини намоён этиш ва малакасини оширишлари бўйича алоҳида режалар тузиш мақсадида, таҳлил қилишингиз керак.

3. Ҳолатни иккита вариантда таҳлил қилинг:

- а) тармоқда мутахассислар етарли эмас;
- б) тармоқда ишсизлик мавжуд.

4. Улар хаммалари бир-бирларини билишади ва ҳар бирлари бўйича қабул қилинган қарорларни муҳокама қилишади.

5. Сизнинг мақсадингиз – қарорларни тўғрилигини асослаш. Иш ҳақини оширилиши, уларнинг меҳнатлари натижаларига мос келиши керак.

### ***Топшириқ.***

1.Ҳолатни иккита вариантда таҳлил қилинг;

а)тармоқда мутахассислар етарли эмас;

б)тармоқда ишсизлик мавжуд;

2.Улар хаммалари бир-бирларини билишади ва ҳар бирлари бўйича қабул қилинган қарорларни муҳокама қилишади.

3)Сизнинг мақсадингиз – қарорларни тўғрилигини асослаш.Иш ҳақини оширилиши.уларнинг меҳнатлари натижаларига мос келиши керак.

Илова- 1

### ***Илова – 2. Корхонадаги штат бўйича маълумот.***

Штат бўйича 25 та ишчи ва хизматчилар мавжуд.

Умумий бир ойлик иш ҳақи фонди 7061318 сўм.

## **МЕҲНАТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЖАВОБГАРЛИК**

1. Иш берувчи хамма тоифадаги ходимларга меҳнатга хак тулашнинг Республикада белгиланган энг кам иш хакидан кам булмаган миадорда белгилашни таъминлайди.

2. Меҳнатга хак тулаш шакли ва тизими касаба уюшмаси кумитаси билан келишилган холда иш берувчи томонидан тасдикланган «Сағбон» хусусий корхонасида меҳнатга хак тулаш ва мукофотлаш тугрисида»ги Низомда белгиланади.

3. Ходим меҳнатига хак тулашнинг аник микдори меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи уртасидаги келишувга кура белгиланади.

4. Иш берувчи ходимларга:

- ойнинг биринчи ярми учун - хар ойнинг 18 санасида;
- ойнинг иккинчи ярми учун - хар ойнинг 3 санасида иш хаки ни тулаш мажбуриятини олади.

4. Муассасада меҳнатнинг нормал шароитидан четга чикилганда, тарафлар меҳнатга хак тулашни куйидаги тартибда амалга оширишга келишдилар:

- тунги вактдаги ва иш вактидан ташкари, дам олиш кунларидағи иш учун конун хужжатларида назарда тутилган тартибда;

5. Меҳнатга хак тулашнинг якка тартибдаги шартларини узгартириш ва иш хакидан ушлаб колиш конун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

6. Иш берувчи куйидаги холларда ходимнинг иш жойи ва уртacha иш хаки ни сакдаб колади:

- ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вактида, иш берувчининг ва меҳнат жамоасининг манфаатлари йулидаги вазифаларни бажарганда, хамда ходим жамият манфаатлари йулида харакатлар килганда;

- соглиги холатига кура енгилрок ёки нокулай ишлаб чикариш омилларининг таъсиридан холи булган камрок хак туланадиган ишга утказилганда, шундай ишга утаазилган кунидан бошлаб икки хафта мобайнида;

- уч ёшга тулмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин булмаган такдирда, боласи уч ёшга тулгунга кадар аввалги ишидаги уртacha ойлик иш хаки сакланган холда енгилрок ёки нокулай' ишлаб чикариш омилларининг таъсиридан холи булган ишга утказишида.

8. Тиббий текширувдан ўтадиган куни ва куйиш учун кон топширадиган куни иш берувчи ходимларга монъеликсиз рухсат бериши шарт. Кон топширувчи ходимнинг хохишига кура, шу куни унинг таътилига кушилиши мумкин.

Юкорида кайд этилган хрлларда ходимларнинг уртacha иш хаклари сакланади.

9. Иш берувчининг айбдор ходимдан етказилган заарни ундириши Ички меҳнат тартиби коидалари асосида амалга оширилади.

#### **Илова - 4**

#### **Мутахассисларга қўшимча иш ҳақини тақсимлаш мезонлари:**

<b>№</b>	<b>Иш кўлами</b>	<b>100 % ҳисобидан</b>
1	Ииллик режанинг бажарилиши	20%
2	Байрам кунларида иш соатидан ортиқча ишлаганликлари учун	20%
3	Иш жараёнига янгиликларни тадбиқ қилгани учун	20%
4	Ички тартиб-интизомга қатъий амал қилганлиги учун	20%
5	Малака оширишдан ўтганлиги учун	20%

## Ахоли пул даромадлари таркиби<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	Жамига нисбатан фоизда		Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда	
	2004	2005	2004	2005
Пул даромадлари, жами	100	100	118,7	129,7
Жумладан:				
Иш ҳақи	27,3	29,4	120,5	139,8
Пенсиялар, нафақалар, стипендия-лар	13,7	14,6	143,0	137,5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромадлар	29,2	26,0	116,7	115,5
Тадбиркорлик фаолиятидан олин-ган ва бошқа даромадлар	29,8	30,0	110,3	130,8

### III. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР

#### **Муаммо:**

Ишчи-ходимларга иш ҳақини таъриф тизимиға асосланган ҳолда белгилаш ва юқори лавозимларга кўтариш.

#### **Вазифалар:**

- Иш ҳақи тўғрисида турли назарияларни ўрганиш.
- Энг кам иш ҳақи миқдори аниқлаш.
- Номинал ва реал иш ҳақини ўрганиш ва улар ўртасидаги фарқларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
- Таъриф тизмини, таъриф сеткасини, таъриф разрядини, таъриф ставкасини аниқлаш ва таъриф малака маълумотномасини ўрганиш.
- Ойлик маошларни хисоблашни ўрганиш.

#### **Муаммони ҳал қилиш алгаритми**

1. Берилган вазиятни ўрганиш ва масалани ечиш учун зарур маълумотларни аниқлаш? Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: нима юз бераяпти?
2. Берилган вазиятни таҳлил қилинг, муаммони ечиш кетма-кетлигидан кўзланган мақсад баён қилинади.
3. Тавсия қилинган жадвалларни берилган маълумотлар асосида тўлдириб, хulosса беришга тайёрланади.
4. Охирги хulosалар берилади.

---

<sup>8</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Тахлилий шарҳ 2005 йил. -Т.: «Ўзбекистон», 2006. 93-бет.

**Вазиятни бажариш учун йўриқнома ва ёзма ишнинг баҳолаш мезонлари**

Таҳлил босқичининг номи	Таҳлил босқичининг мазмуни	Баҳолаш мезонлари
1. Вазиятнинг таҳлили	<p>1. Ҳолатнинг аниқ кўриниши ва масаланинг ҳал этилиши, ечилиши учун аниқ маълумотлар.</p> <p>2. Ҳолатнинг энг муҳим ҳусусиятлари: Нима бўлмоқда? Ҳолатнинг натижаларини шаклланиши қандай?</p>	1 – 0.5 балл 2 – 1 балл
2. Вазият объектининг ташхиси	<p>Муаммода акс эттирувчи асосий ҳусусиятлар:</p> <p>А) корхонада ходимларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш;</p> <p>Б) ходимларни малакаси ва кобилиятига эътибор бериш;</p> <p>В) ишчи ва ходимларга иш хакини белгилаш.</p>	A) – 0.5 балл Б) – 0.5 балл В) – 1 балл
3. Назарий жиҳатларнинг кўриниши	Ташкилотнинг иқтисодий тавсифномаси, иш фаолияти ва таркиби, бошқариш тизими	1 балл
4. Муқобил қарорларни тушунтириш ва улар ичидан оптималь вариантини танлаш	Ишчи кучи бозордаги ишчи ходимларни рақобатбардошлик ҳолатини ўрганиб чиқиш.	2 балл
5. Қарорни ишлаб чиқиш ва асослаш	<p>Қарорнинг ҳамма қирраларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Масаланинг ечимини ҳал қилмоқ ва иш хакини оширишни ишлаб чиқиш.</p>	2 балл

## **Мехнат унумдорлиги ва унинг иш ҳақи тўлаш билан алоқадорлиги**

Мехнат унумдорлиги инсоннинг вақт бирлигига маълум миқдорда маҳсулот ва хизматларни яратади. Мехнат унумдорлиги ишлаб чиқарувчи вақт бирлигига (масалан, бир соат, бир иш куни ёки бир йилда) қанча сифатли маҳсулот яратгани ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун қанча вақт сарфлагани билан ўлчанади.

Олинган натижа ва муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга иш вақти сарфланиши ўртасидаги нисбат меҳнат унумдорлиги тушунчаси Билан тавсифланади. Бу нисбат  $P_1 = M / T$  формуласи билан ифодаланиши мумкин.

Бунда:  $P_1$  – меҳнат унумдорлиги;  $M$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;  
Т – барча маҳсулот ишлаб чиқарилишига сарфланган вақт.

Иш вақти сарфлари билан меҳнат натижаси ўртасида нисбатнинг ўзгариши меҳнат унумдорлиги ўзгаришини акс эттиради. Мазкур натижа камроқ иш вақти сарфлаб қўлга киритилса, меҳнат унумдорлиги ошган бўлади, худди шу натижани қўлга киритиш учун кўпроқ иш вақти сарфланса, меҳнат унумдорлиги пасайган бўлади. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги ошишининг моҳияти иш вақти бирлиги мобайнида меҳнат натижадорлиги кўпайишидан ёки меҳнат натижаси бирлигига сарфланадиган иш вақти тежалишидан иборат.

Имкони бўлган меҳнат унумдорлиги билан амалда эришилган меҳнат унумдорлиги ўртасидаги фарқ меҳнат унумдорлигининг ошиш резервлари дейилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки меҳнат унумдорлиги чексиз ошиб боради. Мехнат унумдорлиги техниканинг такомиллашиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишининг яхшиланиши, ходим малакасини ошиши, фаннинг ривожланиши ва уни ютуқларини ишлаб чиқаришда қўллаш туфайли ошиб боради, яъни меҳнат унумдорлиги ошишига амалда чекланишлар бўлмайди. Умуман олганда меҳнат унумдорлиги жонли меҳнат сарфлари бирлигига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини англатади.

Корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошиши қўйидаги тарзда содир бўлади:

- вақт бирлиги мобайнида яратиладиган маҳсулотнинг сифати ўзгармаган ҳолда ҳажми ошиши;
- вақт бирлиги мобайнида яратиладиган маҳсулотнинг ҳажми ўзгармаган ҳолда сифат ошиши;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига меҳнат сарфларининг қисқартириши;
- маҳсулот таннархида меҳнат сарфлари улуши камайиши;

- товарлар ишлаб чиқарилиши ва айланиши вақти қисқариши;
- фойда массаси ва меъёри ошиши тарзидан намоён бўлади.

Меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларни учга бўлиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришнинг техника-технология даражаси. Техника қанчалик мукаммал бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

2. Шахсий инсоний омилнинг сифати. Агар ишловчиларнинг билим даражаси иш малакаси ва тажрибаси юқори бўлса, унумдорлик ортади ёки аксинча.

3. Ишлаб чиқаришнинг табиий даражаси. Бу шароит қанчалик қулай бўлса, унумдорлик шунчалик юқори булади. Табиий шароитни инсон ўзгартира олмайди, аммо техникани мукаммаллаштириш орқали ноқулай табиий шароитда ҳам унумдорликни ошириш мумкин. Меҳнат унумдорлигини муттасил ошиб бориш иқтисодиётга хос қонуниятдир. Шу туфайли ресурслар чекланган бўлишига қарамай, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш доимо кўпайиб боради.

Меҳнат унумдорлиги ошиши корхоналар ва бутун ижтимоий ишлаб чиқаришга ривожланиш ва қулай истиқболларни таъминлаб беради, бу эса пировард натижада, аҳолининг турмуш даражаси ошишига олиб келади. Амалиётда шундай бўлиши лозимки, меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати ўртача иш ҳақи ўсиш суръатларидан тезроқ ўсиши керак, бу ҳам иқтисодиётнинг муҳим шартларидан биридир.

Шунинг учун ҳам кишилар доимо кам маблағ сарфлаб, энг кўп маҳсулот етиширишга интиладилар. Меҳнат унумдорлигини ўсиши халқнинг турмуш фаровонлигини ўсишига олиб келади. Меҳнат унумдорлигини ўсиши ишлаб чиқаришдан кишиларни озод қилиб хизмат кўрсатиш соҳаларига одамларни кўпроқ жалб қилинишига шароит яратади.

#### **IV. КЕЙСОЛОГНИНГ ЖАВОБ ВАРИАНТИ**

1. Ойлик иш ҳақи фонди 7061318 сўм.
2. 2007 йилда мутахассисларнинг ойлиги, иш ҳақи фондининг 5,5% и яъни миқдоран - 388372 сўмни мутахассисларга тақсимлаш керак.
3. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган қўшимча ҳақ миқдори  
48546,5 сўм
4. Ёш мутахассисларга ажратилган 338372 сўмни 12 га бўламиз ва хар 20% учун неча сумдан қўшимча ҳақ тўланиши аниқ бўлади (28198 сўм).

<b>№</b>	<b>Исми</b>	<b>12 разряд бўйича иши ҳақи (2005 йил)</b>	<b>2006 йил 5%га оширилгандан сўнг (5541 сум)</b>	<b>Умумий суммадан бажарган иши бўйича</b>	<b>2007 йилда кўшимча маош</b>
<b>1</b>	Равшан	110820	116361	40%	56394
<b>2</b>	Илхом	110820	116361	40%	56394
<b>3</b>	Дониёр	110820	116361	20%	28198
<b>4</b>	Элдор	110820	116361	40%	56394
<b>5</b>	Искандар	110820	116361	20%	28198
<b>6</b>	Феруза	110820	116361	20%	28198
<b>7</b>	Фарида	110820	116361	40%	56394
<b>8</b>	Мастура	110820	116361	20%	28198

**Иш ҳақини ошириш мезонлари:**

- А) Бакалавр дипломига эга 6 разряд;
- Б) Магистр дипломига эга 8 разряд;
- В) Шахсий иш режасини бажарили.

**Иш ҳақини ошириш учун асос.**

1. Разрядни 1 ёки 2 га ошириш.
  - А) стаж;
  - Б) Мутахассислик;
  - В) Илмий ишлар натижаси.
2. Кўшимча фоиз белгилаш (5 %).

## ТАЛАБАЛАРНИНГ КЕЙС-СТАДИ БИЛАН МУСТАҚИЛ ИШЛАШИ БҮЙИЧА КҮРСАТМА

<b>Ишни бажариш босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишув	Дастлаб кейс билан танишиб чиқинг. Ўқиши давомида ҳолатни дарҳол таҳлил қилишга уринманг.
2. Келтирилган ҳолат билан танишув	Ахборотни яна бир бора дикқат билан ўқиб чиқинг. Ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган ўринларни белгилаб олинг. Ҳолатни баён этишда қўлланилган далилларни санаб ўтинг.
3. Асосий муаммони асослаш, шакллантириш ва очиб бериш	Асосий муаммо нимадан иборат?
4. Ҳолатни диагностика ва таҳлил қилиш	Муаммо қандай даражада ҳал этилишини аниқланг. Саволга жавоб беринг: муаммони мазкур шароитда ҳал этиш мумкинми?
5. Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини танлаш ва асослаш	Муаммони ҳал этиш йўлларини кўрсатинг ва асосланг.

Кейс билан ишлаш натижаларини тезис шаклида ёзма ҳолда ифодаланг.

### **Езма иш талаблари**

1. Иш тезис шаклида А4 стандарт ўлчамдаги қоғознинг бир томонида ёзилган бўлиши керак (3 бетдан ошмаслиги лозим).
2. Ишни расмийлаштириш:
  - биринчи бетнинг юқоридан ўнг томонида талабанинг исми-шарифи, фамилияси ва гурӯҳ рақами ёзилган бўлиши керак;
  - қўйида ўртадан кейс мавзусининг номи ёзилади;
  - давомидан кейс билан ишлаш натижалари тезис шаклида баён этилади.

## V. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРДА МУАММОЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ЕЧИШ БҮЙИЧА КЕЙСНИ ҮҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Мавзуу</i>	<i>Иичи кучи ва меңнат муносабатлари</i>
<i>Талабалар сони: 25 –30</i>	<i>Вақт 2 соат</i>
<i>Үқитиши шакли</i>	<i>Амалий машгулотда муаммоли ҳолатни ечиши орқали билимни чуқурлаштириши.</i>
<i>Амалий машгулот режаси</i>	<p>1. Кейс – стадига кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</p> <p>2. Билимни чуқурлаштиришнинг ва муаммонинг долзарблиги.</p> <p>3. Корхонанинг маркетинг стратегиясини ўрганиш.</p> <p>3. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</p> <p>4. Кейс – стадини гурухларда ечиш.</p> <p>5. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш ғояларини кўриб чиқиш.</p> <p>6. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация қилиш.</p> <p>7. Гурухларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p>
<i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i>	Корхона ишчиларининг иш ҳакини ошириш ва янги лавозимларга тайинлашни ёритиб бериш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>  Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради:  <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейсда корхонанинг фаолияти ва маркетинг ҳолати билан таништиради ва таҳлил қиласди;</li> <li>• Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқиши ўргатади;</li> <li>• Кейсда муаммонинг маълумотларини</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <p>- корхонанинг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва корхонага таалуқли муаммоларни тавсифлаб берадилар;</p> <p>-Муаммоли ҳолатнинг қўнималарини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ;</p> <p>-корхона фаолиятини ҳисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди;</p> <p>- Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур корхонанинг</p>

бошқарув ва ишлаб чиқаришни тизимини яхшилаш учун ҳисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний холосалар чиқарадилар;	маҳсулотларига бўлган муносабатларини аниқлайди;
Ўқитиии услуги	Кейс-стади услуги савол-жавоб, муаммоларни ечиш
Ўқитиии шакли	Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гурӯҳларда ишлаш.
Ўқитиии воситалари	Маърузалар матни, ўқув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),
Ўқитиии шартлари	Техник воситалар билан таъминланган гурӯҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаши	мустақил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.

#### V.I. Амалий машғулотнинг технологик картаси

Ишнинг босқичлари ва вақти	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	Ўқитувчи	Талаба
1–босқич. Тайёрлов қисми (10 мин)	<p>1.1. Мазкур кейснинг мутахассислик йўналишига таъсирини тушунтиради ва таништиради;</p> <p>1.2. Машғулотнинг номини, ўтказиш жараёнини, режалаштираётган мақсад ва натижаларни эълон қиласди.</p> <p>1.3. Ўрганиб чиқиш учун кейсга таалуқли қўлланмалар ва тарқатма материаллар тарқатади.</p> <p>1.4. Таклиф этилган «Корхона ходимлар» фаолияти билан таништиради.</p> <p>1.5. Мустақил ишлаш учун, ҳолатий таҳлил ва рақасини тарқатади.</p> <p>1.6. Гурӯҳларда ишлаш инструкциясини тушунтириб ўтади.</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар

2-босқич Асосий қисм (60 мин)	<p>2.1. Назарий ва амалий томондан таққосланган янги материални ўрганишнинг ташкил қиласи. Бунинг учун қисқа тарзда корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишчи кучи борасида, қилинадиган ишлар ҳақида назарий жиҳатдан гапириб беради. Бу эса амалий машғулотнинг режасига асосланиб, экранда жадваллар, чизмалар, расмлар тариқасида кўрсатилади ва шарҳланади.</p> <p>2.2. Сағбон корхонасининг ҳолати билан музокарани ташкиллаштиради ва қуйидаги машғулотнинг асосий саволларига амалиёт билан боғлаган ҳолда жавоб беради.</p> <p>2.3. Талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳларда ишлаш жараёнини эслатади. Кейс билан ишлаш учун индивидуал ёки гуруҳларда ишлаш жараёни учун топшириқларп беради. Жамоа ишлаб чиқсан ҳолатий таҳлил варақасини тўлдирадилар, муқобил ғояларни танлаб оладилар ва баҳолайдилар.</p> <p>2.4. Ўқув фаолиятига маслаҳат беради ва йўналтиради. Индивидуал ва жамоа иш фаолиятини “ҳолатий таҳлил варақасини” текширади ва баҳолайди.</p> <p>2.5. Презентацияни ташкиллаштиради, муҳокама қиласи ва ўзаро баҳолайди.</p> <p>2.6. Корхонанинг фаолияти тўғрисида саволлар беришни тавсия этади.</p> <p>Натижавий ҳолда корхона вакилининг жавобларини машғулотнинг режасига мос равишда амалиётга боғланганлигини кенгайтириб хулоса қиласи</p>	<p>Эшитадилар, конспектларда қисқа тарзда ёзиб борадилар.</p> <p>Саволлар жавоб беришади ва дафтарларига ёзиб борадилар.</p> <p>Саволларни аникладилар, муҳокама қиласида ва тушунмаган жойларини сўрайдилар.</p> <p>Ўқув топшириқларни бажарадилар.</p> <p>Гуруҳлар натижаларнинг презентацияни қиласида.</p> <p>Дискуссияда қатнашадилар, саволлар берадилар ва ўзаро баҳолайдилар.</p>
-------------------------------------	--	---

	<p>2.7. Жавобларни текшириб, баҳо беради ва муҳокама қиласди. Муаммонинг таҳлили ва холатнинг ечимига алоҳида эътибор беради.</p> <p>2.8. Кейснинг ўз ечим вариантини эълон қиласди ва намойиш қиласди.</p>	
3-якуний босқич (10 мин)	<p>3.1. Натижаларга якуний хулосалар қиласди, талабаларнинг эътиборини асосий нуқталарга қаратадилар, хулосалар қиласдилар ва баҳолайдилар.</p> <p>3.2. Корхона меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш талабаларнинг йўналишларига ва бўлажак касбларига таъсирини англатиб ўтади.</p> <p>3.3. Мустақил таълим учун вазифа беради: Амалиётни назарияга боғлаган ҳолда бирон-бир корханани мисол қилинг ва бу семинар дарсида муҳокама қилинишини айтиб ўтади.</p>	Тинглайдилар ва уйга вазифани оладилар.

### Гурӯҳларнинг ишлишини баҳолаш жадвали

	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хулосаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Кониқарли – 1 балл Кониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Кониқарли – 1 балл Кониқарсиз – 0,5 балл
1		
2		

---

**ЗИЯЕВ Т.М., ИСРОИЛОВА Ш.Т.**

**«Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанидан  
«Ижтимоий соҳада солиқ тизими» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

*Кейс «Ижтимоий соҳани ривожлантиришда солиқ тизимининг аҳамияти нимада?»*

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти».

**Мавзунинг номи:** «Ижтимоий соҳада солиқ тизими» мавзусига мосланган кейс.

**Берилган кейснинг мақсади:** Талабаларда ижтимоий соҳада солиқ тизимининг ўзига хос ўрни, солиқ тизим билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги ўзаро боғликлік, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг йўналишлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Кейсни муваффақиятли ечиш учун талабалар **олдиндан кўра билишлик ва моҳирлик хислатларига** эга бўлишлари керак.

**Талаба билиши керак:**

- ижтимоий соҳа, солиқ ва унинг турлари, солиқ тизими ва солиқ ставкалари каби тушунчаларининг иқтисодий мазмуни;
- солиқ тизимининг иқтисодий ўсишга ўзига хос таъсирини.

**Талаба бажара олиши керак:**

- муаммоларни ажратса олиш;
- ғояларни таҳлил қила олиш;
- маълумотларни танқидий баҳолаш ва қайта ишлаш;
- берилган талабларга мос матнлар тузиш.

**Талаба эга бўлиши керак:**

- коммуникатив малакаларга;
- мунозараларда қатнашиш кўникмаларига;
- грухларда ишлаш тажрибаларига.

**Кутилаётган натижалар:**

- ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлайди;
- ижтимоий соҳа, солиқ ва унинг турлари, солиқ тизими ва солиқ ставкаларини ҳисобашни билади;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича ўтказилаётган ислоҳотларни таҳлил қила қиласди;
- солиқ тизимининг ижтимиоий соҳа ривожланишига таъсирини билиб олади;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилишда индивидуал ва грухий малака ва кўникмаларини ривожлантиради;
- мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларига эга бўлади;
- ўқув маълумотларини ўзлаштириш даражаларини таҳлил қила олади.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг назарий таҳлил асосида ишлаб чиқилган.**

**Маълумотларни олиш манбалари:**

1. <http://www.press-service.uz>. – Ўз.Р Президенти матбуот марказининг ахборот сайти.

2. <http://www.stat.uz>. - Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитасининг сайти.

**Типологик белгиларига кўра кейснинг таснифи.**

**Мазкур кейс назарий тадқиқотлар** асосида кабинетли, сюжетсиз тоифасига киради. Вазият иқтисодиётда ишчи кучи бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари бўйича чора-тадбирларнинг таҳлилий қўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб: ижтимоий соҳа ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва ўрта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

**Дидактик мақсадларга кўра кейс** - ўқув жараёнида ўқув мавзуси бўйича малака ва кўникмаларини ривожлантириш ва таҳлил қилишга мўлжалланган. Шу туфайли муаммолар, масалалар ва қарорлар қабул қилиш алгоритми аниқланган ва шакллантирилган, амалий вазиятларнинг назарий жиҳатларини очиб берувчи қўшимча маълумотлар берилган.

**Кейснинг афзалликлариға қўйидағилар киради:** Ўқув дарсининг кейс – технология ўқитиш бўйича, талабаларнинг ўзи ташкил этган иш фаолиятининг таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи «Вазиятни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш вараги» мавжуд.

7. Ушбу кейсдан – «Пул назарияси», «Ишчи кучи ва бандлик назариялари», «Тармоқ ва корхона иқтисодиёти назарияси», «Иқтисодиёт назарияси», «Иқтисодиёт назарияси 2», «Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти», фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

## **КИРИШ**

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш ғоят **долзарб вазифа** ҳисобланади. Шунинг учун кейс ёрдамида талабалар ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга оширишни таҳлил килиш ва қарорлар қабул қилишни ўрганиб оладилар.

**Мазкур кейснинг мақсади** – ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича малака ва қўникмаларини ривожлантириш ва таҳлил қилишга мўлжалланган.

**Таклиф этилаётган кейсни ечиш қўйидаги ўқув натижаларини беради:**

- ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлайди;
- ижтимоий соҳада солиқ тизимининг тутган ўрнини ўрганади;
- солиқ тизимининг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигини тушунади;
- солиқ тизимини такомиллаштиришни ва унинг турларини таҳлил қиласди;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилишда индивидуал ва гурухий малака ва қўникмаларни қайта ишлайди;
- мустақил қарорлар қабул қилиш қўникмаларига эга бўлади;
- ўқув маълумотларини ўзлаштириш даражаларини таҳлил қила олади.

**Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг ҳолати:**

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида умумиктисодий барқарорликка эришиш молиявий барқарорликни таъминлаш вазифасини ўз ичга олади. Молиявий аҳволни мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишда солиқ сиёсатини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда солиқ тизими ўзига хос вазифаларни, хазинани тўлдириш қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларни тўла даражада бажариши зарур. Солиқларнинг биринчи вазифаси давлат бюджети даромад қисмининг энг муҳим умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шакилланишини таъминлашга қаратилиши лозим. Унинг иккинчи вазифаси, ЯММнинг бир қисмини қайта тақсимлаш ва шу иқтисодиёт тузилишини ўзгартириш, аҳоли ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этишидан иборат. Солиқларнинг учинчи вазифаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишdir.

Қўйидаги келтирилган маълумотлар асосида солиқ тизимининг ижтимоий соҳа ривожланишига таъсирини аниқланг, солиқ ставкаларини

Ҳисобланг ва солиқ тизимини такомиллаштириш йўлларини аниқланг.

**2.1-жадвал. Давлат бюджети даромадлар қисмининг бажарилиши (ЯИМга нисбатан % да)**

Кўрсаткичлар	I-II ч. 2000 й.	I-II ч. 2001 й.	I-II ч. 2002 й.	I-II ч. 2003 й.	I-II ч. 2004 й.	I-II ч. 2005 й.	I-II ч. 2006 й.
Даромадлар - жами	40,9	32,8	28,9	31,0	28,2	28,2	27,6
1.Тўғри соликлар	10,6	9,5	7,5	7,9	7,0	7,6	7,8
2.Эгри соликлар	24,6	18,3	17,5	18,2	16,6	13,2	11,6
3.Ресурс тўловлари ва мулк солиги	4,1	3,3	2,3	2,6	3,0	5,5	5,3
4.Иккимой инфраструктуруни ривожлантириш солиги	0,3	0,4	0,7	0,5	0,5	0,5	0,6
5.Бошқа даромадлар	1,5	1,4	1,0	1,8	1,1	1,4	2,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

**2.2-жадвал. Давлат бюджети даромадлар қисмининг таркиби (жамига нисбатан % да)**

Кўрсаткичлар	I-II ч. 2000 й.	I-II ч. 2001 й.	I-II ч. 2002 й.	I-II ч. 2003 й.	I-II ч. 2004 й.	I-II ч. 2005 й.	I-II ч. 2006 й.
Даромадлар – жами	100	100	100	100	100	100	100
1.Тўғри соликлар	25,9	29,0	26,0	25,7	24,7	27,0	28,4
улардан:							
Юридик шахспарнинг даромад (фойда) солиги	12,4	11,9	9,3	8,2	7,4	8,0	9,9
Жисмоний шахспарнинг даромад солиги	10,3	12,6	12,1	11,8	11,8	13,2	12,7
2.Эгри соликлар	59,6	55,2	60,1	58,3	59,0	46,8	42,1
улардан:							
КҚС	18,1	20,1	18,3	21,9	23,2	23,6	24,4
Акцизлар	34,1	33,0	32,3	31,0	30,3	18,0	11,7
3.Ресурс тўловлари ва мулк солиги	10,0	10,1	8,0	8,5	10,5	19,5	19,3
4.Иккимой инфраструктуруни ривожлантириш солиги	0,7	1,2	2,4	1,6	1,6	1,8	2,2
5.Бошқа даромадлар	3,7	4,3	3,5	5,9	4,2	5,0	8,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги

**2.3-жадвал. Давлат бюджети камомади, (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	I-II ч. 2000 й.	I-II ч. 2001 й.	I-II ч. 2002 й.	I-II ч. 2003 й.	I-II ч. 2004 й.	I-II ч. 2005 й.	I-II ч. 2006 й.
Дефицит (-);	2,8	-0,6	-1,3	2,4	1,6	1,2	1,2
Профит (+)							


Манба: Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги

**2.4-жадвал. Давлат бюджети харажатлари, (ЯИМга нисбатан % да)**

Кўрсаткичлар	I-II ч. 2000 й.	I-II ч. 2001 й.	I-II ч. 2002 й.	I-II ч. 2003 й.	I-II ч. 2004 й.	I-II ч. 2005 й.	I-II ч. 2006 й.
Харажатлар – жами	38,1	33,4	31,2	28,6	26,6	27,0	26,4
1.Иккимой соҳа	13,8	13,9	11,4	10,3	10,5	12,4	12,7
жумладан:							
Маориф	9,7	10,0	8,1	7,4	7,8	8,2	8,6
Соглиқни сақлаш	3,2	3,0	2,7	2,5	2,4	2,4	3,0
Маданият ва спорт, оммавий аҳборот воситалари	0,5	0,5	0,4	0,4	0,3	0,4	0,5
2.Иккимой химоя	2,9	2,4	2,1	2,5	2,1	2,1	2,0
3.Иккисодиёт харажатлари	2,1	2,4	2,1	3,0	3,4	3,6	3,6
4.Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари	7,8	6,8	7,4	4,0	3,6	2,9	2,2
5.Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларини таъминлаш	0,8	0,7	0,6	0,6	0,6	0,6	0,6
6.Бошқа харажатлар	10,7	7,3	7,6	8,1	6,4	5,3	5,3


Манба: Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги

## 2.1-чизма. Давлат бюджети даромадларида алоҳида турдаги солиқлар улушининг ўзгариши




Манба: Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги

## 2.2-чизма. Давлат бюджети харажатларининг функционал таркиби, жамига нисбатан % да



Манба: Ўзбекистон Республикаси молия Вазирлиги

## 1- чизма. Ўзбекистонда инфляциянинг йиллик даражаси, (%да)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил.

## **Мұхокама учун савол ва топшириқлар**

1. Берилған маълумотлар асосида солиқ турлари улушларини аниқланг.
2. Инфляция ва солиқ ставкаларининг қандай ўзаро боғлиқлиги бор?
3. Ижтимоий соҳага сарфланаётган маблағларни юқоридаги жадваллар асосида ҳисобланг ва таҳлил қилинг.
4. Солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилған ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?

## **III. Талабалар учун услугий кўрсатмалар**

**Муаммо** – бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилған иқтисодий тадбирларни амалга оширишни асослаш.

### **Вазифалари:**

1. Ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш заруриятини асосланг.
2. Нима учун солиқ соҳасида жуда тез ўзгаришлар бўлиб туришини тушунтиринг.
3. Солиқка тортишнинг асосий назарияларини аниқланг.
4. Солиқка тортиш тамойилларини асосланг.
5. Солиқнинг иқтисодий мазмуни ва унинг турларини изоҳланг.
6. Солиқ ва ставкаси турлари ва уларни ҳисоблаш ва усулларини кўрсатинг.

### **Муаммони ҳал қилиш алгоритми:**

1. Солиқ тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш орқалигина миллий иқтисодиётда ижтимоий соҳани ривожлантириш мумкин.
2. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириб борилар экан албатта бу солиқ тизимиға ҳам ўз таъсирини кўрсатади.
3. Солиқка тортиш назариялари илмий асосланган бўлиши керак.
4. Солиқка тортиш тамойили адолатлиликка асосланиши керак.
5. Солиқлар мажбурий тўлов бўлиб, у давлат бюджетига тушади. Улар тўғри ва эгри солиқ турларига ажратилған.
6. Солиқ ставкалари уч гурухга бўлинган. 1)Прогрессив 2)Пропорционал 3)Регрессив.

**Вазиятни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш варағи.**  
**Баҳолаш мезонлари.**

Таҳлил босқичлари	Фаолият мазмуни	Баҳолаш мезонлари, балл
1. Вазиятнинг таҳлили	<p>1. Бозор иқтисодиёти ижтимоий соҳада солик тизимини такомиллаштириш бўйича юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Бу муаммо орқали солик ставкаларини ҳисоблаш, уларни соддалаштириш учун қандай ислоҳотлар ўтказилиши керак? Воқеалар ривожи нималарга олиб келади?</p>	Қисқача. Макс: 0,3
2. Вазият объектининг ташхиси	Солик тизимининг иқтисодий ўсишга боғлиқлигини, Давлатнинг солик тизимини тартибга солиш тадбирларини аниқлаш ва таҳлил этиш.	Максимал қисқача. Макс: 0,2
3. Назарий жиҳатларнинг кўриниши	<p>1. Ижтимоий соҳада солик тизимини такомиллаштириш зарурятини асосланг.</p> <p>2. Нима учун солик соҳасида жуда тез ўзгаришлар бўлиб туришини тушунтиринг.</p> <p>3. Солиқقا тортишнинг асосий назарияларини аниқланг.</p> <p>4. Солиқقا тортиш тамойилларини асосланг.</p> <p>5. Солиқнинг иқтисодий мазмуни ва унинг турларини изоҳланг.</p> <p>6. Солиқ ва ставкаси турлари ва уларни ҳисоблаш ва усулларини кўрсатинг.</p>	Фактлар билан мустаҳкамлаш Макс: 0,2
5. Муқобил қарорларни тушунтириш ва улар ичидан оптималь вариантини танлаш	<p>1. Солик тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш орқалигина миллий иқтисодиётда ижтимоий соҳани ривожлантириш мумкин.</p> <p>2. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириб борилар экан албатта бу солик тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.</p> <p>3. Солиқقا тортиш назариялари илмий асосланган бўлиши керак.</p> <p>4. Солиқقا тортиш тамойили адолатлиликка асосланиши керак.</p>	Танланган қарорларнинг изоҳи, тушунарли ва аниқ кетма кетлиги Макс: 0,8

	<p>5. Солиқлар мажбурий түлов бўлиб, у давлат бюджетига тушади. Тўғри ва эгри солиқ юкларини енгиллаштириш зарур.</p> <p>6. Солиқ ставкаларидан кўпроқ регрессив турини жорий этиш керак.</p> <p>Ҳар бир альтернативларнинг таҳлили ва изоҳи. Ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш. Альтернатив қарорлар ичидан энг яхшисини танлаш.</p>	
6. Қарорни ишлаб чиқиш ва асослаш	<p>Танланган фаолият бўйича аниқ қарорнинг ҳамма қирраларини ишлаб чиқиш.</p> <p>Муаммоларни ҳал қилиш бўйича восита ва усусларни танлашнинг, уларнинг самарадорлигини тушунтириш.</p>	<p>Тушунарли ва аниқ кетма-кетликлар</p> <p>Макс: 0,5</p>

### Баҳолаш мезонлари


Гурӯҳ	Баҳолаш мезонлари	
	<p>Тақдимот (мазмуни, маъноси ва хуносаларнинг исботи учун)</p> <p>Аъло – 2 балл</p> <p>Яхши – 1,5 балл</p> <p>Қониқарли – 1 балл</p> <p>Қониқарсиз – 0,5</p>	<p>Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун)</p> <p>Аъло – 2 балл</p> <p>Яхши – 1,5 балл</p> <p>Қониқарли – 1 балл</p> <p>Қониқарсиз – 0,5 балл</p>
1		
2		

### Ўқув услубий материаллар


Солиқ суммасининг ( $R$ ) солиқ олинадиган суммага ( $D$ ) нисбатининг фоиздаги ифодаси солиқ ставкаси ( $R'$ ) дейилади:

$$R' = \frac{R}{D} \times 100\%.$$

## 1-чизма. Прогрессив, пропорционал ва регрессив солиқларнинг график кўриниши.



## 2-чизма. Лаффер эгри чизиги.



$$K_{\text{солик юки}} = \sum H_x / \Pi = \Delta H / \Pi H,$$

бу ерда:  $H_x$  – ахоли жон бошига тўғри келувчи солиқларнинг ўртача миқдори;  $\Delta H$  – ахолининг соликлар тўлангандан кейинги даромади;  $\Pi H$  – ахолининг тўловга лаёқатлилиги.

Солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$K_{\text{солик юки}} = \sum H / \sum ЯИМ,$$

бу ерда: Н – солиқлар миқдори;

**ЯИМ – ялпи ички маҳсулот ҳажми.**

#### **IV. Кейснинг ечими ва таҳлили бўйича тахминий вариант**

##### **Кейснинг муаммоси ҳақида**

Асосий вазифа бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш йўлларини топишдан иборат.

Муаммони ҳал қилишда юзага келадиган баъзи бир жиҳатлар:

- ўтиш даврида содир этиладиган ўзига хос жараёнлар;
- макроиктисодий мувозанат ва нисбатларнинг меъёрий ҳолатда эмаслиги;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи номутаносибликлар;
- солиқ соҳасида ўзгаришларнинг тез кузатилиши;
- солиқларнинг иқтисодий ўсишга таъсир этиши;
- ўтиш даврида давлат бюджетида солиқларнинг асосий ўринни тутиши.

##### **Муаммони ҳал қилиш даражалари**

Ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш қўйидаги даражаларда ҳал қилиниши мумкин:

- давлат;
- давлатлараро;
- иқтисодиётнинг турли тармоқлари;
- ижтимоий соҳа;

Бугунги кунда мазкур муаммони алоҳида бир хўжалик доирасида ёки бирон бир тармоқ даражасида ҳал қилиб бўлмайди. Ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш - бу мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳаларининг ҳажми билан бевосита боғлиқдир.

##### **Муаммони ечиш йўллари**

Ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштиришда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин:

- солиқ тизимини соддалаштириш ва такомиллаштириш оқалигина ижтмиоий соҳани ривожлантириш мумкин;
- солиқ ставкалари илмий асосланган бўлиши керак;
- регрессив солиқ ставкаларини қўллаш керак;
- солиқ ставкалари адолатлилик тамойилига асосланиши керак;
- солиқ манбалари бир марта солиққа тортилиши керак.

**V. «Ижтимоий соҳада солиқ тизими» мавзуси бўйича ўқитишнинг технологияси.**

Вақти: 2 соат.	Талабалар сони: 25 тагача.
Ўқув машғулотининг шакли	Ўқув малакаларини қайта ишлаш ва чуқурлаштириш бўйича семинар
Семинар режаси	<p>1. Саволларнинг муҳокамаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Солиққа тортишнинг асосий назариялари.</li> <li>• Солиққа тортиш тамойиллари.</li> <li>• Ўзбекистон республикаси солиқ тизими.</li> <li>• Солиқ турлари.</li> </ul> <p>2. Кейс билан танишув.</p> <p>3. Кичик групкаларда кейсни ечиш ва уларнинг тақдимоти.</p> <p>4. Натижаларни муҳокама этиш ва уларнинг ичидан энг маъқулини танлаш.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган иқтисодий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини ўргатиш.	
Педагогик вазифалари:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Солиққа тортишнинг асосий назариялари тушунтириш.</li> <li>• Солиққа тортиш тамойилларини изоҳлаш.</li> <li>• Ўзбекистон республикаси солиқ тизими тавсифлаш</li> <li>• Солиқ турларининг бўлинеш сабабларини ўргатиш</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Кейс-стади усули, амалий усул
Ўқитиш воситалари	ЎУМ, доска, слайдлар, кодаскоп/компьютер технологиялари, кейс, ўқув материаллари.
Ўқитиш шакллари	Групкаларда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Кичик групкаларда ташкилий ишларга

	мўлжалланган ўқув-техник воситалар билан таъминланган
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: мустақил таҳлил ва вазиятнинг ечими, тақдимот.

### **Ўқув машғулотининг технологик картаси**

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
Анализ и прогноз рынка складских помещений показывает, что Россия еще испытывает дефицит качественных складских площадей, который составляет около 14 млн. кв. м. По различным прогнозам к 2012 г. объемы складских площадей класса А и В составит от 10 до 20 млн кв.м. Таким образом, в случае, если сбудется пессимистичный прогноз, рынок еще будет не насыщен.

Российский рынок складской логистики переживает сейчас эпоху инвестиционно-строительного бума: только в 2007 году было введено в эксплуатацию более 1,5 млн. м. кв. складских помещений, в 2008 г. ожидается 2 млн. м кв. Объем качественных складских помещений классов А и В на конец 2007 г. составил 5,2 млн. м. кв. Рост обусловлен, прежде всего, бурным развитием дистрибуции, сетевого ритейла, промышленности, внутренней и внешней торговли, а также приходом в Россию крупных мировых игроков (как ритейлеров и производителей, так и девелоперов). По данным экспертов, инвестиционные фонды планируют вложить порядка \$2,5 млрд. в строительство складов на территории РФ.

#### **Потенциальный (необходимый) объем складских помещений для нормального функционирования логистических систем**



### **3.Выявите и определите причины, тормозящие развитие российских компаний.**

1.Слабое развитие контрактной логистики: на этот сегмент приходится только 22,23% логистического рынка, а оставшиеся 72,77% составляет внутренняя логистика. Т.е. компании, имеющие склады класса С и D и нежелающие отдавать функции логистики на аутсорсинг, вынуждены перестраивать свои складские площади, а это огромные и медленно окупаемые инвестиции, чаще всего непосильные для российских компаний.

2.Ограниченнное количество пятен под застройку, и зачастую эти пятна уже заняты устаревшими складами. Так что затраты связаны не только с удорожанием земли, но и с необходимостью оплатить снос устаревших зданий. Такие вложения могут позволить себе лишь крупные компании с большим инвестиционным капиталом.


### **4.Проанализируйте специфику рынка складской логистики.**

**Одной из основных специфик** российского складского рынка является разрыв между центральными городами и регионами. Так, качественные складские площади сосредоточены в основном в Москве и Подмосковье (67%), СЗФО (11%). На долю всех остальных регионов приходится лишь 22%. Однако дефицит спроса наблюдается на территории всей России, поэтому в ближайшие годы ожидается бурный рост строительства в регионах (прежде всего, в УФО). (диаграмма 2)

**Другая региональная специфика** России - наличие региональных логистических цепей, которое объясняется прежде все экономией затрат на логистику.

В связи с глобализацией, приходом мировых гигантов и ужесточением конкуренции производственные и торговые компании все больше стараются сосредоточиться на своих основных компетенциях, а непрофильные составляющие бизнеса, в т.ч. логистику, отдают на аутсорсинг.

#### **Сосредоточение "качественных" складских площадей, 2007 год**



## **5. Выявите и определите меры ослабления конкурентной борьбы российских компаний, связанных с приходом на российский рынок мировых игроков складской логистики**

Обострение конкуренции и приход мировых игроков подвел российские компании к осознанию необходимости автоматизировать свои склады. Успешность работы склада определяется несколькими факторами.

1. Повысить уровень предоставляемого сервиса (точность, скорость, своевременность) за счет внедрения ИТ-технологий

2. Снижение издержек (эффективная загрузка площадей и персонала, низкий уровень брака), за счет внедрения ИТ-технологий

3. Внедрение в российских компаниях современных ИТ-технологий – таким, как WMS-системы, системы планирования и прогнозирования спроса, технологии pick-to-light и pick-by-voice, RFID.

## **6. Выявите отличие дистрибутора от 3PL-оператора.**

1. В максимальной гибкости последнего. Логистический провайдер оказывает услуги сразу нескольким компаниям и работает с разными группами товаров, имеющими различные сроки годности, условия хранения и оборачиваемость. При этом спектр услуг должен включать в себя не только хранение и доставку, но и упаковку, переупаковку, штучный подбор, формирование наборов.

2. Помимо оказания услуг, 3PL-оператор должен еще эффективно взаимодействовать со своими клиентами - быстро и максимально прозрачно для них и для себя выставлять стоимость услуг. Чтобы отвечать всем этим требованиям, 3PL-оператору недостаточно обзавестись только мощной WMS-системой, позволяющей осуществлять функции приемки, отгрузки, кросс-докинга, штучного подбора и позволяющей учитывать различные требования к хранению товаров, сроки годности и оборачиваемость товаров от разных поставщиков. Необходима система биллинга, которая позволит иметь точную и достоверную информацию о стоимости каждой складской операции

## 7.Анализ факторов, воздействующих на развитие информационных технологий в российских компаниях.( ЕТОМ -анализ)

<b>Фактор</b>	<b>Событие</b>	<b>Вес фактора</b>	<b>Важность фактора [1-10 баллов]</b>	<b>Влияние на стратегию компании</b>
экономический	экономическая стабильность в стране	3	10	30
	единая валюта оплаты	1	3	3
	деятельность транснациональных компаний и глобализация	2	-4	-8
<b>Итого: 25</b>				
политический	интеграция новых ИТ в российский бизнес	1	5	5
	защитные меры правительства	2	7	14
	сильное государственное влияние на деятельность коммерческих структур на территории Узбекистана	3	10	10
<b>Итого: 29</b>				
технологический	нахождение конкурентных преимуществ на рынке за счет развития ИТ технологий	2	6	12
	Эффективность внедрения ИТ в российский рынок логистики	1	3	3
	Скорость и точность предоставления информации	3	8	24
	Дополнительная интеграционная платформа для обмена информацией со своими клиентами	8	8	8
	Единая система обмена информацией между компаниями	8	8	8
<b>Итого: 39</b>				
конкурентный	укрупнение и модернизация бизнеса	1	5	5

	ожесточение конкуренции на растущем рынке	2	10	20
Итого: -25				
Сумма положительной составляющей оценки:				130
Сумма отрицательной составляющей оценки:				-8

Суммируя данные таблицы можно прийти к выводу, что в анализе факторов развития преобладают позитивные факторы. Это значит, что рынок развивается быстрыми темпами и завоевывает дополнительные ниши на рынке

## 9. Анализ степени риска по индексу БЕРИ внедрения новых ИТ на рынке логистических услуг.

Система оценки рисков от внедрения ИТ на рынке коммерческой логистики по " INDEX BERI "

критерии	коэффициент
Политическая стабильность в стране	1,5
Отношение к иностранным инвесторам	1,5
Привлечение инвестиций в виде ИТ технологий	1,5
Полный географический охват логистических провайдеров	1,5
Инновационный процесс	2,5
Экономический рост	2,5
Конвертация валюты	1,5
Трансакционные издержки	2,5
Наличие квалифицированных кадров	1,5
Связь и транспортное сообщение	1,5
Вхождение иностранных игроков рынка на российский рынок	1,5
Возможность краткосрочных кредитов	25
Общее количество	

Наши расчеты показали, что у компаний коэффициент оценки рисков равен 25 т.е. это значит, что внедрение ИТ на российский рынок коммерческой логистики преобладает позитивные факторы и развитие рынка ожидается стабильным.

## 10. Определите и разработайте меры по решению проблемы, заданной в кейсе

Меры по эффективному использованию и внедрению ИТ в российских компаниях, предоставляющих услуги складской логистики.

1. Развитие ИТ в соответствии с тенденциями рыночного сегмента
2. Рост количества внедренных WMS-систем.
  
3. Внедрение на рынок коммерческой логистики, новой модели интеграции SaaS (Software as a Service)
4. Внедрение на рынок складской логистики, инновационных процессов в виде автоматизированных устройств для складов
5. Укрупнение и глобализация бизнеса складской логистики т.е появление глобальных логистических цепочек.
6. Внедрение и использование информационные системы, способные управлять глобальными цепями поставок на рынке складской логистики.

#### **4.ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ**

##### **4.1 МОДЕЛЬ КЕЙС-ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ НА УЧЕБНОМ ЗАНЯТИИ**

<i>Тема</i>	Использование логистических методов в сфере коммерческой логистики
<i>Количество студентов:</i> 25...чел.	<i>Время - ... часа</i>
<i>Форма учебного занятия</i>	Семинар по расширению и углублению знаний, отработке умений
<i>План семинара</i>	<p>1. Введение в учебное занятие.</p> <p>2. Актуализация знаний.</p> <p>3. Работа с кейсом в мини-группах.</p> <p>4. Презентация результатов.</p> <p>5. Дискуссия, оценка и выбор приоритетной идеи разрешения проблемной ситуации.</p> <p>6. Заключение. Оценка деятельности групп и студентов, степени достижения цели учебного занятия.</p>
<i>Цель учебного занятия:</i> Углубить знания у студентов о коммерческой логистике как об эффективной форме ведения бизнеса в индустрии предоставления услуг, научить анализировать практическую проблемную ситуацию и принимать обоснованные управленческие решения.	
<i>Результаты учебной деятельности:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• характеризуют специфику коммерческой логистики</li> <li>• анализируют факторы, влияющие на развитие компаний, предоставляющих услуги складской логистики;</li> <li>• перечисляют преимущества и выгоды, которые дает развитие рынка складской логистики</li> <li>• анализируют и выделяют основные проблемы, связанные с предоставлением логистических услуг;</li> </ul> <p>Обладают аналитическими навыками решать конкретную ситуацию и учатся принимать управленческие решения.</p>	<i>Задачи преподавателя:</i> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. закрепить и углубить знания по теме выработать навыки анализа проблемной ситуации, формулирования проблемы и подпроблем, постановки задач и разработки алгоритма действий по их разрешению, принятия экономически обоснованного решения,</li> <li>2. развить навыки обосновывать и защищать выработанную точку зрения, культуру дискуссии, коммуникативные навыки.</li> </ol>

<i>Методы обучения</i>	Кейс-стади, обсуждение, стат. анализ. ЕТОМ-анализ, индекс БЕРИ
<i>Средства обучения</i>	Доска, компьютерные технологии, кейс, методические рекомендации для индивидуальной работы с кейсом
<i>Формы обучения</i>	Индивидуальная, фронтальная, коллективная, работа в группах
<i>Условия обучения</i>	Кейс, методические рекомендации для групповой работы с кейсом
<i>Мониторинг и оценка</i>	Наблюдение, блиц-опрос, презентация, взаимооценка, оценка

#### 4.2 Технологическая карта учебного занятия

Этапы, время	Деятельность	
	Преподавателя	студентов
Подготовительный этап	Подготавливает и заблаговременно раздает студентам материалы кейса для ознакомления и решения проблемы Дает задание самостоятельно провести анализ, заданной ситуации	Самостоятельно знакомятся с содержанием кейса. Индивидуально анализируют ситуацию
1 этап. Введение в учебное занятие (10 мин.)	1.1. Сообщает тему, цель, планируемые результаты учебного занятия. 1.2. Разъясняет назначение данного кейса и его влияние на профессионализацию. 1.3. Знакомит с порядком работы на семинаре, показателями и критериями оценки	Слушают, задают уточняющие вопросы.
2 этап. Основной (50 мин.)	2.1. Проводит блиц-опрос для актуализации знаний студентов по теме:  2.2. Делит студентов на группы. Знакомит с правилами работы в группе Дает задание: обсудить результаты индивидуальной работы с	Отвечают на вопросы. Обсуждают, задают уточняющие вопросы.  Выполняют учебное задание.

	<p>кейсом, заполнить лист коллективного анализа ситуации, оценить и выбрать приоритетные идеи индивидуального разрешения проблемной ситуации, подготовиться к презентации.</p> <p>2.3. Координирует, консультирует, направляет учебную деятельность. Проверяет и оценивает результаты индивидуальной работы: дом. задание</p>	
	<p>2.4. Организует презентацию, обсуждение и взаимооценку презентаций. Комментирует, корректирует ответы, особо обращает внимание на выводы, сделанные в процессе анализа и разрешения ситуации.</p> <p>2.5. Сообщает свой вариант решения кейса</p>	<p>Группы проводят презентацию результатов работы. Участвуют в дискуссии, задают вопросы, оценивают.</p>
3 этап. Заключи- тельно- оценочный (20 мин.)	<p>3.1. Подводит итоги занятия, обобщает результаты учебной деятельности, объявляет оценки индивидуальной и совместной работы. Отмечает значимость полученных знаний для будущей профессиональной и учебной деятельности.</p>	<p>Слушают, задают уточняющие вопросы.</p>

---

**ЎРМОНОВ Н.Т., АНВАРОВ Ў.А.**

**«Ўрта осиё мутафаккирларининг иқтисодий  
ғоялари» фанидан «Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий  
қарашлари» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий қарашлари  
ҳақида»***

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Ўрта осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари”

**Мавзунинг номи:** Юсуф Хос Хожибнинг иқтисодий қараашлари.

**Кейснинг мақсади:** Талаба(Кейсолог)ларда мавзу бўйича маълумотларни ўрганиш, тахлил қилиш, кўнмкмаларни ривожлантириш, билимларни чуқурлаштириш ва янги иқтисодий сиёсатни асослаш(ишлаб чиқиш)дан иборат

**Ўқув фаолиятидан кутилаётган натижалар:**

Илк уйғониш давридаги иқтисодий атамалар ва улардан фойдаланиш усуллари тўғрисидаги тушунча(билим)ларнинг чуқурлашуви, мавжуд муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятни тахлил қилиш, давлатнинг иқтисодий сиёсатига оид муаммони аниқлаш, муаммо ечими бўйича муқобил(альтернатив) йўналишларни ишлаб чиқиш.

**Талаба кейсни муваффақиятли бажариш учун ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисидаги маълумотларни ўз даври нуқтаи назаридан ўзлаштира олиши, мустақил иқтисодий фикрлаш малакаси ҳамда илмий-тариҳий далиллар асосида гурухий мунозара қилиш кўникмаси ва муқобил қарор қабул қилиш маҳоратига эга бўлиши керак.**

**Кейс бажариш бўйича талабаларнинг билими, ўқуви ва кўникмасига қўйиладиган талаблар.**

**a) Талаба(Кейсолог)лар аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.:**

– Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг асосий иқтисодий мероси;  
– қўллёзма ва чоп этилган асарлардаги асосий иқтисодий категориялар;

– мутафаккирлар баён этган иқтисодий ғояларнинг моҳияти;  
– мамлакат ривожига иқтисодий ғояларнинг таъсири тўғрисида.

**b) Талаба(Кейсолог)лар яхши тушунишилари ва билишилари керак.:**

– Ўрта Осиё иқтисодий тараққиётига олиб келган ғоялар ва иқтисодий сиёсатнинг мазмунини;  
– иқтисодий ривожланиш сабабларини;  
– ўтмишдаги ижобий ғояларнинг иқтисодий таълимот ёки назариялар даражасига эришмаганлигини;  
– Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари ривожидаги чекланганликни.

**c) Талаба(Кейсолог)лар бажара олиши кўникмаларига эга бўлиши лозим.:**

– турли даврдаги иқтисодий ғояларни умумлаштириш ва тахлил этиш;  
– улардан илмий-амалий хулосалар чиқариш ва таклифлар берга

олиш;

– асосий иқтисодий категорияларга берилган таърифларнинг уша давр ва ҳозирги замон учун ахамиятини очиб бериш;

– ҳозирги замонавий иқтисодий таълимотлар ва назариялари билан солиштира олиш.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг назарий таҳлил асосида ишлаб чиқилган**

**Кейсда фойдаланиш учун зарур бўлган асосий манбалар:**

➤ Содиков З., Сиддиқов Қ. «Қутадғу билиг»нинг янги таржимаси // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2007 йил 6 апрел, №14.

➤ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. / Б.Тўхлиевнинг ҳозирги ўзбек тилидаги баёни. Тошкент, ”Юлдузча”, 1989.

➤ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. / К.Каримовнинг ўзбекча илмий тавсифи . Тошкент, 1971.

Юқоридаги адабиётлар билан бир қаторда мавзуни муҳокама қилишни кенгайтирувчи тарихий манбалар рўйхати иловада келтирилган.

**Кейснинг типологик белгиларига кўра таснифи**

Типологик белгилар	Кейс тури
1.Асосий манба	Илмий тадқиқот(тарихий иқтисодий)
2.Сюжет мавжудлиги	Сюжетли
3.Вазиятнинг замоний кетма-кетликда изоҳланиши	Вактни орқа(IX-XIIасрлар)га қайтариш орқали хотиралаш кейси
4.Кейс обьекти	Ташкилий –институционал мухит(Ўрта Осиёдаги ижтимоий иқтисодий вазият)
5.Материалларни тақдим этиш усули	Тарихий фактлар ва илмий мерос
6.Ҳажми	Ўртадан каттароқ
7.Тузилмавий хусусиятлари	Тартиблашмаган
8.Ўқув топширигини тақдим этиш усули	Кейс-топшириқ
9.Жамлов усули	Кўлёзма(компьютер)да

**Дидактик мақсадларга кўра, кейс** - тренинг характерига эга. У энг муҳим иқтисодий ғояни танлаш бўйича талабаларда малака ва

кўникмани шакллантиришга қаратилган. Талабаларда таҳлил этиш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида зарур ахборот, кейс муаммоси, вазифалар ва уларни ечиш алгоритми изчиллик билан баён этилган.

**Кейснинг афзаликлариға қуйидагилар киради:**

Ўқув жараёнини кейс – технология бўйича ўқитишида талаба(Кейсолог)ларда ўз иш фаолиятини ташкил этишни таъминловчи ва унинг натижавий баҳосини белгиловчи «Вазиятни таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш ва рақа»си мавжуд.

Ушбу кейсдан – «Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий гоялари», «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанларининг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

## **КИРИШ**

«Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари» фани бўйича тайёрланган **КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯ** магистратура талабаларининг билим малака ва қўникмаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Миллий маънавий меросимизда жамият тараққиётiga ижобий ҳизмат килган ижтимоий-иқтисодий ғоялар бўлгандилиги тарихдан маълум.

Шу боис, мамлакатимизда шаклланаётган миллий иқтисодий тафаккурнинг инсонпарвар ва умумбашарий булишилиги учун миллий кадриятларни ҳам синчиклаб ўрганиш бекиёс аҳамият касб этади. Бинобарин, жамият тараққиётiga фаол таъсир этадиган омиллардан бири пухта ишлаб чиқилган ғоялар, иқтисодий ғояларлар ва таълимотлар ҳисобланади

Бўлажак мутахассислар бу **КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯ** ёрдамида авлод-аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва уни амалиётда куллаш йўлларини ишлаб чикиш имконига эга буладилар. Чунки талабаларнинг ўтмишдаги иқтисодий қарашлар ва ғоялар, ҳамда олиб борилган иқтисодий сиёsat юзасидан ҳолис хulosса чиқаришлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади.

Ушбу **КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯДА IX-XII асрларда** яшаб ўтган мутафаккирларнинг ғоялари ўрганилади..

**КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯда ўқитишининг асосий мақсади** – жаҳон цивилизацияси ривожига мухим ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик донишмандларнинг иқтисодий ғояларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, умумлаштириш, илмий таҳлил этиш асосида, бу ғояларнинг аҳамияти ва ҳозирги даврида талқинини беришдан иборат.

**КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯда ўқитишининг асосий вазифалари:**

⇒ Ўрта Осиёда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг асосий иқтисодий меросини ўрганиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, улардан ҳам илмий ҳам амалий хulosалар чиқариш, таклифлар бера олиш;

⇒ қўлёзма, чоп этилган асарларни қунт билан таҳлил этиш асосида, асосий иқтисодий категорияларга берилган таъриф, уларнинг ўша давр ва ҳозирги замон учун аҳамиятини очиб бериш;

⇒ таникли мутафаккирлар баён этган иқтисодий ғояларнинг моҳиятини, ва уларнинг мамлакат ривожига қўшган ҳиссасини яхши англаш;

⇒ Ўрта Осиё иқтисодий тараққиётiga олиб келган ғоялар ва иқтисодий сиёsatнинг мазмунини яхши билиш;

⇒ Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари ривожидаги чекланганликни, ҳозирги ғояларлар холати билан солишитира олишни билиш талаб этилади.

## **КЕЙС ТЕХНОЛОГИЯДА ЎҚИТИШНИНГ МОҲИЯТИ**

Талабаларнинг интеллектуал ривожланиш даражаси, руҳий-касбий ва шахсий хусусиятлари бўйича куйидагиларни ҳисобга олиш талаб этилади:

- **тизимли ёндошув:** жараённинг мантиқийлиги, унинг бўлакларининг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги;
- **амалий ёндошув:** шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш;
- талаба фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солиш;
- **диалогик ёндошув:** таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимотини кучайтириш;
- **ҳамкорликдаги таълим:** ўқитувчи ва талабанинг муносабатида фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда аниқлаш;
- **муаммоли ёндошув:** таълим жараёнини муаммони намойиш қилиш асосида талаба билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш, илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш, уларни ҳал қилишдаги диалектик тафаккурни ривожлантириш.

### **Кейс технологияда ўқитишнинг босқичлилиги**

I босқич-якка тартибда аудиториядан ташқари ишлаш босқичи:

- Кейс материаллари билан танишиш
- Баён этилган вазият билан танишиш
- Муаммони шакллантириш
- Муаммони ечиш йўлларини лойихалаш

II босқич-жамоавий ишлаш босқичи:

- Вазиятни гурухда мухокама қилиш
- Шахсий тасаввурларни таққослаш
- Муаммони жамоавий шакллантириш
- Муаммога жамоавий ечим топиш

## **1. XI асрдаги Ўрта Осиё (Мовароуннахр)даги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг умумий тавсифи.**

Ўрта Осиё худуди IX асрнинг сўнгти чорагидан бошлаб, Араб халифалигига тобеликдан чиқди. Ўрта Осиё худудини яхлит равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Бироқ, бу худудни маҳаллий ҳукмдорлар – Сомонийлар (892-1005), сўнгра Қораҳонийлар(840-1212/1213) ундан сал кейинроқ эса Ғазнавийлар(962-1183), Салжуқийлар(1040-1157) ва Хоразмшоҳ (Ануштегин)лар(1077-1231) томонидан идора этиш бошланди.

Айни чоғда Мовароуннахр 999 йилдан Қораҳонийларнинг шунингдек Ҳоразм эса, дастлаб Ғазнавийлар, кейинчалик Салжуқийлар қўл остига ўтди. XI асрнинг сўнгти чораги(1077)га келиб, ҳоразмлик Ануштегин салжуқий ҳукмдор Султон Маликшоҳнинг яқин аёнларидан бири сифатида Ҳоразм шихналиги(коменданти)га тайинланди. Бундай шароитда маҳаллий ҳукмдорларнинг **сепаратистик(айирмачилик)** қарашлари яккаҳукмдорликка интилишлари асосида кучайиб борди.

Қораҳонийлар давлатининг кенгайиши 1041 йилга келиб, уни икки қисмга: Шарқий қисм (Болосоғун) ва Ғарбий қисмга бўлинишига сабаб бўлган. Буюк Ипак Йўлидаги карvon йўлларини мустаҳкамлашда Қораҳонийларнинг ҳизмати катта бўлган. Масалан, Самарқанд – Бухоро йўлидаги йирик чегара ва савдо бекати Чўли Маликда Работи-Малик(Шоҳ Работи)нинг барпо этлиши бунга мисол хисобланади. 1089 йилга келиб Термиз, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўзган оралиғидаги худуд Қораҳонийлар ва Салжуқийларнинг биргаликда эътиборида бўлган худудга айланди. Бу худуд иккала ҳукмдорлар учун хам ўта манфаатли хисобланарди. Чунки, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубнинг карvon йўналишлари бу шаҳарлардан ўтиши йўлга қўйилган.

Бу пайтда деҳқончилик ва хунармандчиликнинг равнақи юз берди. Жумладан, темирчилик, кулолчилик, шишаозлиқ, заргарлик, тўқимачилик, тикувчилик каби ўттиздан ортиқ соҳалар ривож топди. Ҳатто, хорижий савдогарлар учун савдо кўргазмалари уюштирилган.

XI асрнинг иккинчи ярмига келиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланишга қаратилган ва мамлакатни ислоҳ этишни ифодаловчи турлича ёндашувдаги асарлар яратилди.

- 1. Юсуф хос Ҳожиб (1020-1090) - Қутадғу билиг(1069-1070-йиллар, 72 боб 13 минг мисра).**
- 2. Кайковус(1022-1089) - Қобуснома(1082-1083йил, 44 боб).**
- 3. Низомулмулқ(1017-1092) - Сиёсатнома(1091йил, 39фасл).**
- 4. Махмуд Қошғарий(XI аср) – Девони луғотит турк(1071-1072).**

Ушбу асарларда иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда ноиқтисодий омиллардан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилган. Айниқса, “Қутадғу билиг” асари түғрисида алохida тұхталиш талаб этилади.

## **2. Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари түғрисида маълумот.**

Қорахоний ҳукмдор Тамғоч Қора Бўғрохон(1074-1102/1103)нинг эътиборини қозонгани учун ушбу асар муаллифига Хос Ҳожиб(Эшик оғаси) унвони берилган. Бу унвон ҳукмдорнинг махаллий худудлар хокимлари ҳамда хорижий мамлакат әлчилари билан муносабатларни мустахкамлашда қўшган хиссалари учун инъом этилади. Асарда жамиятнинг ривожланишидаги тўрт устун: Адолат, Давлат, Ақлу-Заковат ва Қаноат зарурлиги мажозий тушунчалар – образлар орқали баён этилган. Булар “Кунтуғди”, “Ойтўлди”, “Ўғдулмиш”, “Ўзғурмиш” асарда марказлашган давлат тузиш, низо ва адватга бархам бериш асосида давлатни мустахкамлаш ҳамда маърифатпарварлик, ободончилик, моддий ва маънавий тадбирлар билан давлатни адолатли бошқариш ишини ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, ҳалқ ғамини ейиш хақидаги фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, Ўрта Осиё худудида сулолавий қарама-қаршиликларга бархам бериш асосида ўлканинг парчаланишига йўл қўймаслик ғояси илгари сурилган.

Ушбу асар илк марта туркий тилдаги йирик маънавий мерослиги билан ҳам қадрлидир. Хозиргача турли мамлакатларда асарнинг қайта-қайта нашр этилаётганлиги барча замонлар учун бебаҳо эканлигидир. Масалан, АҚШнинг Чикаго Университети Профессори Роберт Денкофф томонидан 1983-йилдаги инглиз тилидаги таржимаси(281 сахифа 6646 байт)нинг мавжудлиги ҳамда бу асардан бакалавриат таълимидаги фойдаланилаётганлиги диққатга сазовор хисобланади. Айни чоғда ушбу китоб 1998-йилда Калифорния Академиясининг Қирғизистондаги филиали таъсисчилегида инглиз шоири ва таржимони Уолтер Мей томонидан бадиий таржима(Yusuf Balasaguni “Beneficent knowladge”) қилинган. Таржима 212 сахифадан иборат бўлиб, 6646 байтни ўз ичига олади.

Асар қаҳрамонлари түғрисида қуйидаги парчага эътибор қаратайлик:  
“... Бу китоб асосида тўрт нарса ётади.

Бири тўғрилилка таянч – АДОЛАТ,  
Бири -ДАВЛАТ эрур, у қутли ғоят.  
Учинчи – улуғлик АҚЛ ҳам ЗАКО,  
Тўртинчи – ҚАНОАТ эрур бебаҳо.

Буларнинг хар бири яна алохida-алохida номларга эга.

Адолатнинг номи –КУНТУҒДИ. У асарда *Элиг* вазифасида келади. Элиг подшо демакдир.

Давлатнинг исми – ОЙТҮЛДИ. У *вазир* мансабида.

Заковат ақл эса – ЎҒДУЛМИШ дейилган. Ўғдулмиш Ойтүлдининг ўғли сифатида намоён бўлади.

Қаноат – ЎЗГУРМИШ номини олади. У асарда вазирнинг қариндоши сифатида кўринади.”

Асар мазмунига чуқур эътибор билан қаралса ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ривожланиши ноиктисодий омиллар орқали тушунтирилганлигини пайқаш мумкин.

**Асарда бойлик(давлат) тушунчасининг шархи Ойтүлдининг тилидан қуийдагиларда ифодаланади:**

1. ... Тўп давлатга жуда ўҳшайди. Уларнинг иккаласи хам бир жойда тўхтаб турмайди, юмалаб кетаверади.

2. Менга кулиб боққанингда кўзларимни юмиб олишимга сабаб, давлатнинг кўзи кўр эканлигини уқтириш эди. Бойлик билан давлат кўзи кўр одамларга ўҳшайди. Ким бойлик ва давлатнинг қўлидан тутса ўшанга эргашиб кетаверади: Бу яхши мана буниси эса ёмон, деб ажратиб ўтирумайди. Оқар сув, йўриқ тил ва қут бир жойда тўхтаб турмайди. ...  
Бахт – давлат хам бир жойда қўним билмайди.

3. ... Кишиларга нафи тегадиган бўлса албатта мен туфайли бўлади. ...  
Ҳар қандай истак мен туфайли қўл беради.

4. Мен (яъни Ой) ўзгариб янгиланиб тураман. .... Менинг ягона нуқсоним ўзгарувчанлигим.

5. Мен кийикка ўҳшайман... мени қўлга киритган одам қаттиқ ушласагина ундан қочолмаслигим мумкин.

#### **Ойтүлдининг фикрича:**

**А) Бойликни қўлга киритиш учун:** қилиғи равон, кўнгли юмшоқ, тил ва сўзи ширин бўлиши лозим. Ўзини эхтиёт қилса, ғуурланмаса, ёвуз ва ярамас ишларга яқин турмаса кифоя. У катталарга ҳизматни, кичикларга ширин сўзни рано билсин. Гердайиб одамларни оёқ ости қилмаса, ўзидан кичикларга менсимай қарамаса, феъл-атворини тўғриликда тутса яхши.

**Б) давлатли ва баҳтиёр бўлиш йўли:** зарифлик, дили равшанлик, камтарлик, ёзув – ярамаслардан узоқ туриш, ўзидан улуғларни хурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, хасаддан йироқлик, исрофгарчиликдан асраниш, ҳийла алдовлардан йироқ туриш.

**В) Ўз исмининг маъноси:** Ой туғса энг аввал у кичик бўлар кунига улуғлаб юқори оғар... Менинг ўзлигим хам шу янглиғ эрур. Гоҳо бор бўлурман, гоҳо йўқ бўлур.

#### **Кунтуғди тўғрисида қуийдагилар эътиборга лойик:**

**А)** Элиг уч оёқли курсида ўтирас, унинг қўлида ўткир пичоқ, ўнг томонида шакар, сўл томони захар.

**Б)** ... Менинг захаримни ул одам ичар – ўзи золим бўлса, ростлиқдан қочар.

**В)** ... Менниң қилиғим ҳам қүёшга қиёс, адолатим ортар у бўлмагай оз.

**Г)** Суқ эса қилиғи, кўп хасис ўзи жохил бўлса, ёки уятсиз кўзи.

Ғазаб қилса элга, қаҳр эса йўли, нафи йўқ, май қули, ё эгри қўли.

**Ўғдулмишнинг фикрлариға қўра:**

**А)** Инсоннинг баҳтиёрги фойдали фазилатлар(эзгулик, ростлик, ҳаё) билан бадбахтлиги эса ,ярамас одатлар(ўжарлик ва феъли ёмонлик, ёлғончилик, баҳил ва пасткашлиқ) билан юзага чиқади.

**Б)** Давлат ўқув идрокли донишманд кишига кўпроқ мос бўлади. Давлат нодон билан фақат ёнма-ён туради, бироқ у доно билан хақиқий гўзаллик касб этади.

**В)** Бу дунёда олтин ва кумуш ниҳоятда қимматли нарса. Аммо ўзини тутган киши улардан ҳам қадрлироқ.

**Г)** Дунёда одамзод фарзанди турли юмушлар билан банд. Шунча харакатлар боиси томоқ ва кийимдир.

**Д)** Бошлиқ беш ишдан узоқ турмоғи шарт: бириси шошилмоқ, бири кўзи очлик, бири жаҳолатдир, яқинлашма қоч, тўртинчи – ёвузлик, бузук феъллилик, оҳиргиси ёлғон қўпол тиллилик.

**Е)** Эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади: бири адолат кўрсатиш, иккинчиси улардан марҳаматни аямаслиқдир.

**Ё)** Вазир ёмон бўлмагунча бу даргоҳга ёмонлар ёндоша олмайди. ... Вазир юрт бошлиғига кенгашчи бўлади.

**Ж)** Лашкарбоши тадбиркор бўлиши лозим.

**З)** Элчи учун хос бўлган хислатлар билимдонлик, босиқлик, хотиржамлик, чечанлик ва тадбиркорликдир. ...Элчи кўзи тўқ кўнгли бой бўлиб феълидаги айбу нуқсонларини аритмоғлиги керак.

**К)** Котиб сўзни ҳамиша сир сақлаши жоиз, доно, идроклигина эмас, хати хуш, сўзи гўзал бўлсин.

**Л)** Ҳизмат қилувчи ходимларнинг хақлари учун энг аввало ош сув, емак-ичмак билан тўла таъминлансан. Ҳизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Одамзот манфаат топадиган бўлса эзгуликка қул бўлади. Бошқалар меҳнатининг қадрига етиш инсонийликнинг энг иирик аломатидир. Ҳизмат қилувчи ходим билан эл бошлиғи харидор билан сотувчига ўхшайди. Эл бошлиғи учун аскар гўё күшнинг қаноти ва пати мисолидир. Санъат ва хунар оқ қушга ўхшайди. Хумо қуш соясига тушган одам давлат ва саодатга эришганидай, хунар ва санъат эгалари ҳам баҳтиёр бўлади. Бошлиқ бой эмас халқ тўқ бўлсин. Кўпчиликни бошқаришнинг, идора қилишнинг икки усули бор: бири қилич бошқаси саховат.

**М)** Адолат сувга, зулм ўтга ўхшайди. Зулмни юзага келтирувчи учта сабаб бор: ғофиллик ва айш-ишратга берилиш, заифлик, суқ ва очкўзлик.

**Н)** Доно турли хислатлар билан хислатланган тадбиркор оқил ишбилармон аммо дунёдан юз ўғирган.

### **Кунтуғдининг Ўзғурмушга хатидаги муроҳазалар:**

**А)** Тоат қилиш учун энг қулай жой шаҳар ва қишлоқ, яъни одамлар орасидир.

**Б)** Намоз рўза бари ўз нафинг эрур, ўз нафин талаган бағирсиз бўлур.

Киши эзгуси шу ўз нафин қўйиб, бўлаклар нафини деса кўп куйиб.

### **Ўзғурмишнинг (Кунтуғдига) жавобидаги муроҳазалар:**

**А)** Киши аввало ортиқча орзу истаклардан ўзини чегаралаб қўйиши керак, хою-хавасларни енгиш воситаси – ўқув, ақлу-идроқдур.

**Б)** Кишилар орасига қўшилиш ибодатдан қолишдир.

**В)** Оила қуриш ва фарзанднинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради.

**Г)** Жўра, улфат тутишнинг келтирадиган юки бор. Жўра кўнгли синса бўлар ички ёв, кайда ёв бўларкан кеки беаёв.

**Д)** Дунёнинг барча нуқсонлари севганга фазилат бўлиб туюлади.

**Е)** Дунё кўланкага ўхшайди.

**Ё)** Дунё лаззатларининг энг кераклиси – тинч омон хаёт кечириш.

**Ж)** Бу дунёдаги энг йирик ёв – нафсинг. Унинг тузоғи доимо ёйик. Бу туфайли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Нафсдан хам даҳшатли ёв – бойлик.

**З)** Кўпроқ наф – билим ва ақл-идроқданур.

**К)** Лаззатлар кетидан қувма бунинг охири азоб.

**Л)** Киши фақирлиқда яшаса қашшоқ ,эзгу ишни ташлар бойигани чоқ.

**М)** Кишилар орасида энг яхиси -вафоли кишидир.

### **Ўғдулмишнинг Ўзғурмишга айтган муроҳазалари:**

**А)** Дағалга мулойим, аччиқ сўзга ширин жавоб бера олиш, ҳам мардлик.

**Б)** Кишилар қўлидан юкини олиб, вафо йўлидан юриш жасурларга хос.

**В)** Сабру қаноатни парда қилиб олган хар бир нодон зоҳидликка эриша олади.

**Г)** Бошқаларнинг эмас ,ўз айбингни кўр.

**Д)** Ҳизмат қилмоқ урф одатларини илк ёшлигидан ўрганиш ва муносиб хатти харакатлар қилиш севинчга сазовор қиласди.

**Е)** Уч нарсага қўшнилиқ қилмагин: бири тез оқар катта сув, иккинчиси ёниб турган олов, учинчиси беклардир. Яна учта иш борки одамни хароб қиласди: бири қаттиқлик ва хасислик, яна бири ёлғон яшиқларга аралашиш, охиргиси сукълик.

**Ё)** Ёвнинг сони кам бўлса ҳам зарари кўп.

**Ж)** Керакли кишилар олим, юлдузчилар, дехқон, шоир, савдогар, чорвадор, хунармандлар, камбағаллар, ўғил-қиз.

**З)** Улуг бўлсанг камтар тутгин ўзингни.

**К)** Мехмондорчилик фазилати ва зиёфат одоби.

**Л)** Бугунги ишингни қўймагин кейин, кейин қолган ишлар бўлади қийин

**М)** Ёмонга ёндошма юқтураг бало, эзгу элга яқин бўлгин доимо.

**Н)** Шаҳар қишлоғингдан ёмонни арит, мусоғир карвонлар осойишин эт.

**О)** Эл ичра қолмасин зўравон ёмон, ташингда топмасин қароқчи макон.

**П)** Яна бу эл ичра тоифаси кўп. ундан ўзинг айириб олсанг нафи тегар хўп. Ундан бири доно олимлар эрур, олимлар оламга саодат берур.

**Р)** Булардан бўлаги авомдир қора, уларгаadolat қўзила қара.

**С)** Раият хақи бор булар уч бўлак, хақини ўтагин бажо қил тилак, иёр ишини доимо бебок. Яна бир уларгаadolat юрит улар ўртасида низони қурит. Учинчи эмин тут бутун йўлларинг, қароқчи қўлини кессин қўлларинг.

**Т)** Сотувчи соз этса омонатларин, ҳунармандлар этса насиҳатларин, дехқонлар ишга киритса мадор, кўпайтирса молин бутун чорвадор.

**У)** Бекликнинг тўрт асос илдизи: 1 – тили тўғри, сўзи чин бутун бўлсин; 2 – эл юрт учун қонун қоидалар мутлақо мувоғиқ тузилсин; 3 – муруватли бўлиш; 4 – жасур ва ботир бўлиш.

**Ф)** Беклар эл ичидағи учта тоифани эсда тутиши лозим: 1 – мерган ботирлар; 2 – доишмандлар; 3 – кирим-чиқимни билгувчи котиблар.

**Х)** Фалокатга сабабчи учта холат: овчи итнинг семириши; қўлга ўргатилган қушнинг тўйиб кетиши; нафснинг камол топиши. Буларнинг энг ёмони учинчиси.

### **3. Талабалар учун топшириқлар**

**3.1. Мазкур мұхитни ўрганиш ва мутафаккирларнинг асарларини таҳлил қилиш асосида муаммони шакллантириш ва ечимини таклиф этиш керак. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади.**

1. X1 асрда яшаган Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг қандай асарларини биласиз?

2. X1 асрда яшаган Ўрта Осиёлик мутафаккирлар асарларининг иқтисодий тафаккур ривожланишидаги ўрнини изоҳланг?

3. Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асари ёзилган даври тўғрисида нималар биласиз?

4. Асада келтирилган ривоятларнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларга алоқадорлигини таърифлаб беринг.

5. Юсуф Хос Ҳожибининг қандай иқтисодий қарашларини биласиз?

6. Асадаги аҳлоқий ва иқтисодий муаммолар ўртасидаги нисбатга муносабат қандай ёритилган?

7.Юсуф Хос Ҳожибнинг асосий ижтимоий-иктисодий ғоялари нималардан иборат?

8. “Қутадғу билиг” асарида ифода этилган бош ғояни айтиб бера оласизми?

9.Олим фикрича мамлакат ривожи нималарга боғлиқ ва истиқбол (башорат) қандай бўлиши керак?

10. Асарда ихтинослашув масалаларига қандай баҳо берилади?

11.Бошқарувчиларнинг асосий фазилатлари қандай бўлиши керак?

12.Асарда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларининг ёритилиш даражаси қандай?

13.“Қутадғу билиг” асарида меҳнат ва ҳалол бойлик муаммоларининг хал этилиш йўллари қандай белгиланган?

14.Менежмент борасидаги ва меҳнатнинг рағбатлантирилиши тўғрисида қандай ғояларни биласиз?

15.Раятнинг ҳукмдордан асосий илтимослари нималарда ифодаланади?

16.Ҳокимларнинг раиятдан талаб қиласидаги соҳалари нима?

17.Юсуф Хос Ҳожиб иктиносидаги қарашлари ва ҳозирги замон ғоялари ўртасидаги умумийлик нима?

18.Маънавият ва иктиносидаги уйғунлиги тўғрисида нималарни биласиз?

19.Мазкур асарнинг ҳозирги даврдаги (Давлат бошқаруви, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя) аҳамияти?

### **3.2. Кейс вазияти**

1. XI асрда Ўрта Осиёning ижтимоий-иктисодий аҳволи.

2. Ўрта Осиёning XI асрдаги мутафаккирларининг ижтимоий-иктисодий мавзудаги асарлари.

3. Қорахонийлар давлатининг XI асрдаги ривожланиш хусусиятлари.

4. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг ёзилиш тарихи.

5. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги қаҳрамонлар образининг ижтимоий-иктисодий жараёнларга алоқадорлиги.

6. Асардаги ижтимоий-иктисодий қарашларнинг туркумланиши.

7. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Қорахонийлар давлатининг равнақ топишидаги аҳамияти.


8. Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-иктисодий қарашларидан фойдаланиш жиҳатлари.

### **3.3. Кейс муаммоси**

**Мамлакатни модернизациялаш шароитида жадал ижтимоий – иктиносидаги ривожланишга эришиш учун Юсуф Хос Ҳожибнинг иктиносидаги қарашларидан қандай ёндошувдан бош иктиносидаги ғоя сифатида фойдаланиш керак.**

#### 4. ЕЧИШ АЛГОРИТМИ

**МУАММО:** Мамлакатни модернизациялаш шароитида жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишга эришиш учун Юсуф Хос Хожибнинг иктиносидий қарашларидағи қандай ёндошувдан бош иктиносидий ғоя сифатида фойдаланиш керак.



## **5. Вазият ечимини тахлил этиш варақаси ва баҳолаш мезонлари.**

### **5.1. Вазият ечимини тахлил этиш варақаси**

**1.босқич: Якка тартибда аудиториядан ташқари ишилди босқичи:**

**Кейс материаллари билан танишиш. Муаммони шакллантириш**

Тахлил босқичлари	Фаолият мазмуни	Баҳо мезони. балл
1.1. Баён этилган вазият билан танишиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ XI асрда Ўрта Осиёнинг ижтимоий-иктисодий аҳволини ўрганиш.</li> <li>➤ Қорахонийлар давлатининг XI асрдаги ривожланиш хусусиятларини ўрганиш.</li> </ul>	Максимал балл-0.2
1.2. Асарни тахлил қилишдаги усул ва воситаларни танлаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Инсерт усули.</li> <li>➤ Т схема.</li> <li>➤ Кластер.</li> <li>➤ Вен диаграммаси.</li> <li>➤ Ақлий хужум.</li> </ul>	
1.3. Ижтимоий иқтисодий мавзудаги асарлар билан танишиш.	<p>Ўрта Осиёнинг XI асрдаги мутафаккирларининг ижтимоий-иктисодий мавзудаги асарлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Низомулмулкнинг “Сиёсанома” асари</li> <li>➤ Кайковуснинг “Қобуснома” асари</li> <li>➤ Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг” асари хусусиятларини ўрганиш.</li> </ul>	Максимал балл-0.3
1.4. Асадаги иқтисодий қарашлар билан танишиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Асада ҳалол бойлик тўплаш йўлларининг белгиланиши.</li> <li>➤ Мехнатни рағбатлантиришга эътибор қаратилиши.</li> <li>➤ Давлат бошқарувига муносабат.</li> </ul>	Максимал балл-0.5
1.5. Иқтисодий гоялар ташхиси	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ XI асрда яшаган Ўрта Осиёлик мутафаккирлар асарларининг иқтисодий тафаккур ривожланишидаги ўрнини изоҳлаш</li> <li>➤ Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг” асаридаги қаҳрамонлар:</li> <li>➤ Кунтуғди</li> <li>➤ Ойтўлди</li> <li>➤ Ўғдулмиш</li> <li>➤ Ўзгурмиш қарашларининг ижтимоий-</li> </ul>	Максимал балл-0.5

	иқтисодий жараёнларга алоқадорлигини аниқлаш. Юсуф Хос Ҳожиб иқтисодий қарапшлари ва ҳозирги замон ғоялари ўртасидаги умумийликни аниқлаш	
<b><i>II босқич-жамоавий ишилаш босқичи:</i></b>		
2.1.Кичик гурухларни тузиш	Гурухлаш мезони сифатида асар қаҳрамонларининг ёндошувларидан фойдаланиш.	Максимал балл-0.2
2.2.Вазият ва иқтисодий қарапшларни таҳлил этиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Вазиятни кичик гурухда мухокама қилиш;</li> <li>➤ шахсий тасаввурларни таққослаш;</li> <li>➤ муаммони жамоавий шакллантириш;</li> </ul>	Максимал балл-0.6
2.3. Иқтисодий қарапшларни баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Асадаги ижтимоий-иқтисодий қарапшларнинг туркумланиши .</li> <li>➤ Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарининг Қорахонийлар давлатининг равнақ топишидаги ахамияти.</li> <li>➤ Маънавият ва иқтисодиёт уйғунлиги түғрисида нималарни биласиз?</li> </ul>	
2.3.Муаммога жамоавий ечим топиш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Мамлакатимиздаги ижтимоий- иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-иқтисодий қарапшларидан фойдаланиш жиҳатларини асослаш.</li> </ul>	Максимал балл-0.7

## 5.2. Баҳолаш мезонлари

Баҳо	Балл	Фоиз	Мезон
Аъло	2.56-3	86-100	Муаммога тўлиқ ечим топиш
Яхши	2.2-2.55	71-85	Ечим топилмасада, кетма-кетликни тўғри ташкил этиш
Қониқарли	1.66-2.1	56-70	Кетма-кетликни тўғри ташкил этмасада, тўғри тушунчалар етарли эмас
Қониқарсиз	0-1.65	0-55	Тасаввурлар тушунчалар сифатида шаклланмаган

## 6. Талабалар учун ўқув - услубий материаллар.

6.1. XI аср (Ўрта Осиё)даги ижтимоий-иқтисодий аҳволни, шунингдек “Қутадғу билиг” асарининг ҳусусиятларини ўрганишда Инсерт усулидан фойдаланиш тавсия этилади.

☞ Кейс материаллари олдиндан танишиш талабага вазифа қилиб берилади. **Инсерт усули** материаллар билан танишишнинг самарали усулларидан бири бўлиб, фикрлаш кўламини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Материаллар билан танишганлик даражаси **Инсерт усулида** қўйидаги белгилар орқали ифодаланади.

V-

+-

-

?-

**6.2. Қорахонийлар давлатининг XI асрдаги ривожланиш хусусиятларининг таҳлилида Т схемадан фойдаланиш тавсия этилади.**

Устиворликлар	Заифликлар
<b>Давлат бошқарувида</b>	<b>Давлат бошқарувида</b> 1) 2) 3)
<b>Ишлаб чиқаришни ривожлантириш</b> 1) 2) 3)	<b>Ишлаб чиқаришни ривожлантириш</b> 1) 2) 3)
<b>Ижтимоий ҳимоя</b> 1) 2) 3)	<b>Ижтимоий ҳимоя</b> 1) 2) 3)
<b>Меҳнат тақсимоти</b> 1) 2) 3)	<b>Меҳнат тақсимоти</b> 1) 2) 3)

**6.3. Мутафаккирларнинг ижтимоий-иктисодий мавзудаги асарлари (Ўрта Осиё XI аср) билан танишишда, улардаги ижтимоий-иктисодий қарашларни туркумлашда **Кластердан ва Вен диаграммасидан** фойдаланиш мақсадга мувофиқ хисобланади.**




**Кластер** (тутам, боғлаш) – маълумот харитасини тузиш воситаси – барча фикр конституциясини аниқлаш учун танланган ғоя атрофида асосий омилларни йигишидан иборат.


Мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича билимларнинг фаоллашишини таъминлайди, эркин ва очик кириб боришга ёрдам беради.

### **Кластерни тузиш қоидаси**

1. Ҳаёлингизга келган барча тушунчаларни ёзинг. Ғоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда фикрлар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қофозга расм чизинг, қачонки янги фикрлар пайдо бўлмагунча.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Тушунчалар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бўйича чегараланманг.

### **Мунозарага доир иқтисодий ғоялар ва назариялар таркиби**





6.4. Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асарининг Қорахонийлар давлати равнақ топишидаги аҳамиятини баҳолашда ҳамда Мамлакатимиздаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда Юсуф Хос Хожибининг ижтимоий-иктисодий қарашларидан фойдаланиш жиҳатларини аниқлашда Ақлий хужум ва кластердан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга.

**Ақлий хужум** - (брейнсторминг –ақлий хужум) фикрлар бўрони - амалий ёки илмий муаммони ҳал қилишда ғояларни коллектив равишда илгари суриш усули.

Ақлий хужум вақтида иштирокчилар биргаликда қийин масала ёки муаммони ечдилар. Иложи борича кўпроқ ғоялар таклиф этилиб, улар танқид остига олинмайди. Бу усулининг афзаллиги ҳам шундан иборат бўлиб, ҳар қандай ғоя, ҳатто мантиқсизлари ҳам ҳисобга олинади. Уларнинг ҳаммаси ёзилади, таҳлил қилинади, баҳоланади ва шундан кейингина улар ичидан энг самарали, оптималь рационал ечими танлаб олинади.

“Коллектив ақлий хужум” да 15 тагача иштирокчи бўлиб, 1 соатгача давом этади.

“Ялпи ақлий хужум” да катта аудитория (60 кишигача), микрогурӯхларда


## **7. Кейсолог(ўқитувчи)нинг жавоб варианти.**

**7.1. Кейс материаллари билан танишиш асосида мавзу бўйича инсерт усули ёрдамида аниqlанган нотаниш тушунчалар учун изоҳли луғат.**


Тушунча номи	Тушунчага изоҳ
1. Сувсар	ХІ асрда ушбу сув ҳайвони “Тийин” деб номланган. Унинг мўйнаси пул муомаласи вазифасини бажарган.
2. Тарифчи	Дехқон
3. Савдо	Инсон танасидаги тўрт унсур(сафро, балғам, қон ва савдо)нинг бири бўлиб сиёҳ ранглидир. Қадимги тиббий қарашларга кўра у тириклик асосини ташкил этади.
4. Бек	Икий хил маънода: 1. Юқори даражадаги мартаба 2. Хасис, курумсоқ
5. Боласоғун	Шахар номи хозирда Қирғизистон-нинг Тўқмоқ шахри ғарбида бўлган.
6. Қашқар	Қораҳонийлар давлатининг шарқий маркази
7. Сарт	Савдогар – савдо сотиқ билан шуғулланувчи киши
8. Оғи (оғичи)	Қимматбаҳо нарсалар (хазинабон)
9. Осиф	Фойда, наф, манфаат.
10. Очиг	Совға, мукофот, тухфа
11. Иёр иши	Олтин(кумуш)нинг соғлиги ва оғирлигини кузатиш

## **7.2. Иқтисодий ғояларнинг гурухланиши.**

### **7.2.1. “Кутадғу билиг”да фойдаланилган иқтисодий ғоялар ва назариялар таркиби**




### **7.2.2.Ижтимоий тоифаларнинг гурухланиши.**



### **7.2.3.“Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-иқтисодий ғояларни қаҳрамонлар фаолияти билан боғлиқлигини мослаштириш.**

<b>Асар қаҳрамонлари</b>	<b>Ижтимоий-иқтисодий ғоялар</b>	
Кунтуғди	Адолат	- эзгулик
Ой түлди	Давлат	-бойлик
Үғдулмиш	Ақл-заковат	-тадбиркорлик
Үзғурмиш	Қаноат	-истеъмолни чеклаш

#### **7.2.4. “Қутадғу билиг” асаридаги ижтимоий-иқтисодий ғояларнинг йўналишлари**



### **ИЗОХ**

#### **Ишлаб чиқаришни ривожлантириш**

- A)Хунармандлик
- B)Деҳқончилик
- C) Чорвачилик


#### **Давлат бошқаруви**

- A) Ўқув идрокли донишманд кишига мос
- B) Ҳукмдорлик мезонларига амал қилиш

#### **Ижтимоий ҳимоя**

- A) Зулмга йўл қўймаслик
- B) Бошлиқ бой эмас, халқ тўқ бўлсин.
- C) Ҳодимларнинг ҳақларини тўла таъминлаш

### 7.2.5.Бошқарув тизимининг таҳлили.



## ИЗОҲ

### Асосий қаҳрамонлар

- A) Қунтуғди
- B) Ой тўлди
- C) Ўғдулмиш
- D) Ўзғурмиш

### Хукмдорлик мезонлари

- A) Пул қадрини кўтариш
- B) Мулкий ҳуқуқни таъминлаш
- C) Солиқлар меъёрида бўлиши


### Меҳнат тақсимоти

- A) Ақл-идрок соҳиблари
- B) Дехқон ва чорвадорлар
- C) Савдогарлар


## **7.2.6. Юсуф Ҳос Ҳожиб ва Адам Смитнинг ижтимоий-иқтисодий ғояларини ВЕНН диаграммаси асосидаги тахлили**

**Юсуф Ҳос Ҳожиб**

**Адам Смит**



### 7.2.7. Давлат бошқарувини ислоҳ этиш тизимини Кластер усулида ифодаланиши.



## ИЗОХ

### 1.Давлатлилек шартлари:

- A) Кўнгил юмшоқлиги;
- B) Равон қилик,
- C) Ширин сўзлик,
- D) Гердаймаслик.

### 2.Бойлик талқини:

- A) Ой;
- B) Копток;
- C) Кийик.

### 3.Беклик асослари:

- A) Чин сўзлик;

B) Қонунларнинг элга мувофиқлиги

- C) Мурувват,
- D) Жасур бўлиш:

### 4.Узок турадиган ишлар

- A) Шошилиш;
- B) Кўзи очлик;
- C) Жаҳолат;
- D) ёвузлик;

E) Ёлғон, кўпол тил

### 5.Бошқариш асоси

- A) Адолат;

B) Марҳаматни аяmasлик.

**6.Бошлик фазилатлари**

- A) Уқув идрок;
- B) Адолат;
- C) Қаҳр ғазаб қымаслик

### 7.2.8.Қорахонийлар давридаги ижтимоий-аҳлоқий ислоҳотларни “Т-схема” жадвали асосида тушунтиринг

<b>Фазилатлар:</b>	<b>Иллатлар:</b>
<p>1.Бахтиёрлик-эзгулик,ростлик, ҳаёда.</p> <p>2.Бугунги ишингни қўймагин кейин</p> <p>3.Эзгу элга яқин бўлгин доимо</p> <p>4.Мусоғир карвонлар осойишин эт.</p> <p><b>5.Улуғ бўлсанг камтар тутгин ўзингни.</b></p> <p>6.Мардлик- ширин мулойим сўз</p> <p>7. Бошқаларнинг эмас ,ўз айбингни кўр.</p> <p>8. Бошқалар меҳнатининг қадрига етиш</p> <p>9.Бошлиқ бой эмас халқ тўқ бўлсин</p> <p>10. Кўпроқ наф – билим ва ақл-идрокдандур.</p>	<p>1.Бадбаҳтлик – ўжарлик, ёлғончилик, баҳил, пасткашлик</p> <p>2. Кейин қолган ишлар бўлади қийин</p> <p>3. Ёмонга ёндошиш юқтурас бало.</p> <p>4. Шаҳар қишлоғингда -ёмонлик,</p> <p><b>5. Эл ичра зўравонга ё, ташингда қароқчига- макон</b></p> <p>6. Дағал аччиқ сўз.</p> <p>7. Лаззатлар кетидан қувишнинг охири азоб.</p> <p>8. Бу дунёдаги энг йирик ёв – нафсинг.</p> <p>9. Нафсдан хам даҳшатли ёв – бойлик</p> <p>10. Кишилар орасига қўшилиш ибодатдан қолишдир.</p>

### 7.3. Кейсолог ўқитувчининг холосаси.

**Юсуф Ҳос Ҳожиб** – атоли давлат арбоби, 1020 йили Қорахонийларнинг марказий шаҳарларидан бири Боласоғунда туғилган.Ўз давридаги барча билимларни, араб ва форсий тиллар ҳамда ундаги адабиётларни пухта эгаллаган. 1069-1070 йиллар орасида “Кутадғу билиг” (Кутга, яъни баҳт-саодатга эриштирувчи билим) асарини турк тилида ёзиб, Қорахонийлар хукмдори Табғоҷхон Буғроҳонга такдим этган. Асар 13 минг мисра (насрий ва назмий муқаддима ва хотимадан ташқари)-73 бобдан иборат. Унда инсон тафаккурининг барча жабҳалари бўйича сўз юритилган. Хон Юсуфга “Ҳос Ҳожиб”(эшик оғаси ) деган мартабани инъом этган(Ҳожиб- арабча хизматкор дегани);

“Кутадғу билиг” асарида марказлашган давлат түзиш, уни мустахкамлаш, низо ваadolатга барҳам бериш каби маъмурий-хўжалик ҳамда маърифат, ободончилик, моддий-маънавий ва бошкаadolатли хукмрон, давлатни тадбир билан бошкариш ишини ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш хақидаги фикрлар илгари сурилган.

### **Хусусан, қуйидаги йўналишларни таъкидлаш мумкин:**

1. Мамлакат ривожининг яхлит концепциясида дунёвий мезон - **Ижтимоий-аҳлоқий ёндошув** устиворлиги;
2. Ижтимоий химояни такомиллаштириш;
3. Тақсимотнинг бузилишига йўл қўймаслик;
4. Савдо(ички ва халқаро)ни кенгайтириш;
5. Соликларни меъёрида таъминлаш;
6. Ходимларнинг ўқув-идроқини ошириш;
7. Даромад учун рақобатлашмаслик;
8. Мехнат тақсимотини ривожлантириш;
9. Ходимларни рағбатлантириш.

Асадаги иқтисодий қарашлар ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари нуқтаи назаридан эса, институционализм йўналиши шаклланиши ва ривожланишидаги даврлар ҳамда оқимларга мос келишини таъкидлаш мумкин. Дархақиқат ушбу асарда мамлакат ахолисининг фаровонлиги ноиқтисодий омилларнинг устуворлиги асосида эришилишига эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий иқтисодий ислохотлар моҳияти ҳам айнан юқоридаги иқтисодий қарашларга ҳамоҳанг ҳисобланади. Масалан мамлакатимиздаги ислохотлардаги бош мақсад Республикализ Президенти И. Каримов таъкидлаганидек “Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун” эканлиги асадаги ижтимоий аҳлоқий ёндошувлар билан бир йўналишда эканлиги билан муҳимдир. Шунингдек мамлекатни модернизациялашда:

1. Савоб ишни хар ким қилиши, хар куни қилиши керак.
2. Давлат менга нима берди деб эмас, мен давлатга нима қилдим.
3. Ватан туйғуси ҳамма нарсадан улуғ каби тамойиллар ҳар бир фуқаронинг турмуш тарзига айланиши зарурлиги катта аҳамият касб этади.

Демак, Юсуф Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асаридаги иқтисодий қарашлардан мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида фойдаланиш миллий истиқбол мафкурасининг жамиятимиз аъзоларида пухта шаклланишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Бу эса миллий иқтисодий тафаккурнинг миллий иқтисодий маданиятимиз билан ўйғунлигига ҳизмат қиласи.

Бинобарин, жамият тараққиётига фаол таъсир этадиган омиллардан бири пухта ишлаб чиқилган ғоялар, иқтисодий ғоялар ва таълимотлардир.

**Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги иқтисодий қарашлар** Миллий маънавий меросимизда жамият тараққиётига ижобий ҳизмат килган ижтимоий-иқтисодий ғоялардан хисобланади.

Шу боис, мамлакатимизда шакланаётган миллий иқтисодий тафаккурнинг инсонпарвар ва умумбашарий булишлиги учун миллий кадриятларни ҳам синчилаб ўрганиш беқиёс аҳамият касб этади.

Талабалар таниқли мутафаккирлар баён этган иқтисодий ғояларнинг мохиятини англаб етадилар ҳамда мамлакат ривожига иқтисодий ғояларнинг таъсири тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Шунингдек асосий иқтисодий категорияларнинг ўша давр ва ҳозирги замон учун ахамиятини очиб берадилар, ҳозирги замонавий иқтисодий таълимотлар ва назариялари билан солиштира олиш кўнималарига эга бўладилар.

#### **8. “Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги иқтисодий қарашлари” мавзудаги семинар машғулоти учун Кейс – таълим технологиясининг модели**

<i>Вақти:</i> 2 соат	<i>Талабалар сони 20 та</i>
<i>Дарс шакли</i>	Кейс технологияси бўйича малакани шакллантириш-га қаратилган семинар
<i>Семинар режаси</i>	<p><b>1.</b> XI асрдаги Ўрта Осиё(Моварауннахр)даги ижтимоий – иқтисодий вазиятнинг умумий тавсифи.</p> <p><b>2.</b> Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари тўғрисида маълумот.</p> <p><b>3.</b> Муаммони ечиш алгоритми тўғрисида тушунча.</p> <p><b>4.</b> Вазият ечимини тахлил этиш варақаси ва баҳолаш мезонлари билан танишиш.</p> <p>Муаммонинг ечимини топиш ва уни асослаш.</p>
<i>Таълимий мақсад:</i>	Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий қарашлари тўғрисида яхлит тасаввур шакллантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини модернизациялашда татбиқ этиш.
<b>Педагогик вазифалар:</b>  Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ёзилган давр билан таништиради;  мазкур асарлардаги иқтисодий тушунча	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b>  Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг мохиятини очиб берадилар; қўйидаги тушунчаларга таъриф берадилар: “Кунтуғди”, “Ойтўлди”, “Ўғдулмиш”, “Ўзғурмиш”, “адолатли давлат”, “қаноат”, “садоқат”, “эзгулик”, “раият”.

<p>ларни ўрганиш ҳақида гапириб беради;</p> <p><b>Иқтисодий қарашларни ўрганишда илғор педагогик усуллардан фойдаланади;</b></p> <p>мазкур асарлардаги иқтисодий қарашлар нинг амалий аҳамияти ни тушунтиради;</p>	<p>иқтисодий бўхрондан сақланиш омилларини санаб берадилар ва тушунтирадилар</p> <p>“ақл-идрок соҳиблари” ва оддий меҳнаткашлар(дехқон, савдогар, чорвадор) лар ҳақида қисқача характеристика берадилар;</p> <p>мулк тутишнинг сир асрорлари, мамлакатни идора қилиш тартиби, хукмдорларнинг фаолият мезонлари, тинчлик-осойишталиқ, меёридаги солиқлар, эркин фаолият юритиш имкони кабилар тўғрисида айтилган фикрларни изоҳлайдилар;</p> <p>кластер, вен диаграммаси, Т схема каби усул ва воситалар ёрдамида иқтисодий қарашлар таҳлил этилади;</p> <p>мавзуни ўрганиш орқали кейс технологиясидан фойдаланиш малака ва кўникмаси шаклланади.</p>
<i>Таълим методи</i>	Кейс-стади методи
<i>Таълим воситалари</i>	ЎУМ, доска, кейс, ахборот материаллари
<i>Таълим шакли</i>	Фронтал ва индивидуал
<i>Шарт -шароитлар</i>	Кулай аудитория
<i>Мониторинг</i>	Оғзаки жавоб, мустақил таҳлил ва вазият ечимини топиш

## 9. Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Педагог фаолияти	Талаба фаолияти
1-bosqich кириш (10 дақиқа)	<p>1. Семинар мавзусини эълон қиласди. Семинарни ташкил этувчи босқичлар кетма-кетлиги билан талабаларни таниширади;</p> <p>2. Кейс технологиянинг аҳамияти билан таниширади.</p> <p>3. Талабаларга кейс материалини тарқатади.</p>	Эшитадилар ва Кейс материаллари билан танишадилар.
2- босқич Асосий	1. Талабалар диққати муаммога, уни ечиш учун лозим бўлган	Эшитадилар ва тушунмаганларини

қисм (60 дақика)	<p>вазифаларга жалб этилади.</p> <p>2. Тарабаларни кичик гурухларга ажратилади ва ҳар бир гурух учун спикер тайинланади.</p> <p>3. Гурухларга иқтисодий қарашларни илғор усул ва воситалар асосида таҳлил қилиш вазифаси юкланади</p> <p>4. Гурух ичида муаммони таҳлил этиш тегишли тартибда ташкил этади.</p> <p>5. Берилган услюбий материаллар тўлдирилади ва ҳар бир гурухнинг тақдимоти эълон қилинади.</p> <p>6. Тақдимотнинг бошланишини эълон қиласиди.</p> <p>7. Тақдимотдан сўнг баҳс-мунозара ташкил этилади.</p>	<p>аниқлайдилар.</p> <p>кичик гурухларда матн билан танишгач, ишлайдилар. Муаммо ечимини топадилар ва ечим вариантларини таҳлил қиласидилар.</p> <p>Тақдимот қиласидилар. Баҳс мунозарада иштирок этадилар.</p> <p>муаммонинг ечимини таҳлил қиласидилар.</p> <p>Тақдимотга баҳо берадилар.</p>
3-босқич Яқунлаш, таҳлил ва баҳолаш (15 дақика)	<p>1. Гурухларнинг тақдимоти ҳамда баҳс-мунозара таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.</p> <p>2. Гурухлар ва ҳар бир тарабанинг фаолияти алоҳида баҳоланади.</p> <p>Кейс муаммосининг ечимини топишда дуч келинадиган қийинчиликларни хал этиш бўйича услюбий маслаҳатлар берилади.</p>	<p>Эшигадилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p>

## Илова

1. Каримов И.А.Юксак маънавият–енгилмас куч.Т.:Ўзбекистон 2008.
2. Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. “Халқ сўзи”. 2006 йил 3 ноябрь.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол// Тузатилган ва қўшимча қилинган иккинчи нашр. Т.: “Шарқ” НМАҚ бош таҳририяти. 1-6 жуз.2008.
5. Ҳадис. 1-4-жиллар. Т., 2000.

6. Раззоқов А. Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Т., 2007.
7. “Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари” фани бўйича ўкув-услубий мажмуа.Тошкент.:ТДИУ, 2007,149 б.
8. Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари.Тошкент. “Шарқ” НМАК бош таҳририяти. 2006. 20-28-бет.
9. Ўзбекистон халқлари тарихи (I) Тошкент, “Фан”,1992.121-125 бет.
10. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.Т., “Шарқ”,2001.-368 б.
11. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан.Т.:–“Ўқитувчи”-“Зиё ношири”-1997.
12. Энциклопедия персидско-таджикской прозы: Кабуснаме. Синбанднаме. Сказки. -Душанбе.: Гл. Науч. Ред.Тадж. Сов. Энциклопедии, 1990. -512 с
13. Хидоятов Г.А. Моя родная история.-Т.:Уқитувчи,1990.-304 с.
14. Жузжоний Абдулҳаким Шарқий. Ислом ҳукуқшунослиги ханафий мазхаби ва Ўрта Осиё факихлари. Т., «Ислом университети», 2002.
15. Қурбонов Ш,Сайдов Ҳ,Аҳлиддинов Баркамол авлод орзуси.Т.: Шарқ, 1999,184 б.

---

**ҒАФУРОВ У.В.**

**«Иқтисодиёт назарияси-2» фанидан  
«Монопол хукмронлик ва монополияга қарши  
сиёсат» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

***Кейс «Табиий монополия субъектлари фаолиятини  
назорат қилиши усуллари»***

---

## I. КЕЙС

### ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** «Иқтисодиёт назарияси-2».

**Мавзунинг номи:** «Монопол ҳукмронлик ва монополияга қарши сиёсат» мавзусига мосланган кейс.

**Кейснинг мақсади:** табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари, амал қилиш хусусиятлари, тартибга солиш усул ва воситалари бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш; Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.

Тақдим этилган кейснинг ечими талабларга қуидаги **ўқув натижаларини** олиш имконини беради:

- табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисидаги билимларни янада чукурлаштириш;
- табиий монополияларни тартибга солиш зарурлиги ҳамда усул ва воситалари бўйича билимга эга бўлиш;
- Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш хусусиятлари билан танишиш;
- табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ва мезонларни аниқлаш;
- табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.

Кейснинг муваффақиятли ҳал этилиши учун талаба билиши лозим бўлган **билим ва кўникмалар**:

*Талаба билиши лозим:*

- монополистик ҳукмронлик, монополияларнинг турлари ва вужудга келиш шарт-шароитлари;
- монополияларнинг иқтисодиётдаги ўрни, ижобий ва салбий жиҳатлари;
- табиий монополияларнинг иқтисодий асослари, амал қилиш хусусиятлари;
- табиий монополияларни тартибга солиш усул ва воситалари.

*Талаба бажара олиши лозим:*

- табиий монополияларнинг асосий белгиларини ажратса олиш;
- табиий монополияларнинг объектив зарурлигини асослаш;
- ахборотларни танқидий баҳолаш ва қайта ишлаш;
- мавжуд маълумотлар асосида табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.

*Талаба қуидагиларга эга бўлиши лозим:*

- ўзаро фикр алмашув қобилияти;
- мунозараларда иштирок этиш кўникмаси;

- гурӯҳ бўлиб ишлаш кўниқмаси.

### **Ахборот олиш манбалари:**

10. Shodmonov Sh.Sh., G’afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Т., «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2005.

11. В поисках новой теории с проблемными ситуациями: Учеб. пособ. / Под ред. Грязновой А.Г. и др. - М.: КНО РУС, 2004.

12. Конкурентная политика в Республике Узбекистан / Доклад о развитии, состоянии, тенденциях и проблемах антимонопольной и конкурентной политики в Узбекистане в 2000-2007 гг. – Центр по совершенствованию антимонопольной политики. – Т., 2007.

13. Основные показатели демографии хозяйствующих субъектов Единого Государственного регистра предприятий и организаций за 2002-2006гг. Статистический бюллетень. –Т., 2003-2007гг.

14. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. – Т.: “Фан”, 2003.

### **Кейснинг типологик белгиларига кўра тавсифи**

Мазкур кейс кабинетда ҳал этиладиган, сюжетсиз кейслар тоифасига киради. Ундаги ҳолат ўтмишдан ҳозирги даврга томон ҳаракатда баён этилган. Бу ташкилий-институционал, тренинг аҳамиятидаги кейс ҳисобланади. У ўртacha ҳажмда бўлиб, маҳсус таркибий тузилмага эга. Ўқув машқлари савол ва топшириқлар кўринишида намоён этилган.

Дидактик мақсадларига кўра кейс муаммо, ечим ёки концепцияни ифодаловчи, таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатувчи кейслар тоифасига киради.

Мазкур кейсдан «Иқтисодиёт назарияси» фанидан маҳсус семинар машғулотларида, шунингдек, «Илмий ижод услубияти», «Ўтиш даври иқтисодиёти назарияси», «Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти» фанларидан қўшимча амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

## КИРИШ

Иқтисодиёт назарияси фанида табиий монополия субъектлариға маҳсулот (хизмат)нинг муайян бир турини ягона фирма ёки компания томонидан ишлаб чиқаришни нисбатан паст харажатлар билан амалга оширилиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) орқали истеъмолчиларнинг катта гурухини таъминловчи яхлит тармоқ сифатида қаралади.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида табиий монополия субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этиб, Республика Президенти И.Каримовнинг «...халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари, аввало, табиий монополиялар деб аталадиган энергетика, темир йўл транспорти, шунингдек, паҳта тозалаш ва кимё саноати, коммунал хўжалиги тармоқларида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни охирига етказиш долзарб бўлиб қолмоқда»<sup>9</sup>, деб таъкидлаб ўтиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, бу борада мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати ҳам шундаки, улар табиий монополия субъектлари маҳсулотлари ва хизматларидан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиш, маҳсулотлар нархларининг муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш орқали пировардида макроиқтисодий кўрсаткичларни ўстиришга қаратилгандир. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан йирик табиий монополиялар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва соддалаштириш ҳамда рақобатчилик муҳитини яратилишига йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо қиласи.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, иқтисодиётни монополиядан ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги (1992 йил 2 июль), «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги (1996 йил 27 декабрь), «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 йил 27 апрель), «Табиий монополиялар тўғрисида»ги (1997 йил 24 апрель ва 1999 йил 19 августда янги ўзгаришлари билан) қонунлари қабул қилиниб, улар иқтисодиётда табиий монополиялар фаолиятини тартибга солишининг меъёрий асосларини белгилаб берди.

Шу ўринда табиий монополияларни тартибга солиш усуслари ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш муҳим назарий-услубий аҳамият касб этади.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. «Халқ сўзи», 2002 йил 15 февраль, 34-сон, 2-бет.

**Мазкур кейснинг асосий мақсади** – Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда усулларининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Ўқув фаолиятидан кутилаётган натижалар:** табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисидаги билимларни янада чуқурлаштириш; табиий монополияларни тартибга солиш зарурлиги ҳамда усул ва воситалари бўйича билимга эга бўлиш; Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш хусусиятлари билан танишиш; табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ва мезонларни аниқлаш; табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.

**Кейснинг муваффақиятли ҳал этилиши учун** монополистик ҳукмронлик, монополияларнинг турлари ва вужудга келиш шартшароитлари; монополияларнинг иқтисодиётдаги ўрни, ижобий ва салбий жиҳатлари; табиий монополияларнинг иқтисодий асослари, амал қилиш хусусиятлари; табиий монополияларни тартибга солиш усул ва воситалари тўғрисида билимларга эга бўлиш тақозо этилади.

## **ВАЗИЯТ**

### **1. МОНОПОЛИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, ОМИЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

#### **1.1. Монополия ва унинг вужудга келиш сабаблари**

Монополия тушунчасига турли ўқув адабиётларида турлича таъриф берилади. Жумладан, баъзи ўринларда уни «давлат, корхоналар, ташкилотлар, сотувчиларнинг қандайдир хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги мутлақ ҳукуқи»<sup>10</sup> сифатида қаралса, бошқа ҳолатларда «фаолиятнинг у ёки бу соҳасида шахс ёки кишилар гуруҳининг ҳар қандай (баъзи адабиётларда – якка) ҳукмронлик ҳолати»<sup>11</sup> деб таърифланади. Бу таърифлардаги монополиянинг «мутлақ ҳукуқ» ёки «ҳар қандай ёки якка ҳукмронлик ҳолати» каби тавсифлари унинг моҳиятини аниқ ёритиб беролмаслиги сабабли, уни қуидагича таърифлаш ўринли деб ҳисоблаймиз: монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш мақсадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиктисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.

Монополияларнинг вужудга келишида бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- 1) ишлаб чиқаришнинг тўпланиши;
- 2) давлатнинг протекционистик божхона сиёсати;
- 3) банкларнинг фаолияти ва молиявий сиёсати.

#### **1.2. Монополияларнинг турлари**

Монополияларнинг турларини бир неча мезонларга кўра ажратиш мумкин:

1. Бозорни қамраб олиш даражасига кўра: соф монополия, олигополия ва монопсония.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги яккаҳукмронлик ҳолати ҳисобланади.

Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алохида, маҳсус хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг

<sup>10</sup> Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 121-б.

<sup>11</sup> Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005, 191-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2002, 246-б.

нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада хукмронлик ҳолати ҳисобланади.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги хукмронлик ҳолати ҳисобланади.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яккаҳукмронлик ҳолати ҳисобланади.

2. Монополиянинг вужудга келиши сабаби ва тавсифига кўра: табиий монополия, легал монополия, сунъий монополия.

Табиий монополия таркибида камёб ва ишлаб чиқаришнинг эркин тарзда такрор ҳосил қилиб бўлмайдиган унсурлари (масалан, нодир металлар, фойдали қазилмалар ва ҳ.к.)га эга бўлган мулкдорлар ва хўжалик ташкилотлари киради. Шунингдек, мазкур монополия таркибида ўзига хос технологиянинг қўлланиши сабабли рақобатни ривожлантириб бўлмайдиган баъзи бир тармоқлар ва ишлаб чиқариш турлари ҳам киритилади.

Табиий монополия – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати. Бундай самарадорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши билан товар бирлигига тўғри келувчи хўжалик харажатларининг аҳамиятли даражада пасайиб боришида намоён бўлади. Шу билан бирга, табиий монополия субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолини бошқа турдаги маҳсулотлар билан алмаштириб бўлмайди.

Легал (қонуний) монополия – бу қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат. Улар таркибида рақобатдан ҳимоя қилувчи қўйидаги монополия шаклларини киритиш мумкин: 1) патент тизими; 2) муаллифлик ҳуқуки; 3) товар белгилари.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи. Сунъий монополиялар картель, синдикат, трест, консорциум, концерн каби аниқ шаклларда намоён бўлади.

Сунъий монополия ўз манфаатлари йўлида бозор мухити тузилишини атайлаб ўзгартиради, яъни:

- бозорга янги рақибларнинг кириб келишига йўл қўймаслик учун турли тўсиқлар ҳосил қиласди (хомашё ва энергия манбаларини эгаллаб олади; банкларнинг янги корхоналарга кредит беришини тақиқлашга ҳаракат қиласди ва бошқалар);

- ишлаб чиқаришнинг энг юксак даражадаги технологиясига эришиб, қолган рақибларининг бу даражага чиқишига имкон бермайди;

- ишлаб чиқариш миқёси самарасидан унумлироқ фойдаланиш имконини берувчи нисбатан йирик ҳажмдаги капитални қўллайди;
- ўз фаолиятини юқори даражада реклама қилиш орқали бошқа рақобатчиларни бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қиласди.

### **1.3. Монополияларнинг ижобий ва салбий томонлари**

Монополиянинг иқтисодий тараққиётга таъсир қилувчи ижобий ва салбий томони мавжуд. Унинг **ижобий томони** асосан қуйидаги иккита жиҳат орқали намоён бўлади.

Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, у маълум тармоқларда нисбатан самарали амал қиласди ва харажатларнинг тежалишига олиб келади.

Иккинчидан, монополист бўлмаган, майда, рақобатлашувчи соҳа корхоналарига нисбатан монополистик корхоналарда ишлаб чиқаришга илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун кўпроқ рафбат ва имконият мавжуд бўлади. Чунки, унча йирик бўлмаган рақобатлашувчи корхоналарнинг одатда молиявий жиҳатдан имкониятлари чекланган бўлиб, улар ишлаб чиқаришга янгиликларни татбиқ этиш орқали келгусидаги даромадларни оширишдан қўра, кўпроқ жорий даромадга эътибор қаратадилар. Бундан ташқари, янги ғоялар рақиблар томонидан жуда тез ўзлаштириб олинади ва, бунинг оқибатида, бу ғояларни амалга ошириш харажатларини бир томон қилгани ҳолда, унинг самарасидан барча фойдаланади. Йирик монополистик фирмаларда молиявий имкониятлар кенг бўлиб, инновациядан олинган фойда уларнинг муаллифларига тегиши аниқ кафолатланади.

Монополиянинг **салбий томони** сифатида қуйидаги жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

**1) ресурсларнинг оқилона тақсимланмаслиги.** Бу ҳолат монополияларнинг юқори фойда кетидан қувиб, сунъий равища ишлаб чиқаришни чеклаш воситасида нархларни кўтариши, маҳсулотларнинг у қадар яхши бўлмаган турларини, паст техникавий даражасини, паст сифати ҳамда сотишнинг ёмон шароитларини вужудга келтириши орқали намоён бўлади. Натижада, рақобат шароитида амал қилувчи иқтисодиёт самарадорлигини бозор воситасида тартибга солиш механизми ишдан чиқади.

Монополиялар билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолиятлар эркин ҳамда оқилона танлов имкониятидан маҳрум бўлади, монополияларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланмаган шарт-шароит ва нархлари тазийига чидай олмайди, иш фаоллигини пасайтириб, баъзи ҳолларда хонавайрон бўладилар. Оқибатда ишлаб чиқариш қисқариб, ишсизлик ва инфляция ўсади, хўжаликнинг издан чиқиши кучаяди. Жамият бойлиги ресурсларнинг оқилона рақобатли-бозор тақсимоти шароитида қўлга киритилиши мумкин бўлган микдорига қараганда камайиб кетади;

**2) даромадлардаги тенгсизликнинг кучайиши.** Бу ҳолат ҳам нархларнинг монопол тарзда оширилиши (пасайтирилиши) ҳамда юқори фойда олиниши билан боғлиқ бўлиб, бу аҳоли қолган қисми даромадларининг нисбатан камайишига олиб келади;

**3) иқтисодий турғунлик ва фан-техника тараққиётининг секинлашуви.** Бундай ҳолатнинг вужудга келиши монополистларнинг рақобатчилар босимини сезмасликлари ҳамда аксарият ҳолларда юқори фойдани қўшимча уринишларсиз ўзларининг бозордаги хукмронликлари ҳисобига олишлари мумкин. Бу эса уларни ишлаб чиқаришни рационаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини қидириш, маҳсулот сифатини ошириш, унинг ассортиментини кенгайтириш, ФТТни ривожлантириш ва харидорлар манфаатлари тўғрисида қайғуриш каби хатти-харакатлардан қайтаради;

**4) иқтисодиётда демократик ҳаракатларнинг тўсиб қўйилиши.** Монополистлар иқтисодиётдаги эркин ва ҳалол рақобатга тўскинлик қилиб, нисбатан кучсиз бўлган корхоналарни ўзларига бўйсундиришлари, жамиятга ўз ишчиларининг меҳнатига пасайтирилган миқдорда ҳақ тўлаш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқариш, ўта даражада ошириб юборилган сотиш нархлари (ёки пасайтирилган харид нархлари), ўз маҳсулотини истеъмол қилишга билвосита усул орқали мажбурлаш каби ўзларининг камситувчи шартларини кўндаланг қўйишлари мумкин.

## **2. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИЙ МОНОПОЛИЯ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

Давлатнинг табиий монополияларни тартибга солиш усулларини қўллашидан мақсад қўйидагилардан иборат:

- табиий монополияларнинг содир этиши мумкин бўлган монопол ҳолатини суиистеъмол қилишини олдини олиш;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш;
- жамият манфаатлари йўлида монопол тармоқ ишлаб чиқаришининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон иқтисодиётида табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилишнинг бир қатор усулларини қўлланилади. Уларнинг ҳуқуқий асоси ва тартиби Ўзбекистон Республикаси «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида белгиланган бўлиб, «табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади».

Ўзбекистонда барча монополиялар фаолияти устидан назорат қилувчи орган бу – Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳисобланади.

Монополияга қарши давлат органлари табиий монополияларнинг қўйидаги фаолиятлари устидан назорат қиласи:

1) табиий монополия субъекти асосий воситаларга нисбатан мулк ҳуқуқини ёки фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритадиган битимлар устидан (агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10%дан ортиқ бўлса);

2) табиий монополия субъекти асосий воситаларнинг бир қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини ёхуд уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини хўжалик юритувчи бошқа субъектга ўтказадиган битимлар устидан (агар бундай асосий воситаларнинг баланс қиймати табиий монополия субъекти ўз капитали қийматининг 10%дан ортиқ бўлса);

3) истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарлар ҳажми бўйича шартномаларга риоя этилиши устидан;

4) товарлар нархини чиқариш ҳамда нархлар (тарифлар)ни қўллаш тартибига риоя этиш устидан;

5) табиий монополия субъектларининг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши устидан.

Назоратнинг бошқа бир хил усули – бу табиий монополия субъектларининг ҳар бир қиладиган айрим хатти-ҳаракатлари учун тегишли рухсат олиш йўли билан амалга оширилиб турилади. Яъни, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, агар табиий монополия субъектлари ўзининг ўн фоиздан ортиқ баланс қийматига эга бўлган асосий воситаларини тасарруф этиш юзасидан тузиладиган битимлари, ёхуд уларни эгалик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун олдиндан монополияга қарши давлат органига тегишли ахборот ҳамда бундай ҳаракатларни амалга оширишга розилик сўраб илтимоснома тақдим этиши шарт, деб белгилаб қўйилган.

Агар бундай ҳаракатлар монополияга қарши давлат органи томонидан мувофиқ эмас деб топилса, рад этилиши ҳам қонунда ўз аксини топган.

Бундай назоратнинг ўрнатилишидан мақсад, товар бозорларидағи компаниялар монопол мавқеининг янада ошиб кетиши, мутлақ ҳукмронлигига олиб келиши, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига зиён келтириши хавфини кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётида табиий монополия субъектларига нисбатан ўрнатилган бундай назорат усуллари жаҳон амалиётига мос келади ва улар табиий монополия субъектларининг ўз устун мавқеини суиистеъмол қилишларини олдини олишга, белгиланган нархларни асоссиз оширишларини олдини олишга, истеъмолчи манфаатларига мос равишда сифатли хизмат қилишга, товар бозорларидағи уларнинг устун мавқени қаттиқ бошқариб туришга қаратилган.

### **III. ТАЛАБАЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

**Муаммо:** Ўзбекистонда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларининг самарадорлиги.

**Топшириқлар:**

4. Табиий монополия субъектлари фаолиятининг объектив зарурлигини асосланг.

5. Ўзбекистондаги табиий монополиялар субъектларининг вужудга келиши, амал қилиши хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларига баҳо беринг.

6. Ўзбекистондаги табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларини самарадорлиги юзасидан баҳоланг ва уларни хорижий мамлакатлардаги мавжуд усувлар имкониятлари билан таққосланг.

#### **3.1. Ҳал этиш алгоритми**

**2. «Хорижий мамлакатларда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш тажрибаси» ҳолати таҳлили жадвалини тўлдиринг.**

**Баҳолаш мезонлари** – қисқа ва аниқлик, ҳолат баёни матнидаги баъзи ўринлардан фойдаланиш.

<b>№</b>	<b>Таҳлил йўналиши</b>	<b>Таҳлил натижалари</b>
1.	Табиий монополия субъектларининг қонунга риоя этмаслик ҳолатлари устидан назорат ва чора-тадбирлар	
2.	Назорат остига олинган асосий фаолият йўналишлари	
3.	Назорат қилиш амалиётининг қўлланилиши	
4.	Назорат қилувчи идоралар тавсифи	

**2. «Ўзбекистонда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш тажрибаси» таҳлили жадвалини тўлдиринг.**

<b>№</b>	<b>Таҳлил йўналиши</b>	<b>Таҳлил натижалари</b>
1.	Табиий монополия субъектлари фаолиятининг маҳсус назорат инспекция органлари ва уларнинг асосий вазифалари	
2.	Амалга оширилаётган асосий чора-тадбирлар	
3.	Қонун бузилиш ҳолатларининг таҳлили	
4.	Қонун бузилиш ҳолатларининг рўй бериш сабаблари	

**3. «Ўзбекистонда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартиба солиш қонунчилиги ва унинг амалга оширилиш натижалари» ҳолати таҳлили жадвали.**

1.	Меъёрий ҳужжат номи	
2.	Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат ўрнатувчи органларга белгиланган ваколатлар	
3.	Қонунчилик амалиёти таҳлили натижалари	
4.	Қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби	
5.	Қонунчилик амалиёти таҳлили натижалари	

**3.2. Талабаларнинг кейс-стади билан мустақил ишлаши бўйича кўрсатма**

<b>Ишни бажариш босқичлари</b>	<b>Тавсия ва маслаҳатлар</b>
1. Кейс билан танишув	Дастлаб кейс билан танишиб чиқинг. Ўқиши давомида ҳолатни дархол таҳлил қилишга уринманг.
2. Келтирилган ҳолат билан танишув	Ахборотни яна бир бора диққат билан ўқиб чиқинг. Ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган ўринларни белгилаб олинг. Ҳолатни баён этишда қўлланилган далилларни санаб ўтинг.
3. Асосий муаммони асослаш, шакллантириш ва очиб бериш	Асосий муаммо нимадан иборат?
4. Ҳолатни диагностика ва таҳлил қилиш	Муаммо қандай даражада ҳал этилишини аниқланг. Саволга жавоб беринг: муаммони мазкур шароитда ҳал этиш мумкинми?
5. Муаммони ҳал этиш усул ва воситаларини танлаш ва асослаш	Муаммони ҳал этиш йўлларини кўрсатинг ва асосланг.

Кейс билан ишлаш натижаларини тезис шаклида ёзма ҳолда ифодаланг.

**Ёзма иш талаблари**

- Иш тезис шаклида А4 стандарт ўлчамдаги қоғознинг бир томонида ёзилган бўлиши керак (3 бетдан ошмаслиги лозим).
- Ишни расмийлаштириш:
  - биринчи бетнинг юқоридан ўнг томонида талабанинг исми-шарифи, фамилияси ва гуруҳ рақами ёзилган бўлиши керак;
  - қўйида ўртадан кейс мавзусининг номи ёзилади;
  - давомидан кейс билан ишлаш натижалари тезис шаклида баён этилади.

**3.3. Кейс билан ишлашни баҳолаш мезонлари  
(аудиториядаги ва аудиториядан ташқари  
мустақил иш)**

**Аудиториядан ташқари мустақил ёзма ишни баҳолаш  
кўрсаткич ва мезонлари**

Талабанинг Ф.И.Ш.	Баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари (балларда)			
	1. Асосий муаммо шакллантирил- ган, таҳлил қилинган ва очиб берилган (max. 6)	2. Муаммони ҳал этиш даражалари белгиланган (max.4)	3. Муаммони ҳал этиш йўллари аниқланган ва асослаб берилган (max.10)	Жами (max. – 20)
1.				
2.				
3.				
4.				

**Аудитория иши (мунозара)ни баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари**

Иштирокчи -ларнинг Ф.И.Ш.	Баҳолаш кўрсаткич ва мезонлари (балларда)				
	Мунозарада ўз фикрларини баён этишининг изчилиги, мантиқийлиги, аниқлиги, далиллар билин асосланганлиг и (max.1)	Муаммони ҳал этиш бўйича муқобил йўлларнин г таклиф этилиши (max.1)	Хулосалар-нинг аниқ шакллантирилганлиг и (max. 0,5)	Мунозара жараёнидаг и фаоллик (max. 0,5)	Жами : (max. – 3,0)
1.					
2.					
3.					
4.					

## **IV. КЕЙСНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВАРИАНТИ**

### *Кейснинг муаммоси ҳақида*

Асосий муаммо табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари, амал қилиш хусусиятлари, тартибга солиш усул ва воситалари бўйича билим ва қўникмалар ҳосил қилиш; Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолашда қўйидаги қийинчиликларга дуч келиш мумкин:

- табиий монополия субъектларини белгилаш мезонларининг тўғри ишлаб чиқилмаганлиги;
- табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларининг тўғри танланмаганлиги;
- табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларини қўллашдан олинган натижаларни ўзаро таққослаш имконининг йўқлиги;
- табиий монополия субъектлари фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотларнинг етишмаслиги.

### *Муаммони ҳал этиши даражалари:*

Ушбу муаммолар қўйидаги даражаларда ҳал этилиши мумкин:

- республика;
- тармоқ ичida.

### *Муаммони ҳал этиши йўллари:*

- Республикада табиий монополия субъектларини белгилаш мезонларининг тўғри ишлаб чиқилганлигини аниқлаш. Бунда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар услубиятидан кенг фойдаланиш;
- Республикада табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларининг тўғри танланганлигини асослаш. Бунда ҳар бир тармоқ ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинганлигини эътиборда тутиш. Бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш. Зарур ҳолларда, табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усуллари таркибини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши;
- ҳар бир тармоқ ёки соҳадаги табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларини қўллашдан олинган натижаларни миқдоран баҳолаш. Эксперимент йўли билан муқобил усулларни қўллаш ва нисбатан самарали усулларни аниқлаш;
- табиий монополия субъектлари фаолиятини акс эттирувчи статистик маълумотларнинг етишмаслигини олдини олиш мақсадида махфий ва

стратегик ахамиятга эга бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, уларнинг тўғилигини текшириш ва тасдиқлаш.

## **Саволлар, топшириқлар ва уларга жавоблар**

### **1. «Хорижий мамлакатларда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш тажрибаси» ҳолати таҳлили жадвали.**

<b>№</b>	<b>Таҳлил йўналиши</b>	<b>Таҳлил натижалари</b>
1.	Табиий монополия субъектларининг қонунга риоя этмаслик ҳолатлари устидан назорат ва чора-тадбирлар	<p>Хорижий мамлакатларда давлат томонидан жорий этилган тартибга кўра, табиий монополия субъектларининг қонунга риоя этмаслик ҳолатлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, «ракобатни чеклашга қаратилган келишиб қилинган барча харакатлари» учун антимонопол ёки бошқа назорат хизмати органлари томонидан тегишли жазо чора-тадбирлари кўзда тутилган.</p> <p>Мисол учун, АҚШда қасддан ракобатни чеклаш ҳамда ўз мавқеини суистеъмол қилишга қаратилган ҳар қандай монополист корхона (корпорация)га нисбатан суднинг қарори билан 10 миллион доллар миқдорида, жисмоний шахсларига нисбатан 350 минг доллар миқдорида жаримага тортиш ёки уларга нисбатан 3 йиллик қамоқ жазоси кўллаш кўзда тутилган.</p> <p>Европа комиссиясининг 1988 йил 21 декабрдаги қарори билан бир қатор йирик нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи монопол корхоналарга нисбатан «яширин маҳсулот сотиш савдосида қатнашишлари бўйича шартномалар тузилганлиги учун ва унинг оқибатида картелли келишувларга йўл қўйганларни учун» қатнашчиларнинг барчасига жами 60,5 млн. экю миқдорида жарима кўлланилган.</p>
2.	Назорат остига олинган асосий фаолият йўналишлари	Хорижий мамлакатларда кўпчилик антимонопол ёки тегишли назорат хизмати органлари асосан монопол корхона ёки корпорацияларнинг иқтисодий концентрациялашуви, қўшилиши, бирлашиши устидан қаттиқ давлат сиёсатини олиб боришади.
3.	Назорат амалиётининг кўлланилиши	Назорат қилиш амалиёти ҳар хил кўлланилади. Мисол учун, АҚШда ҳар бир монопол тармоқларни тартибга солувчи маҳсус комиссиялар фаолият юритиб, улар бевосита назорат функциясини ҳам бажаради. «Энергетика департаменти тўғрисида»ги Конгресснинг (1977 йилдаги) қонунига асосан, Энергетикани тартибга солиш бўйича федерал комиссияси қошида энергетика департаменти ҳам тузилиб, унинг вазифаси ёқилғи энергияларини магистраллар орқали

		<p>узатиш ва уларга тарифларини белгилаш орқали назорат қилиш киради. Лекин, ҳар бир штат ўзи истеъмол қилган электр энергиясига ўзи тариф белгилайди, шунга кўра 50 та штатнинг электр энергияси тарифлари 50 хил бўлиши мумкин.</p> <p>Аэропорт хизматларини назоратга олиш бўйича аввал маҳсус транспорт департаменти шуғулланиб, кейинчалик бу функциялар адлия департаменти назоратига ўтказилди.</p> <p>Шунингдек, АҚШда иссиқлик энергияси таъминоти бўйича табиий монопол тармоқ ҳисобланмайди, чунки ҳар қандай истеъмолчи иссиқлик энергияси билан автоном иситиш ускуналарига эга. Худди шунга ўхшашиб, кўмир бўйича ҳам соҳада бир қанча ўзаро рақобатчи компаниялар хизмат қилишини ҳисобга олиб тармоқ назоратга олинмайди.</p> <p>Бундан ташқари почта хизмати ҳам монопол тармоқ ҳисобланмайди, чунки тармоқда тўлиқ рақобат муҳити яратилганлиги учун давлат назорат ўрнатилмаган, фақат почта тарифлари бўйича маҳсус комиссия мустақил равишда тарифларни белгилаб туради.</p>
4.	Назорат қилувчи идоралар тавсифи	<p>АҚШда Шерман қонунига биноан барча монополия субъектлари назорат қилиниб, Адлия департаменти ҳузуридаги антитрест бўлимига уни назорат қилиб бориш юклатилган.</p> <p>Бироқ, Адлия департаментининг монополия субъектларига нисбатан олиб борган қаттиқ назорати ва сиёсати туфайли, Конгресс Савдо федерал комиссияси (СФК) тўғрисидаги қонунини (1914 йилда) қабул қилиниши билан комиссияга монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлиги учун назорат олиб бориш ҳуқуқи берилди.</p> <p>Адлия департаменти ҳузуридаги антитрест бўлими ҳам Савдо федерал комиссияси ҳам Шерман қонунини назорат қилиш билан шуғулланиб, барча монопол мавқеига эга бўлган корхона ва корпорацияларнинг картелли келишувлари, нархларни хуфёна келишиш йўллари билан ўрнатиш бўйича ҳамда нархларни сунъий равишда камайтириш ёки кўтариш йўлидаги келишилган хатти-ҳаракатлар устидан назорат ва қидирув тергов ишларини олиб бориш билан шуғулланади.</p> <p>Адлия департаменти ҳузуридаги антитрест бўлими фаолияти асосан қуйидаги тармоқларга қаратилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- транспорт, авиалиниялар, энергия, қишлоқ хўжалиги;</li> <li>- телекоммуникациялар ва оммавий ахборот воситалари;</li> </ul>

	<p>- технологиялар ва алоқа тармоқлари.</p> <p>Савдо федерал комиссияси эса иқтисодиётнинг:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- энергетика соҳаси – аҳоли ва ишлаб чиқариш учун, газ ва нефть, электр энергияси;</li> <li>- соғлиқни сақлаш ва дори-дармон рецептлари бўйича;</li> <li>- улгуржи савдо, истеъмол товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси;</li> <li>- юқори технологиилар сектори, компьютерлар, интернет, кабелли телевидениялар ва программалаштириш соҳаси каби тармоқларини назорат қилади.</li> </ul> <p>АҚШнинг Адлия департаменти хузуридаги антитрест бўлимини бош адлия ёрдамчиси (бизнинг шароитда Адлия вазири ўринбосари) бошқаради ва у Президент томонидан тайинланади, уни Конгресс тасдиқлайди.</p> <p>Савдо федерал комиссиясининг ўзи ҳам судьяларни ёллаш орқали ишларни таҳлил қилиш ва қидирув ўтказиш, суд қилиш каби амалиётларни қўллаш ваколатига эга.</p>
--	---

## 2. «Ўзбекистонда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш тажрибаси» ҳолати таҳлили жадвали.

<i>№</i>	<i>Таҳлил йўналиши</i>	<i>Таҳлил натижалари</i>
1.	Табиий монополия субъектлари фаолиятининг маҳсус назорат инспекция органлари ва уларнинг асосий вазифалари	<p>Узбекистон иқтисодиётида ҳам ёқилғи-энергетика комплексининг айrim тармоқларида маҳсус назорат инспекция органлари ҳам тузилган. Жумладан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июлдаги 220-сонли қарори билан нефть ва газ маҳсулотларини ицплатилишини назорат қилувчи «Уздавнефтегазинспекция»си ташкил этилди. Мазкур қарорга кўра, инспекциянинг асосий вазифаси нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқларини тизимли равишда ўрганиш, сифат ва техник томонларини кузатиш, маҳсулотлардан самарали ва рационал фойдаланиши юзасидан таклифлар ва тегишли тавсиялар тайёрлаш вазифаси юқлатилган.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 22 февралдаги 2812-сонли Фармонига кўра, «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси электр энергияси ва кўмир маҳсулотларидан мақсадли фойдаланиши назорат қилиш, тармоққа инвестицияларнинг кириши ва ракобатли хизмат кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратища кўмаклашиш</p>

		<p>каби вазифалар белгилаб берилган.</p> <p>Худди шу каби назорат органлари Ўзбекистон хаво ва темир йўллари тизими бўйича ҳамда коммунал соҳасида мавжуд бўлиб, ушбу назорат инспекцияларининг функцияси ҳам юқоридагилар каби тегишли тизим фаолияти устидан кузатиш олиб бориш, тармоқларнинг ишлаб чиқариши учун хавфсизликни таъминлаш, келажак йўналишини белгилашда фаол иштирок этиш каби вазифаларни бажаришга қаратилган.</p>
2.	Амалга оширилаётган асосий чора-тадбирлар	<p>Узбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуни талаблари ижросини таъминлаш мақсадида 2007 йилда Кўмита томонидан ўтказилган текширишлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир мунча камайган бўлсада, бироқ текширишлар натижасида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари салмоғи 58 фоиздан 86 фоизгacha ўсган.</p> <p>Кейинги йилларда айрим табиий монополия субъектлари фаолияти устидан олиб борилган назорат ва таҳлил ишлари натижасида қонуннинг бир қатор моддалари бузилганлиги аниқланиб, қонун талабларига мувофиқ уларга нисбатан катта микдордаги жарима суммаларини қўллашга ва қонун талабларига риоя қилишлари юзасидан тегишли кўрсатмалар берилишига олиб келган.</p>
3.	Қонун бузилиш ҳолатларининг таҳлили	<p>Агар илова қилинаётган жадвалга эътибор берсак, қонун бузилиш ҳолатларининг аксарият таркибини, табиий монополия субъектлари томонидан ўз мавқеидан суиистеъмол қилиш мақсадларда фойдаланиши, белгиланган нархларга риоя этмаслик (7-модда) ёхуд уларни оширишга харакат қилишлари (69,8%), ёки хизмат кўрсатишни асоссиз рад этиш (9-модда), истеъмолчиларнинг хуқуқларини камситиш, улардан ортиқча ҳақ ундириш (16-модда) билан боғлиқ шартларни қўйишилари (12,9%) ташкил этади.</p> <p>Бу ҳолатни айрим вазирлик бўйича олиб қўрсақ, 1999, 2001 ва 2007 йилларда Узбекистон Почта ва Телекоммуникациялар агентлиги тизимида қонун талабларига риоя этилиши таҳлил қилинганда, бу давларда таҳлил қилинган корхоналарда қонун бузилиш ҳолатлари 71,4 фоиздан 82,7 фоизга ўсганлиги, ноқонуний даромадлар микдори 10 баробарга (403,6 млн. сўмга) ошганлигини кўриш мумкин.</p>
4.	Қонун бузилиш ҳолатларининг рўй бериш сабаблари	Бунга субъект ўз монопол мавқеидан фойдаланиши, аввалги йиллардаги жарималардан тегишли хулоса қилмасдан нархларни яна асоссиз равишда шакллантириши, юқори ноқонуний даромад олиш билан шуғуланиши, истеъмолчилар ҳақ-

		<p>хуқуқини менсимасликлари ва ҳ.к.ларни сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.</p> <p>Табиий монополия субъектлари ҳалигача қонун талабларини тўлиқ тушуниб етмаганлар. Бу эса ўз навбатида қонун талабларининг бажарилишини устидан назорат қилишни кучайтириш, кузатув, тушунтириш ишларини мунтазам олиб борилишини зарурят қилиб қўймоқда.</p>
--	--	--

### **3. «Ўзбекистонда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш қонунчилиги ва унинг амалга оширилиш натижалари» ҳолати таҳлили жадвали.**

1.	Меъёрий хужжат номи	Узбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонуни
2.	Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат ўрнатувчи органларга белгиланган ваколатлар	<p>1) табиий монополия субъектларини тартибга солиш ва назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг фаолияти юзасидан давлат реестрини олиб бориш, қонун талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланганда ўз ваколати юзасидан мустақил равища қарор қабул қилиш, уларга жарималар солиш ҳуқуқи;</p> <p>2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилган қарорлари мазкур қонунга зид ҳолатлари аниқланганда, уларнинг бекор қилинишини мажбур этадиган қарорлар қабул қилиши ва уларни бекор қилиши ёки ўзгартирishi юзасидан тегишли кўрсатмалар юбориш ваколатлари;</p> <p>3) табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни тузатиш юзасидан берилган қарор ва кўрсатмаларнинг бажарилишини назорат қилиш;</p>
3.	Қонунчилик амалиёти таҳлили натижалари	2005-2007 йилларда рақобатни чекловчи ва мазкур қонун талабларига зид келган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарор ва фармойишларини аниқлаш мақсадида, 159 та туман ва шаҳар ҳокимликларида ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, жами 215763 та маҳаллий давлат ҳокимиятларининг қарор ва фармойишларининг 152 таси монополияга карши қонунчиликларга зид келганлиги аниқланган. Шунингдек, 70 та вилоят ҳокимларининг қабул қилган қарорлари ҳам қонунга зид деб топилиб, уларни бекор қилиш ёки тегишли тартибда ўзгартирishi юзасидан кўрсатмалар юборилган.
4.	Қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиши тартиби	Табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишлар тегишли хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқарув органининг вакиллари иштирокида бир ой ичida қўриб чиқилади ва тегишли қарори ёки кўрсатмаси қабул қилинади. Ушбу қарор ёки кўрсатма беш кун ичida манфаатдор тарафларга ижросини таъминлаш учун жўнатилади. Ушбу қарорни ёки кўрсатмани бажармаслик манфаатдор тарафларни ва шу жумладан айбдор шахсларига

		юқорида қайд этиб ўтилган миқдорда монополияга қарши давлат органи томонидан жарималар солинишига олиб келади.
5.	Конунчилик амалиёти таҳлили натижалари	2006-2007 йиллар давомида жами 704 та давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чиқарган қарор ва фармойишлари таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг 444 тасида қонун бузилиш ҳолатлари қайд этилган. Натижада уларни тегишли тартибда тугатиш юзасидан берилган кўрсатмани бажармаганлиги учун 56 та айбдор шахсларига жами бир миллион тўрт юз минг сўмлик жарималар қўлланилган.

## V. ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### **Семинар машғулотида кейс-технологиядан фойдаланиш**

Мавзу	Монопол ҳукмронлик ва монополияга қарши сиёsat		
Талабалар сони: 25 нафаргача	Вақти – 2 соат		
Ўқув машғулоти шакли	Кейс-стади усулини қўллаган ҳолда билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш бўйича семинар		
Ўқув машғулоти таркибий тузилиши	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқув машғулотига кириш.</li> <li>2. Блиц-сўровдан фойдаланган ҳолда билимларни фаоллаштириш.</li> <li>3. Гурухларда ишлаш, тақдимот тайёрлаш.</li> <li>4. Тақдимотлар, кейсни жамоа бўлиб муҳокама қилиш.</li> <li>5. Якунлаш. Талабалр фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари, амал қилиш хусусиятлари, тартибга солиш усул ва воситалари бўйича билим ва қўникмалар ҳосил қилиш; Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.</p>			
<i>Ўқитувчининг вазифалари:</i>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- табиий монополияларнинг иқтисодий мазмуни, объектив асослари ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисидаги билимларни янада чукурлаштириш;</li> <li>- табиий монополияларни тартибга солиш зарурлиги ҳамда усул ва воситалари бўйича билимга эга бўлиш;</li> <li>- Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш хусусиятлари билан танишиш;</li> <li>- табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ва мезонларни аниқлаш;</li> <li>- табиий монополияларни тартибга солиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш.</li> </ul>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>- мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш;</li> <li>- кейс билан мустақил ишлаш қўникмаларини ҳосил қилиш;</li> <li>- ўқув билимларини тизимга солиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш қўникмаларини шакллантириш;</li> <li>- ўз нуқтаи назарини асослаш ва ҳимоя қилиш, мунозарада иштирок этиш маданияти, ўзаро фикр алмашиш қўникмаларини ривожлантириш.</li> </ul>			

<i>Ўқитиши усули</i>	Кейс-стади, мунозара
<i>Ўқитиши воситаси</i>	Кейс, услугубий кўрсатмалар
<i>Ўқитиши шакллари</i>	Якка тартибда, жамоа бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш
<i>Ўқитиши шароитлари</i>	Одатдаги аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, блиц-сўров, балл орқали баҳолаш

### Семинарнинг технологик картаси

Ишни бажариш босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	ўқитувчи	талабалар
Тайёргарлик босқичи	<p>Талабаларга якка тартибда танишиб чиқиш ва ҳал этиш учун кейс материаларини тарқатади.</p> <p>Кейснинг аҳамияти ва унинг иқтисодий билимларнинг ривожланишига таъсирини тушунтиради.</p> <p>Мазкур семинарда иш тартиби билан таништиради.</p>	Танишадилар.
1-bosqich. Ўқув машғулотига кириш (15 мин)	<p>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади, вазифалари ва ўқув фаолиятининг режалаштирилган натижаларини сўзлаб беради.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Табиий монополияларнинг объектив зарурлигини қандай асослаш мумкин?</li> <li>2. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишининг қандай усуллари мавжуд?</li> </ol>	<p>1.1. Тинглайдилар.</p> <p>1.2. Саволларга жавоб берадилар.</p>
2-bosqich. Асосий қисм (50 мин)	<p>2.1. Эътиборни кейсда кўйилган муаммо, ундаги топширикларга қаратади.</p> <p>2.2. Ўқувчиларни гурухларга ажратади. Топшириқ беради: Ўзбекистондаги табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш усулларини баҳолаш. Тақдимотга тайёрланиш.</p> <p>2.3. Кейс бўйича гурух бўлиб ишлаш натижаларини биргаликда муҳокама</p>	<p>2.1. Саволлар берадилар,</p> <p>аниқлаштирадилар.</p> <p>2.2. Гурухларда ишлайдилар.</p> <p>2.3. Биргаликдаги ишларининг тақдимотини намойиш этадилар.</p>

	қилишни ташкил этади. 2.4. Мунозара давомида қўшимча саволлар беради (1-илова). 2.5. Тақдим этилган ечимларнинг ўзаро баҳоланишини ташкил этади.	2.4. Саволларга жавоб берадилар. 2.5. Баҳолайдилар.
3-босқич. Якунлаш, таҳлил ва баҳолаш (15 мин)	3.1. Натижаларни умумлаштиради. 3.2. Тавсия этилган ечимларни изоҳлайди. 3.3. Мунозара иштироқчилари ишларини баҳолайди. 3.4. Кейснинг аҳамияти ҳамда унинг келгусидаги касбий фаолиятга таъсирини яна бир бор таъкидлайди.	3.1. Тинглайдилар. 3.2. Тинглайдилар. 3.3. Тинглайдилар. 3.4. Ўз фикрларини билдирадилар.

## 1-илова

### **Қўшимча саволлар ва топшириқлар:**

6. Табиий монополия субъектлари таркибига қандай корхона ва ташкилотларни киритиш мумкин?
7. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш зарурати нима билан изоҳланади?
8. Ўзбекистонда табиий монополиялар фаолияти қандай меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади?
9. Ўзбекистонда табиий монополия соҳасини белгилаш қайси мезонларга асосланади?
10. Мамлакатимизда табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солишда хорижий мамлакатлардаги қайси усуллардан фойдаланиш мумкин?

---

**КЕНЖАЕВ Р.И.**

**«Иқтисодий тараққиёт назариялари» фанидан  
«Иқтисодий ривожланиш омилларидан самарали  
фойдаланиш» мавзусида**

**КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ**

*Кейс «Нима учун “Ўзқишлоқхўжаликмас” холдинг  
компаниясига “Иқтисодий ривожланиш  
омилларидан самарали фойдаланиш” дастури  
керак?»*

---

## I. КЕЙС ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Иқтисодий тараққиёт назариялари”

**Мавзунинг номи:** “Иқтисодий ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш”.

**Фойдаланувчилар:** Кейс магистратура таълим йўналишидаги 2-курс талабаларига мўлжалланган

**Кейснинг мақсади:** Талабаларда “иқтисодий ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш” дастурини ишлаб чиқиш бўйича билимларини чуқурлаштириш. Вазиятдан келиб чиқсан ҳолда муаммони аниқлаш, ҳал этиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда иқтисодий ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантиришдан иборатdir.

